







Заковат дурдоналари

**ЙОҲАНН ВОЛЬФГАНГ
ГЁТЕ**



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2011

УДК: 821.112.2(092) Гёте

ББК: 83:3(4Нем)

И-63

Йоҳанн Вольфганг Гёте / Заковат дурдоналари (олмон тилидан М.Акбаров таржимаси). – Т.: «Янги аср авлоди», 2011 – 256 б.

ISBN 978-9943-08-708-8

Улур олмон адаби Йоҳанн Вольфганг Гёте (1749–1832) шоир ва драматург, адабиётшунос, ҳуқуқшунос ва шарқшунос, файласуф, табиатшунос ва давлат арабби ҳамда «Ёш Вертернинг изтироблари», «Гарбу Шарқ девони», «Фауст» сингари боқий асарлар, шунингдек, 3 мингдан зиёд шеърлар муаллифидир.

Немис ёзувчиси Клаус Зееҳафер қаламига мансуб ушбу рисолада ўз ижоди билан жаҳон адабиёти ҳазинасига салмоқли ҳисса кўшган улур сиймонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобдан, шунингдек, даҳо шоир ва мутафаккир қаламига мансуб Табиат, Инсон, ҳаёт, ижод ва санъат ҳақидаги ҳикматлар ҳам ўрин олган. Таржимон М.Акбаров мазкур ҳикматлар таржимаси устида ишни давом эттириди. Бунинг натижаси ўлароқ аслиятдан ўтирилиб, илк марта эълон қилинаётган Гётенинг ушбу ҳикматлари ҳам китобхонларда қизиқиш уйротади, деб умид қиласиз.

УДК: 821.112.2(092) Гёте

ББК: 83:3(4Нем)

И-63

Diese Uebersetzung ist im Uebersetzerhaus Looren durch die Foerderung des Vereins Uebersetzerhaus Looren entstanden.

*Aus dem Deutschen ins Usbekische uebersetzt von
Mirsali Akbarov.*

*Мазкур китоб таржимаси Лоорен Таржимонлар
Уйи (Швейцария) Ююшмаси кўмагида амалга оширилди.*

*Олмон тилидан Мирзаали Акбаров таржимаси
Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:
профессор Акмал Саидов*

ISBN 978-9943-08-708-8

© Klaus Seehafer Johann Wolfgang von Goethe Dichter,
Naturforscher, Staatsmann 1749–
1832. 1999 Inter Nationes Bonn

© Goethe Maximen und
Reflexionen insel taschenbuch

ГЁТЕНИНГ ЗАКОВАТ ҲАЗИНАСИ

«Аслида биз ҳайратга тушадиган нарасаларни-гина ўқишимиз зарур», деган эди жаҳон адабиёти-нинг буюк намояндаси Йоҳанн Вольфганг Гёте. У бу-тун умр ўзининг ана шу пурхикмат даъватига қатъий амал қилган. Яъни, наинки Фарб, балки Шарқда ҳам маълуму машҳур бўлган мутафаккир шоирларнинг сара асарларини топиб ўқиган ва ҳар гал бундай ма-роқди мутолаадан ниҳотда таъсирланган, чексиз ҳай-ратга тушган.

Табиийки, Гётенинг ўзи ҳам Фарб ва Шарқ мамла-катларидаги миллионлаб мухлисларини ҳали-ҳануз ҳаяжонга солиб келаётган «Фауст», «Фарбу Шарқ дево-ни», «Ёш Вертернинг изтироблари» каби шоҳ асарла-рини яратган. Бир-биридан дилбар шеърлар ёзган.

Айниқса, мумтоз немис шоири ўзининг машриқ-заминга бўлган ҳурматини, Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Жомий, Навоийларга муҳаббатини ёлғиз ижодида эмас, балки кўпқиррали фаолиятида, ҳаёт ва тафак-кур тарзида ҳам намоён эта олган. Севимли шоирла-римиздан бирининг таъбири билан айтганда, Гёте Саъ-дий каби жаҳонгашта, Жомий каби пири муршид, Навоийдек давлат арбоби ва Ҳофизу Хайём каби де-вонаваш қалб эгаси бўлган.

Гётенинг Шарққа бу қадар яқинлиги, Шарқ адабиётига бемисл меҳру муҳаббати ва юксак эҳтироми, Шарқ зиёлилари, шу жумладан, ўзбек ижодкорлари-нинг эътибори марказидан четда қолмади, албатта. Унинг асарларини XX аср ўрталаридан бошлаб дас-таввал рус тили орқали ўзбекчага таржима қилишга киришилди. Бунда Мақсад Шайхзода, Шукрулло, Эр-

кин Воҳидов каби ҳассос шоирларимизнинг хизмати катта бўлганини таъкидлаш жоиз.

Кейинчалик Садриддин Салим Бухорий, Пошо Али Усмон, Янгилиш Эгамова, Носир Муҳаммад каби фидойи шоиру олимларимиз, моҳир таржимонларимиз ташаббуси билан Гёте асарларини бевосита аслиятдан – немис тилидан ўзбек тилига ўгириш тажрибасига ўтилди.

Энг муҳими, истиқдол даври айнан бир асарнинг фақат битта таржимасинигина нашр эттиришдек эски тузумдан мерос маънавий қатагонга чек қўйди ва муайян асарнинг бир неча ижодкор томонидан мустақил таржима қилиниши ва нашр этилиши учун йўл очди. Ўз навбатида, бундай таржимачилик миллий маънавиятимиз хазинасидан жой олаётган жаҳон адабиёти дурдоналарини – аслиятга яқинлигини таъминлаб, барча қирраларини имкон қадар сақлаб қолган ҳолда – бадиий нафис, фалсафий теран асарларни ўзбек китобхонига тұхфа этиш учун зарур шарт-шароит яратди.

Қўдингиздаги китоб уч қисмдан иборат бўлиб, дастлабки қисмдан немис ёзувчиси Клаус Зееҳаферининг Гёте ҳаёти ва ижодига онд биографик асарнинг таржимаси ўрин олган. К.Зееҳафер (1947 йилда туғилган) Германия Ёзувчилар уюшмаси, шунингдек, Гёте ва Шерлок Холмс жамиятларининг аъзосидир. У кўплаб журналистик ва адабий-бадиий асарлар, салмоқли антологиялар яратган.

К.Зееҳафер ўз ижодий фаолияти давомида, жумладан, Гётега бағишлаб бир қанча асарлар эълон қилган. Унинг илк бор ўзбек тилида нашр қилинаётган ушбу рисоласи 1999 йили Бонн шаҳридаги «Интер Национес» нашриётида чоп этилган. Бу асар ўзининг қизиқарли, қисқа ва ихчам ифода усули, равон тили билан ажralиб туради.

Гёте бир ўринда: «**Турди-туман тарбиявий ҳикматлар ва ҳикматли сўздарни тўплаш тенгсиз давлатдир**», деган эди. Даҳо шоирнинг чуқур фалса-

фий мушоҳадаларга, фаннинг жуда кўп соҳаларига оид қимматли маълумотлар, талқин ва ечимларга бой ҳикматли сўзлари унинг қомусий билимли, тафаккур қамрови кенг ва тахайюл парвози юксак ижодкор бўлганини кўрсатади.

Кези келганда, Гётенинг кўплаб боқий асарлари қатори унинг қаламига мансуб ҳикматли сўзлар ҳам жаҳонда мутахассис ва муҳлисларнинг доимий эътибори ва эҳтиромига сазовор бўлиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир. Юқорида зикр этилган рисолани ва **ушбу нашрнинг иккинчи қисмида жамланган Гёте ҳикматларини** немис тилидан бевосита ўзбекчага ўтирган таржимон Мирзаали Акбаров ҳам ана шундай мутахассису муҳлислар сирасига мансуб, десак, янгишмаймиз.

М.Акбаров бундан бир неча йил илгари Германияга ижодий сафари давомида буюк шоир ва мутафаккирнинг 1833 йилда чоп этилган «**Maximen und Reflexionen**» («Ҳаёт қондалари ва ҳудосалари») асари билан танишиб, ўзида салкам 2 мингта афоризмни мужассам этган мазкур тўпламни илк бор ўзбек тилига таржима қилгани ва «**Ҳикматлар ҳазинаси**» (Тошкент, «Шарқ», 2008) номи билан китоб ҳолида нашр эттиргани бу фикримизни тасдиқлайди.

Энди эса қанчадан-қанча китобхонларни икки юз йилдан зиёд вақт давомида ҳайратга солиб келаётган ва неча юз йиллар мобайнида яна ҳайратга соладиган, шаклан ихчаму мазмунан гоятда салмоқдор Гёте ҳикматларининг давоми билан танишиш имконига мушарраф бўлиб турибмиз.

Гёте ҳаёти давомида табиатшунослик, жамиятшунослик, физика, кимё, биология, зоология, адабиёт ва санъат, ранг-тасвир соҳаларига қизиқиб, бу йўналишларнинг барчаси бўйича маълум маънода ўз қарашларига эга бўлган. Эътиборли жиҳати – унинг ана штурли-туман мавзулардаги пурмаъно фикрлари умуман эскирмаган. Аксинча, латиф ва ҳаққоний ҳикматларни мутолаа қилиш асносида, улар айни бугунги

давр руҳини ўзида ёрқин акс эттириб турганини ҳис этасиз.

Китобнинг учинчи қисмидан Гёте қаламига мансуб «Фарбу Шарқ девони»нинг ўзбекча таржимаси ўрин олган бўлиб, уни таниқди шоир, тарихчи ва тасаввуфшунос олим, етук таржимон Садриддин Салим Бухорий (охирати обод бўлсин) немис тилидан бевосита ўзбекчага таржима қилган.

Гётенинг «Фарбу Шарқ девони»нинг нафақат номи, балки мундарижасидан ҳам Шарқ нафаси уфуриб турганини асар «Муганийнома», «Хофизнома», «Ишқнома», «Тафриқнома», «Ранжнома», «Ҳикматнома», «Темурнома», «Зулайҳонома», «Соқийнома», «Масалнома», «Форсийнома», «Худднома» деб аталувчи ўн икки бобдан иборат экани мисолида яққол кўриш мумкин. Таржимон Садриддин Салим Бухорий бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган.

Шу ўринда Гёте «Девон»идаги юқорида санаб ўтилган назм бобларида мавжуд шеърларнинг ушбу китобга тўлиқ киритилмаганини эслатиш жоиз. Таржимон бу ҳақда тўхталар экан, камтарлик билан: «айрим таржималарим ўзимга маъқул бўлмагани учун уларни китобга киритмадим», деб қайд этади. Китобга тартиб беришда айнан сўфиёна руҳ ва оҳангга эга шеърлар саралаб олинганига эътибор қаратадиган бўлсан, фикримизча, бу ҳол Гёте «Девон»ининг мазмун-моҳијатига мутлақо зиён етказмаган. Аксинча, бунда даҳо шоир ўз умрининг нуронийлик даврида нима сабабдан маънан «Шарққа ҳижрат қилиш» учун чоғланганини сўфиёна шеърлар мисолида янада аниқ ва равшан акс эттириш имкони кучайган.

Маълумки, чорак аср давомида ушбу асарнинг айрим боблари Садриддин Салим Бухорийнинг бевосита немис тилидан қилган таржимасида турли газета ва журнallарда эълон қилинган ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган эди. Файбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Салим Жабборов, Камолла Бобожонова каби машҳур адабиётшунос ва таржи-

машунос олимлар ўзларининг илмий асар ва мақолаларида таржимон маҳоратини юқори баҳолагани шулар жумласидандир.

Фурсатдан фойдаланиб, китобхонга Гётенинг ижод боғидан мана шундай яна бир ажиб гулдаста армуғон этган ўзбек таржимонлари хизматига алоҳида ургу берар эканмиз, жаҳон адабиёти хазинасиға салмоқли ҳисса кўшган даҳо шоирнинг бу соҳа намояндаларига берган таърифини эслатишни лозим топдик: «**Таржимонларни сергайрат, тиниб-тинчимас совчиларга ўжшатгинг келади, улар бизга ярим пинҳон гўзалликнинг мақтоворини кедтириб, уни юксак дараҷада ёқимла қилиб кўрсатадилар; улар аслиятга зўр, кучли иштиёқ уйғотадилар**».

Алалхусус, ушбу китоб бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, Фарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро адабий таъсир муаммоларини ўрганиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Ва, албатта, адабиёт муҳлислари янги нашрни атоқли немис шоирининг заковат хазинасидан муносиб туҳфа сифатида ҳавас ва иштиёқ билан қабул қиласиди, деган умиддамиз.

Акмал САЙДОВ, профессор



Клаус Зеехафер

**ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ –
ШОИР, ТАБИАТШУНОС,
ДАВЛАТ АРБОБИ**

(1749-1832)

*Олмон тилидан
Мирзаали Акбаров таржимаси*



ГЁТЕНИНГ ЁШЛИГИ

(1749–1771)

Франкфурт(Майн)лик кайзер маслаҳатчиси Йоҳанн Каспар Гёте ва унинг рафиқаси бўлмиш Катарина Элизабет (қизлиқ фамилияси Текстор) хоним хонадонида 1749 йил 28 августда биринчи фарзанд дунёга келади. Оила бошлиги ўзига тўқ рантье¹ бўлиб, ниҳоятда ўқимишли, бунинг устига санъат шайдоси ҳам эди. У 38 ёшида шаҳарнинг обрўли фуқароси, суд кенгаши раиси жаноб Тексторнинг 18 ёшли қизига уйланади.

Ўсмирнинг болалиги ҳамон ўрта асрларга хос бўлган, ёлғиз Венадаги императорга тобе шаҳар кўчаларида кечди, у мактабдош ўртоқдари билан талашиб-тортишиди, ўзи яшайдиган мавзе чор-атрофини қизиқиб ўрганди, кўкламги ва кузги ярмаркаларни завқ билан томоша қилди ҳамда 1764 йилда – 14 ёшида император Йозеф Пга тож кийдириш маросими тантаналарининг гувоҳи бўлди. Лиссабондаги зилзила уни ларзага солган пайтда олти ёшда эди. Тўққиз ёшида чечак касали билан оғриди. Унинг яна тўрт синглиси дунёга келади, бироқ ундан бир ярим ёш кичик бўлган Корнелиядан ташқари барчаси бу оламни эрта тарк этишади.

Ота ўрли ва қизига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, уларга ўзи сабоқ беради, шунингдек, ҳусниҳат ва инглиз тили дарслари учун муаллимларни жалб этади. Китобсевар оиласи мутолаага кенг ўрин берилади. Шунинг учун ҳам болакайнинг қўлидан китоб узилмайди, у айниқса, Инжил, Тавротни севиб ўқийди,

¹ Рантье – қарзга берилган пулдан, қимматли қофозлардан келадиган даромадлар ҳисобига яшовчи судхўр.

ҳатто бир неча крейцер² сарфлаб, халқ севиб ўқийдиган китобларни ҳам сотиб олиб, мутолаа қиласади.

Шундай қилиб, ёш Гётеда адабиётта ҳавас, иштиёқ эрта уйғонди. Онаси унга ҳикоятлар сўйлаб берарди, бувиси эса навқирон набирага «қўғирчоқ театрни»ни совфа қиласади. Австрия билан Пруссия ўртасидаги етти йиллик уруш сабабли Франкфуртни 1759 йилда французлар ишғол этиб, шаҳарга фаранг театр ансамбли кириб келганидан сўнг, у энди тез-тез театрга тушиб, спектакллар томоша қила бошлияди.

Бора-бора шаҳар ичкариси ва ташқарисида жами бўлиб, етти минг нафар француз аскарлари жойлаштирилади. Император ноиби Кот де Торанк жаноблари Гётелар хонадонига жойлашади, бу албатта, пруссияликлар тарафдори бўлган уй соҳибини қаттиқ ташвишга солади. Болалар эса аксинча, бундан хурсанд бўлишади. Санъат ишқибози бўлган зобит бир оз вақт ўтиб, франкфуртлик кўплаб санъаткор, рассомларни, шу жумладан, Гётени ҳам ўз ҳузурига чорлайди.

Ўғли 16 ёшга тўлгач, ота уни ўқитиш тараддудига тушади. Унинг ҳам ўзи каби ҳукуқшунос бўлишини истайди, Лайпциг бунинг учун айни муддао, чунки шаҳар замонавий, бунинг устига номдор университетга ҳам эга эди. 1765 йил ноябрь ойининг бошларида Гёте Лайпцигга келади. Бу пайтга келиб шаҳар аҳолиси дунёвийлик касб этган ва модага берилган эди. Гёте ҳам бунга бефарқ қараб туролмайди. Энди унинг харжатлари йилига минг талерни³ ташкил қиласар, ўқиши ҳам бир нави давом этарди.

Гёте бўш вақтларида рассом ва ҳайкалтарош Адам Ўзер билан танишади, машҳур олмон шоири Кристиан Фюрхтеготт Геллерт билан тез-тез учрашиб, ундан ахлоқ ва поэтикага доир сабоқлар тинглайди. Ўзидан бир оз каттароқ бўлган дўсти Эрнст Вольфганг Бей-

² Крейцер – қадимги танга пул.

³ Талер – эски немис тангаси.

риш эса уни лирик ижод сари илҳомлантиради. Натижада Гётенинг илк ижод маҳсули – «Аннетта» шеърий тўплами вужудга келади. Китоб 1767 йил августида ёзib туталланади. Аннетта поэтик тўқима бўлмай, балки шоирнинг Лайпцигдаги илк улкан муҳаббатидан далолат берувчи образ: Анна Катарина Шёнкопф – меҳмонхона соҳибининг қизи эди.

1768 йилда у ўзининг дастлабки драмаси – «Ошиқ кайфияти» номли идиллияни⁴ ёзib тутатади. Ул мазкур жанрда яратилган сара асар саналса-да, бироқ идиллиялар даври бу орада аста ўз поёнига етаётган эди.

Июль ойи тунларининг бирида кутилмагандага Гётенинг қон босими кўтарилади. Кун бўйи «ана кетдим, мана кетдим» бўлиб, ўлим билан олишади. То соғайиб, қувватга киргучи 1770 йилнинг баҳори бошланади. Хасталик чоғида шоир кучли ҳиссий-руҳий таназзулни ҳам бошидан кечиради. «Баъзан хаёлимга, шундай гўзал лойиҳаларим бўлса-да, уларга қарамасдан пасхага ҳам етолмай ўлиб қолсан-а, деган бўлмағур ўйлар келади», деб ёзган эди у Катаринага йўллаган мактубларининг бирида. Энди у диний китоблар мутолаасига берилади. Бу орада Гёте 47 ёшли Сюзанна Катарина фон Клеттенберг билан танишади. Орадан йиллар ўтгач, ўша пиетист «дилбар аёл»нинг диний мавзудаги ёзишмаларини қайта ишлаб, ўзининг «Вильхельм Майстернинг ўқиши йиллари» номли романида улардан ўз ўрнида фойдаланади.

«Айбор шериклар» драмаси – ушбу даврнинг адабий маҳсулидир. Беаёв сарказм билан йўғрилган ушбу асарда мавжуд драматик ҳолат кучли кулги остига олинади. Барча protagonislар томонидан ечиб бўлмайдиган, мушкул деб ҳисобланган муаммо пировардида биргина афви умумий билан ҳал бўлади-қўяди.

⁴ Идиллия – табиат қучогида ўтадиган роҳат ва фарогатли турмушни тасвировчи шеърий асар.

Гётенинг алкиме соҳасидаги тадқиқотлари ҳам худди шу даврга түрри келади. Ниҳоят, унинг бу борадаги изланишлари инобатта олиниб, энди уни Страсбургда янги саргузаштлар кутарди.

У пиетист Юнг-Штиллинг, «Болалар қотили» драмаси (1776) муаллифи Ҳайнриҳ Леопольд Вагнер, жўнаб кетишидан сал олдин эса Якоб Миҳаэл Райнхолд Лени билан танишади. Шу ўринда унинг Йоҳанн Готтфрид Ҳердерга бўлган муносабатини алоҳида таъкидлаш лозим; унинг асарлари шоирда янги foялар уйғотади. Айни пайтда у замонавий инглиз ҳикоянавислари ижодидан илҳомланиб, ўзининг «Халқ қўшиқлари тўплами» устида ишни давом этиради.

1770 йилнинг кузида Гёте бир дўсти билан отда сайр қилиб юриб, Зезенҳаймга боради. У ерда ружоний Брион оиласи аъзолари билан танишиб, Фридерике Брион хонимга кўнгил қўяди. Франкфуртга қайтганидан сўнг, уларга қайта дийдор кўришиш насиб этмайди. Маҳбубасига тез-тез мактублар ёзиб турса-да, унинг дилини ҳижрон ўти ўртайди, виждан азобида қийналади. Орадан йиллар ўтиб, Гёте ушбу воқеаларни ўзининг «Гётц фон Берлихинген» (1773) ҳамда «Клавиго» (1774) драмаларига кўчиради.

ИЖОДКОРДАН – ВАЗИРГА (1771 – 1786)

1771 йил 3 сентябрда Гёте Франкфурт магистрат (муниципиал кенгаш)и ҳузурида адвокат сифатида қасамёд қабул қилиб, аввалига шижаот билан ишга киришади, бироқ кейинчалик ишдан кўнгли совий бошлайди; у ҳаммаси бўлиб атиги 28 суд жараёнини олиб борган, холос. Ундаги нотиқлик маҳорати, чукур ҳуқуқий билим туфайли ундан яхшигина юрист чиқиши мумкин эди. Шундай бўлса-да, серқирра истеъдод соҳиби бўлган йигирма ёшли йигитча асли нима

иш билан шуғулланишни билмай, күпинча боши қотарди.

14 октябрда Гёте дўстлари ҳузурида «Шекспир куни» муносабати билан нутқ сўзлайди. У ўз нутқида нафақат инглиз драматурги ижодига доир, балки янги замон адабиётининг вазифаси нималардан иборат бўлмоғи лозимлиги хусусидаги ўз фикр ва қарашларини ҳам баён этади. Ўзининг бу борадаги илк тажрибаси сифатида «Готфрид фон Берлихинген тарихи»ни саҳналаштирган ва ушбу асар 1774 йилда илк марта кўйилиб, катта муваффақият қозонган эди.

Бу даврга келиб Гёте дармштадтлик ижодкор Йоҳанн Ҳайнриҳ Мерк билан танишади. Мерк унга драманинг чоп этилишида кўмаклашади ва уни ўзи нашр қилаётган «Frankfurter Gelehrte Anzeigen» учун ёзib туриш ва ҳамкорлик қилишга чорлайди. Мазкур нашрда асосан, тақризлар босиларди. Мерк Гётени «Дармштадт Рұҳонийлар Жамияти» даврасига олиб киради. Ушбу жамиятга Мерк ва унинг рафиқасидан ташқари, Ҳердерга унаштирилган Каролина Флаксланд ҳамда сарой хонимлари аъзо эдилар.

1772 йил май ойининг ўрталаридан то сентябрига қадар Гёте юридик амалиёт ўташ учун Ветцларда яшайди. У ерда у элчихона котиби Йоҳанн Кристиан Кестнер ва унинг қайлиғи Шарлотта Буфф билан танишади, улар билан дўстлашиб, мазкур хонадонга тез-тез бориб туради. 11 сентябрда Гёте Ветцларни тарк этади. Орадан бир ой ўтгач, у ерда ўзи таниган элчихона котиби Карл Вилҳелм ўзини отиб ўлдирганлигини эшитади. Шу тариқа Гётеда аста-секин бўлғуси «Ёш Вертернинг изтироблари» романини ёзиш ғояси туғила бошлайди.

1773 йил Гёте ўзини бир оз ёлғиз ҳис қиласи, Ҳердер билан Каролина турмуш қурадилар, синглиси Корнелия эса унинг йўқлигига Йоҳанн Георг Шлоссерга унаштирилган бўлиб, у ҳам унга турмушга чиқади. Дармштадт жамияти эса тарқала бошлайди. Шоир ижоди қайнаб-тошади, у кўплаб фрагментлар, хатлар,

драмалар, эпистоляр (мактублардан иборат) шеърлар, романлар ёзишга киришади. 1774 йилда у ўзининг икки буюк асарини: февраль билан апрель орасида «Ёш Вертернинг изтироблари»ни, май ойида эса «Клавиго» драмасини ёзib тутатади. Тез орада письма муваффакият қозонади, роман эса муаллиф номини бутун Олмонияга машҳур қиласи. Китоб қайта-қайта нашр этилади. Кейинги йиллар мобайнида Гёте кўп саёҳат қиласи, кўплаб дўстлар орттиради. Швейцарилик теолог, ёзувчи Йоҳанн Каспар Лаватер, Фридрих Максимилиан Клингер ва Ҳайнриҳ Леополд Вагнер шулар жумласидандир. Клингернинг «Бўрон ва ҳужум» (1776) драмаси янги адабий даврни бошлаб берган бўлса, Гёте, Клингер ҳамда Вагнер ана шу даврнинг франкфуртлик драматурглари эдилар.

Гётелар хонадонида олмон шеъриятининг машҳур намояндаси Фридрих Готлиб Клопшток ва «Гётtingер Музеналманах» ношири Ҳайнриҳ Кристиан Бойе меҳмон бўлишади. Гёте уларга ўзининг «Фауст» асаридан илк саҳналарни ўқиб беради. 1774 йил декабрида Гёте Франкфуртга ташриф буюрган Саксония-Ваймар шаҳзодаси Карл Август ва унинг акаси Константин билан танишади. Карл Август шоир билан бўлган мулоқотдан беҳад мутаассир бўлади ва уни Ваймарга таклиф этади. Ушбу таклифга биноан Гёте 1775 йилнинг 7 ноябринда Ваймарга келади. Ўша даврдаги Саксония-Ваймар-Айзенах герцогликлари бугунги округчалик катта бўлмай, унда ўша пайтда атиги юз минг нафар аҳоли яшарди. Гёте 700 хонадонга эга бўлган, аҳолиси деҳқончилик орқасида кун кечирадиган шаҳарча билан яқиндан таниша бошлайди. Унинг 1776 йил феврал ойида ёзилган мактубларидан бирида жумладан, шундай сатрларни ўқиши мумкин: «Мана, ўлка ҳаёти билан ҳам танишайпман, бу мен учун жуда қизиқарли. Герцог ҳам бундан мамнун. (...) Фрау фон Штайн дилбар аёл, унга, нима дейди, жуда боғланиб қолдим. Герцогиня Луиза эса фариштанинг ўзгинаси. Герцогнинг онаси билан ҳам муносабатларимиз яхши, у би-

лан күпинча ҳазил-хузул қилиб вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қоламиз.

Гёте Ваймарга тобора маҳкамроқ боғлана боради. Герцог унга илк кўкламдаёқ чорбоғ тухфа қиласди, у энди мулкдор сифатида туб фуқарога айланади. Уни Ваймарга боғлаб турган яна бир ришта ўзидан етти ёш катта бўлган, оиласи сарой хоними Шарлотта фон Штайнга бўлган чексиз муҳаббати ҳам эди.

Гёте герцогнинг олий мақомдаги маслаҳатчилар кенгаши ҳисобланган «махфий консилиум» таркибида махфий маслаҳатчи лавозимида зўр гайрат билан ишга киришади. Жеймс Кук ўзининг дунё бўйлаб учинчи саёҳатига отланаётган, Адам Смит «Халқ фаровонлигининг табиат ва сабаблари» ҳақида бош қотираётган ҳамда Америка Кўшма Штатлари ўз мустақиллигини эълон қилган бир пайтда улуғ шоир ихтиёрий равищда кичкинагина герцогликдаги йўл қурилиши, уч далалик алмашлаб экиш тизимига ихтисослашган хўжалик ва давлатдан қарздорлик сингари муммоловар билан шуғулана бошлайди. Шу билан бирга шеър ёзишни ҳам унутмайди.

«Ҳарцга қишки саёҳат», «Инсоният сарҳадлари», «Илоҳиёт» сингари буюк шеърлар қаторида у фрау фон Штайнга ҳам ажойиб шеърий мактублар битади, сарой ҳамда Ваймар ҳаваскорлар театри учун асалар яратади. «Ифигения» (1779)нинг илк варианти, «Торквато Тассо» (1780) ва бошқа асалар шулар жумласидандир.

1777 йил 8 июнь куни унинг синглиси Корнелия кўзи ёриш чоғида оламдан ўтади. 1782 йилнинг май ва июнь ойлари шоир учун бирин-кетин фам ва шодлик олиб келади: 25 май куни отаси вафот этади, 2 июнь куни у Хотин-кизлар майдонида ўзи учун ажратилган салобатли уйга кучиб ўтади, 3 июнь куни эса император Йозеф II томонидан берилган дархон ёрлиғини қабул қилиб олади.

Бироқ уни беҳад баҳтиёр қилган нарса бутунлай бошқа бир воқеа эди: 1784 йилнинг 27 март куни у

ўша пайтга қадар фақат ҳайвонларда кузатиб келингандык жағынан да өзгөрді. Бирок унинг биңдердеги мавжудлыгын анықтайтын критерийдердин көмүкүшінде олардың мөлдөмдүүлүгүн салып табууда көрсөткөн көмүкүш болуп саналады.

Шеърият билан бир қаторда Гёте нафақат анатомия, балки петрификация (тошга айланиш) жараёнига ҳам қизиқады, у тоғ жинслари намуналарини иштиёқ билан йиға бошлайды (шоир вафотидан сүнг ундан 18 минг маъдандан иборат коллекция мерос қолган). Унинг оптикага бутун умр бўйи қизиқсанлиги асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Палеонтология ё метеорология соҳалари бўладими, ҳайвонлар ёки ўсимликлар метаморфозаси⁵ бўладими, буларнинг барчаси ҳамиша шоирнинг дикқат марказида бўлган.

ИТАЛИЯГА САЁХАТ

(1786-1788)

«Энди тан олиб айта оламанки», деб ёзган эди Гёте 1786 йилнинг 3 ноябрьда Карл Августга йўллаган мактубида, «авваллари биронта лотинча китобни, Италия ўлкаси тасвиirlанган биронта расмни ҳам кўрмаган эдим. Ушбу мамлакатни кўришга бўлган кучли иштиёқ мана, ниҳоят амалга ошиб, дўстларим ва ватаннинг бениҳоя азиз эканлигини дилдан ҳис этиб, энди қайтишни ихтиёр қўлмоқдаман.»

Венециядаги иккита ҳафта тургач, ниҳоят у Римга етиб боради. Ҳамроҳлари рассомлар бўлиб, Йоҳанн Филипп Мёллер номи остида у ҳам гўё рассом қиёфасида улар билан бирга юрарди. Гёте ўзи билан ҳали тутгалланмаган драмалари – «Ифигения», «Тассо», «Эгмонт» ва «Фа-

⁵ Метаморфоза – ўзгариш, турланиш, янги шакл олиш; эволюция натижасида асосий организмлар шаклининг ўзгариши, ўсимликлар ва жониворларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши.

уст» қўлёзмаларини олволган, уларни сафар давомида ёзиб тугатишни мўлжаллаган эди. Айни чорда, ўзининг рассомлик ишларини такомиллашибирини ҳам кўзлаганди. Ҳақиқатан ҳам Гётенинг бу борадаги фолияти анча сермаҳсул бўлади, пировардида у уйга 850 та расм билан қайтади.

Гёте «мангу шаҳар» билан танишишда давом этар экан, италян тилини яхши билганлиги туфайли одамлар билан эркин мулоқотда бўлади, табиатни кузатади, ўлкани ўрганади. У уч марта Везувийга чиқади, иккинчи бор чиқишида Кегелберг чўққисида юрак хуружи тутиб қолади.

Кўҳна Сицилия ороли бўйлаб сайд Италияга саёҳатининг энг зўр саргузаштига айланади. «Италия Сицилиясиз ҳеч қандай таассурот қодирмайди», деб ёзган эди Гёте. «Ўзингни теварак-атрофинг денгиз билан ўралган ҳолда кўрмабсан, демакки, олам ва унга ўз муносабатинг ҳақида ҳеч қандай тасаввур-тушунчага эга бўлмабсан.»

Палермо ботаника бори билан танишув ҳам шоирда катта қизиқиш уйғотади. Ушбу маскандан олинган таассуротлар кейинчалик илмий далиллар билан «Ўсимликлар метаморфозаси» (1790) асарига кўчади. Булардан ташқари, мамлакатдаги Жирженти, Калтанизетта, Катания, Таормина, Мессина сингари яна кўплаб жойлар зиёрати ҳам Гётеда унутилмас таассурот қодиради.

Гёте Италия бўйлаб саёҳати мобайнида самарали ижод қилишга ҳам улгуради: «Ифигения», «Эгмонт» ҳамда «Тассо» каби катта драмаларини ёзиб тугаллади. Тўғри, «Тассо»нинг якунланишига ҳали бир оз қолган эди. «Ушбу ижод маҳсули ҳаётимда яна бир янги саҳифа очишим учун менга қувонч ва руҳ бағишлиди», деб ёзган эди у ватанига жўнаб кетишидан сал олдин, Карл Августга йўллаган мактубида. Дарҳақиқат, Гёте қайтиб боргач, вазирлик лавозимининг керак-нокерак ишларидан бир қадар халос этилиб, унга энг аввало, санъат ҳамда илму урфон билан шу-

гулланиши: кутубхона, театр ва университет бошқа-
руви билан машғул бўлишилиги учун барча шароитлар
яратиб берилади.

БЕҲДАЛОВАТ ЙИЛЛАР (1788-1805)

Гёте қайтиб келгач, яна оғир аҳволда қолади. Карл Август сафарга жўнаб кетади, Шарлотта эса унга совуқ муносабат билдира бошлиди. «Дўстларим тасалли-таскин бериб, чорлаш ўрнига, мени тушкун бир ҳолатта солиб қўйдилар, (...) ҳеч ким мени тушунмас эди». Эски муносабатлар совигач, энди у янги дўстлар орттиради; олим ва сиёсатчи Вилҳем фон Хумболдт (1788), шоир Фридриҳ Шиллер (1790), жаҳонгашта саёҳатчи Георг Форстер (1791), малика Амалия фон Галлицин (1792) каби машҳур кишилар билан танишади. Қайтиб келганидан сўнг орадан уч ҳафта ўтгач, Гёте 23 ёшли Кристиане Вуллиусни учратади-ю, унга ошиқ бўлиб қолади.

Италия саёҳатидан мутаассир ва Кристианега бўлган муҳаббатидан масрур Гёте 1788 йилда «Рим элегиялари»ни, келаси йили эса «Тассо»ни ёзиб тугаллади. 25 декабрда уларнинг ўғли Август дунёга келади. Орадан уч ой ўтиб, Венециядан Анна Амалия хонимни олиб келиш учун у яна Италияга отланади, қайтиб келиб, яна дарҳол герцог кетидан Бреслаута жўнайди. У ерда Пруссия Австрия ва Польшага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаётган эди. Хайриятки, тинчлик битими – «Райҳенбах Конвенцияси» тузилиб, урушнинг олди олинади.

Гёте табиатшунослик илмига оид асарлар ёзиш билан машғул бўлади. «Ўсимликлар метаморфозасини тушуниришга уриниш» (1790) асарини ҳамда ўзининг «Оптикага доир илк мақолалар» (1791-1792)ини эълон қиласди. Булардан ташқари, у ранглар ҳақидаги муфассал таълимот устида ишлашни давом эттиради. Унинг

ранглар таъсиротларига доир қарашларини ўз ичига олган ушбу асар, ниҳоят 1810 йилда босилиб чиқади.

1791 йили Гётега Ваймардаги сарой театрига раҳбарлик қилиш ишониб топширилади. У нафақат театр репертуари, балки актёрларнинг ижрочилик маҳорати, тил маданиятидан тортиб то саҳна декорациясигача бўлган ишлар концепциясини яратиб, уни муваффақият билан амалга оширадики, пировардида унинг бу фаолияти кейинчалик «Ваймар услуби» номи билан тарих саҳифаларидан ўрин олади.

Кейинги йили шоирнинг Франциядаги революцион (инқилобий) ҳарбий юришларда Карл Августга ҳамроҳлик қилишига тўғри келди. Урушнинг барча азобуқубат ва даҳшатларини ўз бошидан кечирган Гёте келгусида инқилоб мавзусида драмалар ёзишга уриниб кўради. Унинг бу борада яратган эпик асарлари: «Олмон муҳожирлари билан суҳбатлар» (1795), «Райнеке Фукс» (1794), «Херманн ва Доротеа» (1798) эпослари ва ниҳоят, «Франциядаги ҳарбий юриш» (1792), «Майнц қамали» (1822) сингари хотиралари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1794 йилнинг июл ойи охирларида Йенадаги Табиатшунослар Жамиятида бўлган йиғилишдан сўнг, Гёте билан Шиллер ўртасида энг содда ўсимликлар организми мавзусида суҳбат бўлиб ўтади. Мазкур мусоҳаба кўп ўтмай икки буюк сиймо ўртасидаги яқин дўстликка асос солади. Шиллер ўзининг «Die Horen» номли журнали саҳифаларидан Гётенинг ижод намуналарига ҳам ўрин ажратади. У айниқса, унинг «Эртак» (1795) ва «Вилҳелм Майстернинг ўқиши йиллари» (1796) романидан завқданади. Шу икки йил ичida Шиллер ва Гёте ўзаро ҳамкорликда 926 та аччиқ кулигили эпиграммаларни ўз ичига олган «Xenien» номли асарини ёзишади. Шундан сўнг тез орада Шиллернинг «Поликрат халқаси», «Ибикус турналари», «Фаввос», «Қўлқоп», Гётенинг эса «Хазина изловчи», «Афсунгар шогирди», «Тангри ва раққоса», «Афсона» сингари асарлари дунёга келади.

1790 йилда «Фауст»дан илк парча» чоп этилган эди. Шиллернинг қистови билан Гёте 1797 йилнинг июнида ушбу асар устида яна ишлашни давом эттиради. Ушбу буюк асар қийинчилик билан бўлса-да, аста-секин қофозга туша бошлайди. Ниҳоят, трагедиянинг биринчи қисми тайёр бўлиб, чоп этилгач, уни энди яна давом эттириш лозим эди, бироқ шу орада «Ранглар ҳақидаги таълимот» (1810), 1811 йилдан бошлаб эса «Шеърият ва ҳақиқат» каби бошқа асарлар олдинги планга чиқиб қолади.

Афсуски, Фридриҳ Шиллерга «Фауст»нинг биринчи қисми босилиб чиққанини кўриш насиб этмади. У 1805 йил 9 майда 45 ёшида бевақт оламдан ўтади. Буйраги эндингина дарддан форир бўлган Гёте ушбу қайғули хабарни эшитиб, чуқур изтиробга тушади.

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ (1805 – 1823)

Ушбу йиллар мобайнида Гёте ўзидан тўққиз ёш кичик бўлган берлинлик меъмор ва мусиқачи Карл Фридриҳ Целтер билан танишади. Улар ўртасида қалин дўстлик ришталари боғланиб, қизғин хат ёзишишлар узоқ йиллар давом этади. Мазкур мактубларни XIX асрнинг илк 30 йиллик даврида рўй берган муҳим воқеаларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжат деб атаса ҳам бўлади.

1806 йилда Гёте Карлсбадда дам олиб қайтади. Бироқ уйда уни кўнгилсизликлар кутиб турарди. 1805 йилда Наполеон Аустерлицдаги уч император урушида⁶ австрияликлар ва руслар устидан ғалаба қозонган эди. Орадан кўп ўтмай, Пруссия ҳам урушга қўшилади, бироқ унинг кучли француз армиясига бас келиши кийин эди. 14 октябрда Йенада бўлиб

⁶ Уч император уруши – 1805 йилда Аустерлицда бўлиб ўтган жанг.

ўтган жанг буни яққол тасдиқлайди. Уруш ҳаракатлари ниҳоят Ваймарга ҳам етиб келади... 19 октябрда 18 йил бирга ҳаёт кечирган Гёте билан Кристианинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. Ҳаёт ва қизгин ижод яна давом этади. 1808 йилнинг муҳим ижтимоий воқеаларидан бири – Гёте Эрфурт ва Ваймарда Наполеон билан учрашади. 14 октябрда унга ва Виландга Наполеон томонидан таъсис этилган Фахрий легион ордени топширилади... Умр – оқар дарё дейишади. Ўтган йиллар ичида ўлим шоирни кўплаб дўстлари, яқин кишилари ва замондошларидан айирди. 1791 йилда Мерк ўз жонига қасд қиласди, Ҳердер (1803), Шиллер (1805), Анна Амалия хоним (1807), Гётенинг онаси (1808) ва Виланд (1813) вафот этади.

60 ёшга кирган шоир энди ортга назар ташлаб, хотиралар билан яшай бошлайди. Котиби Йоҳанн Петер Эккерманн Гёте билан бўлиб ўтган сұхбатларини қоғозга туширади. 1810-1813 йиллар орасида Гёте «Шеърият ва ҳақиқат»нинг ilk уч жилди устида ишлайди. Ушбу китоблар ўқувчилар томонидан қизикиш билан кутиб олинади ва тезда сотилиб кетади.

Форс шоири Ҳофизнинг девонини мутолаа қилган Гёте унинг шеъриятидан ғоят таъсирланади. Ана шу таъсирот натижаси сифатида аста-секин «Фарбу Шарқ девони» юзага келади. Висбаденда Гёте банкир Йоҳанн Йоахим Виллемернинг асрори қизи – 29 ёшида турмушга чиқсан Марианна билан танишиб, унга Ҳофиз девонининг таржимасини тақдим этади. Улар орасидаги дўстлик ришталари тез орада кучли муҳаббатга айланади. Икки ўртада қизгин хат ёзишиш бошланади. Мактубларнинг аксариятини ишқий мавзудаги шеърлар ташкил этарди. Асли шоиртабиат бўлган Марианна кучли ҳис-туйгулар таъсирни остида шоирлик қобилиятини ҳам намоён этади. Орадан йиллар ўтиб, Гётенинг «Фарбу Шарқ девони»даги камида 4 та шеър шоира қаламига мансуб эканлиги маълум бўлди.

1816 йилда Кристиане иккинчи марта сакта (мияга қон қуиши)ни бошидан кечиради. Бунинг оқибатида уремия⁷ содир бўлиб, бевақт вафот этади. Орадан йил ўтгач, Август фон Гёте 20 ёшли барон қизи Оттилия фон Погвишга уйланади. Ёш келин-куёв Гёте хонадонига янги ҳаёт нафасини олиб келади. Ҳадемай неваралар: Валтер (1818), Вольфганг (1820) ва Алма (1827) туғилади.

Гёте табиатшунослик соҳасидаги тадқиқот ишларини давом эттира бориб, 1817 йилда «Морфологияга доир» ва «Табиатшунослик, хусусан морфологияга доир» асарларини яратади. 1819 йилда «Фарбу Шарқ девони» босилиб чиқади. «Вилҳем Майстернинг саёҳат йиллари» (1821) кенг китобхонлар оммасини қамраб ололмаган бўлса-да, ушбу асар Эдуард Мёрике, Адалберт Штифтер, Готфрид Келлер ҳамда Ҳерманн Ҳессе ва Петер Ҳандке сингари атоқли шоир ва ёзувчилар томонидан ҳам севиб ўқилганлиги айни ҳақиқат.

Мазкур асар иловасида Гёте жаҳон адабиёти тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтган. Дарҳақиқат, у бунга тўла ҳақли эди, чунки ўзи жаҳон матбуотини муназам ўқиб, кузатиб борар, Скотт, Байрон, Бальзак, Гюго, Мериме, Дидро, Волтер сингари жаҳон адабиёти на-мояндаларининг дурдона асарларини севиб мутолаа қиласи эди. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтиш зарурдек туюлади, яъни агар Гёте жаҳон халқлари адабиётидан баҳраманд бўлмаганида эди, у «Фауст»дек шундай мазмунан теран ва шаклан мукаммал буюк асарни ярата олмаган бўларди, дейиш мумкин.

1823 йил кексайиб қолган Гёте ҳаётида икки мұхим воқеа билан ҳарактерланади: Биринчиси, Ваймарга келган Эккерманн Гётенинг котиби сифатида иш

⁷ Уремия – буйрак кассаланиши сабабли тўпланиб қолган моддалар таъсирида организмнинг заҳарланиши.

бошлайди. Иккинчи воқеа шуки, Марийнбаддаги ёзги даволаниш чоғида 74 ёшли шоир 19 га кирган қызы Улрика фон Леветцовни яхши күриб қолади. Мазкур севги қиссаси «Марийнбад элегияси»да ўз ифодасини топган. Ноябр ойида оғир бетоб бўлиб ётган Гёте ҳузурига етиб келган дўсти Целтер унинг дарди ишқ эканлигини ҳис этиб, беморга ўзининг янги ёзган шеърларидан ўқиб беради. Декабр ойи ўрталарида Гёте соғайиб, яна ишга шўнгийди.

УМРИНИНГ СҮНГГИ ЙИЛЛАРИ

(1823 – 1832)

1825 йил 5 ноябрда Гётенинг Ваймарга келганига эллик йил тўлади. Кўп йиллардан бўён у ўзининг ҳар бир иш кунини соатма-соат тақсимлашга ўрганганд, бу эса унга ёши бир жойга етган чоғида ҳам мислсиз дарражада сермаҳсул ишлай олиш имконини берарди. Албатта у кундалик ёзиб боришни ҳам ҳеч канда қилас мас эди. «Бажарган ишинг билан ўтган умрингнинг ҳар бир кунига бир назар ташласанг, аввало, фаолиятингдан қониқиб, ўзинг шодланасан, бу эса виждонлилик, инсоф-мурувват сари етаклайди. Ҳар бир лаҳза тарихга айланар экан, биз уни муносиб баҳолаш ва қадрлашни ҳам ўрганиб борамиз.»

1827 йилда Шарлотта фон Штайн, 1828 йилда Карл Август, 1830 йилда эса унинг рафиқаси Луиза хоним вафот этади. Гёте айникса, дўсти Карл Август ўлимидан қаттиқ изтироб чекади. У дағн маросимларида қатнашади, июлдан то сентябргача бўлган вақтни эса Дорнбургда ёлизлика ўтказади. У ерда у бундан ярим аср муқаддам Карл Август билан бирга ажойиб кунларни бошидан кечирган эди.

Гёте ўзининг сўнгги туғилган кунини набиралари Валтер ва Вольфганг билан Илменауда ўтказади, Кичелҳан тори чўққисидаги ёғоч уйчага чиқади. Бир пайлар у уйчанинг жанубга қараган деразаси олдида ту-

риб, деворга қалам билан ўзининг машхур «Ueber allen Gipfeln ist Ruh»⁸ номли шеърини битган эди. 82 ёшга кирган шоир ушбу сатрларни қайта ўқиркан, беихтиёр кўзларига ёш келади. «Ja, warte nur», такрорлайди у сўнгги сатрларни, «balde ruhest du auch»⁹.

Унинг 1832 йил 25 февралда ёзган мактубларидан бирида шундай сатрларни ўқиши мумкин:

«Мен ҳамиша англаш, билиш ва қўллаш мумкин бўлган барча нарсаларни тушуниш ҳамда эгаллашга ҳаракат қилдим ва камина мамнуният билан, шунингдек, бошқаларниң эътирофига кўра ҳам шуни айтишим мумкинки, бу борада кўплаб муваффақиятларга эришдим. Шундай қилиб, энди паймона ҳам тўлган кўринади, бошқалар, чунончи, билимдан кўп нарса талаб қиласидиганлар умидсизликка тушсалар, мен бунга ишона бошлаяпман.»

1832 йилнинг 16 марта Гёте грипп билан оғриб, ўпкаси яллиғланади. 19-нчидан 20-нчига ўтар кечаси безовталаниб, оғриқдан азоб чекади. Кейинги оқшом саломатлиги янада ёмонлашади. Дам каравотдан тушиб, оромкурсига ўтирса, дам яна ўринга чўзилади. Оттилия кечаю кундуз унинг ёнида бўлиб, ҳолидан хабардор бўлиб турарди. Оғриқ бир кучайиб, бир пасаяр эди. Тонгга яқин, у бир оз тинчланади. Сана 22 март эканлигини билгач: «Демак, баҳор бошланибди, энди дам олсак ҳам бўлар экан», дейди. Шундан сўнг, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у Оттилия қўлида жон беради .

Клаус Зееҳафер, немис ёзувчиси, 1947 йилда Алсфелд/Ҳессенда тугилган. Китоб савдоси ва кутубхоначилик иши бўйича Штутгартдаги маҳсус олий-

⁸ Uber allen Gipfeln ist Ruh (нем.) – Барча чўққилар узра жимлик ҳукмрон.

⁹ Ja, warte nur balde ruhest du auch (нем.) – Ҳа, сабр қил бирпас, тинарсан сен ҳам.

гоҳни битирған. Қатор журналистик ишлар, адабий асарлар ва антологиялар мұаллифи. 1998–1999 йилдар мобайнида Гёте ҳаёти ва ижодига оид биографик асарлар әйлон қылған. Унинг қаламига мансуб ушбу рисолада ўз ижоди билан жаҳон адабиёти ҳазинасига салмоқлы ҳисса қўйшган улуғ шоир ва мутафаккир, табиатшунос ва давлат арбоби Йоҳанн Вольфганг Гётенинг ҳаёти ҳамда ижодий фаолияти ҳақида қисқа ва лўнда ҳикоя қилинади (1999 Интер Национес Бонн).



Йоҳанин Вольфганг Гёте

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Олмон тилидан

Мирзаали Акбаров таржимаси



Гёте ҳикматлари бугун Германиядаги жами дорилфунунлардан ҳам кўра кўпроқ мураббийлар тайёрлаб бераётган бўйса ажаб эмас.

Хуго фон Ҳофманнстал
(«Дўстлар китоби», 1922)

ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНASI

* * *

Табиат ҳар бир саҳифаси чуқур мазмунга лиммолим ягона Китобдир.

* * *

Табиат ўз ҳаракатида мудом тиним билмайди. Ҳар қандай фаолиятсизлик унинг душманидир.

* * *

Табиат тўхтовсиз янги шакллар яратади. Ҳозирги мавжуд бўлган нарсалар илгари ҳеч қачон бўлмаган; бўлиб ўтган нарсалар ҳеч қачон қайтиб келмайди; ҳамма нарса янги ва шу билан бирга эски ҳамдир.

* * *

Башариятни ўрганишнинг бош мавзуи – Инсон.

* * *

Инсон бўлиш – курашчи бўлмоқлиқдир.

* * *

Меҳнат устани яратади.

* * *

Ажойиб уста яратган ҳамма нарса ҳам гўзал бўлавермайди.

* * *

Қонун кучли – мұхтожлик ундан-да күчлироқдир.

* * *

Хақиқатга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамиша эзгуликни топиш ва уни қадрлай билишда намоён бўлади.

* * *

Муқаммалликни исташ – инсон меъёридир.

* * *

Тартиб вақтни тежашга ўргатади.

* * *

Хурсандчилик билан ишга киришган ва қилган ишидан мамнун бўладиган одам баҳтиёрdir.

* * *

Натижа – ишга берилган баҳо.

* * *

Хулқ – ҳар ким ўз қиёфасини қўрсатадиган кўзгу.

* * *

Аввало ўзинг ўзингга ўргата олгин, шундагина бошқалардан ўргана оласан.

* * *

Энг катта қийинчиликлар биз уларни кутмаган жойда пайдо бўлади.

* * *

Янги ҳақиқат учун эскича адашишдан заарарлироқ нарса йўқ.

* * *

Энг кулгили хоҳиш – бу барчага ёқиши истаги.

* * *

Арбобнинг нодонлигидан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ.

* * *

Кимки ўз даврининг яхши фуқароси бўлса, у келгуси авлодларга ҳам замондош бўлишга ҳақлидир.

* * *

Сўз даволашдан кўра, тезроқ жароҳатлайди.

* * *

Иккита нарсадан қутулиш жуда қийин кечади; агар ўз ихтисосига ўралиб қолинса, калтафаҳмликдан, борди-ю, ундан четга чиқиб кетилса, – асоссизликдан.

* * *

Чорак соат давомида жилоланиб турган камалакни ҳам сезмай қўя бошлидилар.

* * *

Ишонтириш – ҳар қандай илмнинг ибтидоси эмас, балки интиҳосидир.

* * *

Жанжаллашаётган икки кишининг қай бири ақллироқ бўлса, ўша айбордир.

* * *

Ҳеч нарса йўқотмайдиган одам бўлиш – ўта даҳшатли.

* * *

Ҳар бир кишининг феъли ва ҳулқ-автори ўз олдига кўйган мақсадига эришиш йўлидаги интилишида намоён бўлади.

* * *

Хайрихоҳлик йўқ жойда хотира ҳам ройиб бўлади.

* * *

Одамларнинг ҳақиқий характеристи кулганларидағи-на чинакамига намоён бўлади.

* * *

Енгил ҳукмронлик қилиб, қийин бошқаришга ўрганмоқ лозим.

* * *

Одамларни биз улар ўзлари ҳузуримизга келишса, ўрганолмаймиз; уларнинг қандайлигини билиш учун уларнинг ҳузурларига боришими兹 лозим.

* * *

Биз, кўпинча, тафаккуримиздаги хатоларимиздан кўра, ҳулқимиздаги камчиликларни тан олишга рози бўламиз.

* * *

Илм – мана инсоннинг ҳақиқий устунлиги!..

* * *

Нимани тушунмасак, у бизга бегона.

* * *

Донишмандлик – фақат ҳақиқатдадир.

* * *

Фоялардан узоқлашган ҳар қандай одам охир-оқибатда ҳиссиётлар қулига айланади.

* * *

Жуда кўп одамлар ўзларини гўё билган нарсалари-ни тушунаётган қилиб кўрсатадилар.

* * *

Хаёт, гарчи у лаҳза бўлса ҳам, бурчдир.

* * *

Бекор ўтган умр, бу – барвақт ўлим топиш демак.

* * *

Тажрибалар – бизнинг абадий ҳаёт муаллимимиздир.

* * *

Гарчи дунё ҳамиша олдинга қараб илгариласа-да, ёшларга барибир ҳаммасини бошидан бошлишга тўғри келаверади.

* * *

Ҳис-туйғулар алдамайди, уларга қараб чиқарилган ҳукмларгина саробдир.

* * *

Жасур фикрлар шашка ўйинини эслатади; олдиндагилар ҳалок бўлишса-да, ғалабани таъминлайдилар.

* * *

Излаган одам адашиши мумкин.

* * *

Кимки кўп нарсага эришмоқчи бўлса, ўз олдига катта талаблар қўйиши лозим.

* * *

Ҳеч ким синаб кўрмагунича кучининг қандайлигини билолмайди.

* * *

Аҳмоқни ибрат қилиб, фикрлини нодон қилиб кўрсатишдан осони йўқ.

* * *

Бегона юрт ватан бўла олмайди.

* * *

Асосланмаган фаолият, у нимага йўналтирилмасин,
ҳамиша муваффақиятсизликка олиб келади.

* * *

Вайроналик пайтида ҳар қандай сабаблар рўкач
қилинаверади, бунёд этишда эса – аниқлик талаб эти-
лади.

* * *

Нафрат – норозиликнинг фаол ҳиссиёти, ҳасад эса
мажхулдир. Шунинг учун ҳасаднинг тез нафратга ай-
ланишига ажабланманг.

* * *

Юмор – даҳолик белгиларидан биридир, бироқ у
кўпайиб кетгудек бўлса, сифати йўқолиб, сохта бўлиб
қолади.

* * *

Мукаммал санъат асари – инсон руҳий оламининг
инъикоси, у шу маънода табиат фарзанди ҳисобланади.

* * *

Ифоданинг ўзига хослиги барча санъатлар ибтидо-
си ва интиҳосидир.

* * *

Дид билвосита эмас, балки энг мукаммал намуна-
ларга қараб ривож топади.

* * *

Санъат асарининг афзаллиги ва устунлиги унинг
мустақил ва ўзига хослигидадир.

* * *

Ҳар бир санъат асарида, у хоҳ катта ё кичик бўлсин,
барча воқеалар моҳиятга бориб тақалади.

* * *

Рассомга қўйиладиган асосий талаб шуки – табиатни чуқур ўрганиб, унга уйғун ва ҳамоҳанг асарлар яратсин.

* * *

Буюк рассом на ўзининг ва на бошқаларнинг асарлари ҳақида фикр билдира олади.

* * *

Шаклни мазмун сингари обдон яхшилаб ишлаш керак; бироқ бу жараён хийла қийинроқ кечади.

* * *

Материални ҳар бир киши кўриб туради; унинг мазмунни ижодкоргагина маълум, шакл эса қўпчилик учун сирлигича қолади.

* * *

Актёрлар, томошабинлар, саҳна ва томошахона ҳамжиҳатлигидагина яхлит нарса яратилади.

* * *

Шон-шуҳрат излаш керак эмас, унинг кетидан қувиш ҳам бефойда.

* * *

Ҳар қандай лирик асар яхлит ҳолда тўлиқ тушунарли, қисман ҳолда эса оз-моз тушунарсиз бўлиши мумкин.

* * *

Ҳар бир ёзувчи машҳур бўлгунига қадар асарларида ўз-ўзини тасвирлайди, шу мақсадда ҳатто иродасига қарши бориши ҳам мумкин.

* * *

Ёзувчининг мақтовга сазовор бўлиш истаги унга табиат ато этган қандайдир юксакликка кўтарилишига интилишдан ўзга нарса эмас.

* * *

Энг янги замонга мансуб энг ажойиб ёзувчиларнинг ўзига хослиги уларнинг бизга қандайдир янги гап айтишларида эмас, балки нарсалар ҳақида гўё илгари ҳеч қачон айтилмагандек гапира олишлари дадир.

* * *

Ҳар бир киши тилдан фойдаланади, шунинг учун у ҳақда ҳукм чиқариши мумкин, деб ўйлади.

* * *

Агар тутуриқсиз нарса дид билан тасвирланган бўлса, у ҳам завқ уйғотади, ҳам нафрат.

* * *

Юзаки ишқибознинг хатоси-фантазия билан техникани бевосита боғлаш истаги.

* * *

Биз ҳеч қачон ўз хоҳиш-истакларимиздан истаган нарсамизга эришганмиз, деб тасаввур қилган пайти-мизчалик узоқ бўла олмаймиз.

* * *

Нимаики ўзига жалб этмас экан, у жонсиздир.

* * *

Прецедент, яъни қачонлардир содир бўлган, айтилган ёки ҳал этилган нарсани далил қилиб келтиришининг аҳамияти катта; бироқ фақат ўтакетган расмийатчи одамнинггина бусиз иши битмайди.

* * *

Ғазаб учун далилнинг кераги йўқ. У фақат сабаб ах-
таради.

* * *

Ақлли жавоб олмоқчи бўлсанг – ақлли савол бер.

* * *

Эҳтиёткор бўлиш осон, тавба-тазарру эса қийин.

* * *

Фоя ўрнини ақл ва тасаввур кучи эгаллаган фараз-
лар ҳам бор.

* * *

Ақлли кишилар – бебаҳо қомус.

* * *

Фаол жоҳилликдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

* * *

Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мева-ю
япроқ.

* * *

Назария қуруқдир дўстим, аммо яшнар ҳаёт дарах-
ти.

* * *

Кўнгил азоби учун вақт энг зўр даво.

* * *

Шижоатни қил одат, ўйчилик зарар
Кимки бўлса оқил, мард, шуники зафар.

* * *

Ким агар тиласа Ҳақдан саховат
Ўзи ҳам мурувват кўрсатсин албат

Ким май ичмоқ бўлса – узумни эзсин,
Ким мўъжиза кутса – эътиқод этсин.

* * *

Эй иқтидор, сен қачон
Ақлга эш бўлурсан?

* * *

Сен билганни сенга қадар ҳам
Билганларни билсайдинг қани.

* * *

Такрор бўлажақдир бу.
Кимки зўрлик, куч билан
Салтанатни олибдур, зўрлик билан тутадир.

* * *

Чинакам буюк киши камтар бўлар чинакам.

* * *

Буюк ишда тадрижийлик бор,
Дафъатанлик, онийлик – бекор.

* * *

Билки, майда нарсалар аро
Майдалашиб кетади одам.
Улуғликка ким бўлса ҳамдам
Катта ишлар қилур доимо,
Улур бўлар шунда ўзи ҳам.

* * *

Панд еса-да қанчалар, аммо –
Оқил бўлмас одамзот асло.

* * *

Минг бир турдан ўтурсан,
Ўзлигингта етурсан,
Инсонлик йўли йироқ.

* * *

Емон эмас одам бўлиш ҳам
Агар одам бўлса чинакам.

* * *

Гўзал ёнида хунук баттар хунук кўринар,
Оқил ёнида аҳмоқ баттар яна аҳмоқроқ.

* * *

Осон ов мутлоқ керак эмасдур,
Довоналар ошмоқ менга ҳавасдур.

* * *

Истак отини тинмай қистадим,
Истагимга етдим, яна истадим.

* * *

Ким эрк, ҳаёт-чун жанг қилолса ҳар кун
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.

* * *

Кимга интилмоқ ёрдир,
Ҳақ ўзи мададкордир.

* * *

Чинакам иқтидор йўқ бўлган жойда
Пешона теридан қанчалик фойда.

* * *

Ким сабрли бўлса – ўша ҳақдир.

* * *

Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шун-
чалик англайди.

* * *

Инсон англаб бўлмайдиган нарсаларни ҳам тушу-
ниши мумкинлигига илонмоги лозим; акс ҳолда, у бу-
лар ҳақида фикр юритмай қўйган бўлур эди.

* * *

Турли-туман тарбиявий ҳикоятлар ва ҳикматли сўзларни тўплаш тенгсиз давлатдир.

* * *

Ҳар куни ақалли битта қўшиқ эшлиши, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор.

* * *

Мен, айниқса, зиддиятли ҳодисаларга синчковли-гимни уйготувчи ва ўша зиддиятларни ҳал этиб берувчи ҳар турли ихчам ҳикматли сўзларни қадрлайман.

* * *

Киши узлатда яшай олмайди, унга жамоат керак.

* * *

Фақат одамлар орасидагина киши ўз-ўзини англашга қодир.

* * *

Кишининг танҳо қолиши, айниқса, у якка ўзи ишласа беҳад ёмон; агар у бирон-бир нарсага эришмоқчи бўлса, унга ҳамдардлик ва маънавий ёрдам керак.

* * *

Айнан бошқаларнинг хайриҳоҳлигидан баҳра топган ҳолдагина ҳаёт нашъали бўлади.

* * *

Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш мумкин.

* * *

Киши фақат туғма хусусиятлари билангида эмас, балки ҳаётдан ўзи олган сифатлари билан ҳам ажраблиб туради.

* * *

Үзи ҳақида ҳукм чиқазишиңи ўрганмаган одам бошқалар ҳақида ҳукм чиқаролмайды.

* * *

Яқин кишиларимизга ўзларига муносиб муомала қилиб, биз уларни баттар бузамиз. Агар биз уларга ўзларидан кўра яхшироқ одамлар дея ёндашсак, уларни биз янада яхшироқ бўлишга мажбур этамиз.

* * *

Барча камчиликларидан қатъи назар, одамлар ҳар нарсадан ҳам кўпроқ меҳрга сазовордирлар.

* * *

Гўзаллик – ҳар ерда орзу қилинган меҳмондир.

* * *

Бенаф яшашдан бевакт ўлим афзал.

* * *

Кимки курашса гар эрк ва ҳаёт деб,
Ўшанга лойикдир эрк ҳам, ҳаёт ҳам.

* * *

Айниқса вақтни бой бериш билимдон одамга қимматга тушади.

* * *

Агар яхши тасарруф қилинса, ҳамиша етарлича вақт топиш мумкин.

* * *

Ҳадеб ўйлайверган одам ҳамиша ҳам тўғри қарорга келавермайди.

* * *

На бўйсунишга, на ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиш учун буйруқ беришга эҳтиёжи йўқ, кишигина чинакам баҳтиёр ва улуғвордир.

* * *

Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин.

* * *

Ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди.

* * *

Инсон ўз бурчини бажарар экан, ўзи мажбуран қилаётган ишига муҳаббат билан қарайди.

* * *

Ишнинг қадрига етган одам унинг учун жон куйдириши керак, акс ҳолда у ўзини бошқа ҳеч нарсада кўрсатолмайди.

* * *

Истакнинг ўзи етарли эмас, ҳаракат ҳам қилиш керак.

* * *

Кўлидан келадиган ишга эмас, ўзи тушунмайдиган ишга қўл урган киши баҳтсиздир.

* * *

Ҳеч қандай ишга дабдаба билан киришмаслик керак; тан-танаворлик иш тугаганда ярашади.

* * *

Ярим иш қилинди, бунга шубҳа йўқ,
У ёғига берсин сабру таҳаммул.

* * *

Меҳнат қилган ва сабрли бўлган кишига ошнодир чин баҳтиёрик.

* * *

Идеални инкор этган одам пасткашликини осонлик билан гўзаллик, деб қабул қилиши мумкин.

* * *

Фоядан қўрққан одам бора-бора ўз тушунчасини ҳам йўқотади.

* * *

Фояни фойдали, деб эътироф этиб, лекин ундан фойдалана билмаслик ҳам мумкин.

* * *

Юксак мақсадлар юзага чиқмай қолган тақдирда ҳам, биз учун амалга ошган паст ниятлардан кўра қимматлироқдир.

* * *

Мақсадга яқинлашган сайин машаққатлар ортиб боради. Лекин ҳар бир киши юлдузларга ўхшаб соқинлик билан, шошмасдан, бироқ белгиланган мақсад сари узлуксиз интилган ҳолда ўз йўлларини босиб ўтиши керак.

* * *

Одамлар воситани мақсад деб билиб, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам янгиширадилар, оқибатда уларнинг бутун уринишларидан ҳеч нарса чиқмайди, чиқканда ҳам ўзлари интилган нарсанинг акс натижаси чиқади, холос.

* * *

Шундай одамлар борки, ҳеч қандай ақлли фикрлар билан машғул әмаслар ва шунинг учун ҳам ҳеч қачон адашмайдилар.

* * *

Ҳали ёш эканмиз, хато ҳам фойдадан холи эмас, фақат уни то қаригунча судраб юрмасак бўлгани.

* * *

Нарсаларга қизиқишинг йўқолса, хотирангдан ҳам айриласан.

* * *

Бизга таълим бераётганлар ҳақли равишда бизнинг ўқитувчиларимиз, деб аталадилар, аммо бизни ўқитаётганларнинг ҳаммаси ҳам бу номга лойиқ эмас.

* * *

Агар сиз одамларни аслида қандай бўлсалар, шундайлигича, барча нуқсонлари билан қабул қиласангиз, уларни ҳеч қачон яхшилай олмайсиз. Агарки, сиз одамлар билан идеал кишилардек муносабатда бўлсангиз, уларни ўзингиз кўрмоқни истаган юксакликка кўтаришингиз мумкин.

* * *

Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавҳум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради.

* * *

Қобилият барвақтроқ билинади, аммо у уқувга айланиши зарур.

* * *

Амалий мақсадни кўзлаган кучли ақлгина дунёдати энг мақбул ақлдир.

* * *

Хурсанд одамга бутун олам қувноқ кўринади.

* * *

Ақл билан тузатиш мумкин бўлмаган телбалик йўқ ва тентаклик билан айнитиш мумкин бўлмаган ақл ҳам йўқ.

* * *

Барча ўғрилар ичида энг ёмони аҳмоқ; у бир пайтнинг ўзида ҳам вақтимизни, ҳам кайфиятимизни ўғирлайди.

* * *

Оқыл одам йўл қўйган бемаънигарчилик, ҳарқалай унча-мунча бўлмайди.

* * *

Аҳмоқлар ҳам, оқиллар ҳам безиёндирлар; фақат чала аҳмоқлар билан чала оқиллар ёмон.

* * *

Ўзини ақдли кўрсатишга уринган аҳмоқдан ҳам кўра хатарлироқ кимса йўқ.

* * *

Ўртамиёна одамлар учун даҳолар ҳам мангут яшамайди-ку, дейишнинг ўзи катта тасалли.

* * *

Одамлар ўзлари нимага ноқобил бўлсалар, ўшани ёмонлашга одатланганлар.

* * *

Қаердаки тентаклик андоза бўлса, телбалик ақл, деб қабул қилинади.

* * *

Кимки ўзга тилларни билмас экан, ўз тили ҳақида ҳам ҳеч нима билмайди.

* * *

Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё этиш ҳам ўз-ўзидан кела қолади.

* * *

Янглиш йўлдаги одам ўзидаги куч ва ҳақиқат этишмаганлиги сабабли унинг ўрнини қизиққонликка беради.

* * *

Мухолифинг билан баҳслаша туриб, ўз ожизлигингни англай бошладингми, баҳсни тўхтат, – акс ҳолда, қанча кўп гапирганинг сайин баттар бемаъни аҳволга тушаверасан.

* * *

Энг яхши санъат асарларини вақти-вақти билан такрор синчиклаб кўриб турмоқ зарур; уларда кўз илғамас теранлик яширинган бўлади.

* * *

Дид ўртамиёна эмас, энг мукаммал материал негизида ривожланади.

* * *

Ўртамиёна китобларни керагидан ортиқ ўқиб, беҳуда вақт сарфлайдилар. Аслида ҳайратланган нарсангнигина ўқишинг лозим.

* * *

Ҳаётга инон, ахир у ҳар қандай китобдан ҳам яхшироқ таълим беради-ку.

* * *

Табиат инсонни зулмат билан ўраган ва уни мангур ёруғликка интилишга мажбур этади.

* * *

Меҳнатсиз чинакам буюклик бўлиши мумкин эмас.

* * *

Пишиб етилган ва замон тақозо этган фикрлар бирбиридан мустасно тарзда бирйўла юзларча мияларда туғилиши ҳам мумкин.

* * *

Бирор-бир фан олға силжиши ва унинг ривожи яна-да мукаммал бўлиши учун, фаразлар ҳам худди таж-риба ва кузатишлардан олинган натижалар сингари зарурдир.

* * *

Фаразлар гўё бино олдига тикланган, уй битгач, олиб ташланадиган ҳавозалардир; улар қурувчи учун зарур, бироқ уларни бино, деб ўйламаслиги керак.

* * *

Ўзгалар топган нафосатни сен ўзинг учун топсанг, уни билиб қадрига етсанг – ахир, бу ҳам яратишдан кам эмас-ку.

* * *

Фақат тажрибагина бизни ҳаёт неъматларини қадрлашга ўргатади.

* * *

Ҳақиқатдан кўра хатони топиш осон. Хато кўриниб туради, уни дарров пайқайсан, ҳақиқат эса пин-хон яширинган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди.

* * *

Буюк одамдан биз аввало ҳақиқатга муҳаббатни талаб қиласиз.

* * *

Кимки мақбул ҳақиқатларга қарши бош кўтарса, уларни алангалаатади; учқунлар эса ҳар ёнга тарқаб, нур таратади.

* * *

Янги ҳақиқат ҳаммадан кўра кўпроқ эски хатолардан заҳмат чекади.

Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимиизда ҳамиша хатолар такрорланиб туради.

Кўплар ҳақиқат билан фақат шу боисдан олишадиларки, мабодо улар ҳақиқатни тан олсалар, ўша заҳотиёқ изсиз йўқолиб кетадилар.

Бошқалар тан олган ҳақиқатни тан олиш билан ўз қиёфасини йўқотишдан чўчийдиганлар ҳаммадан баттарроқ янгишадилар.

Үйқудан уйғонилганидек, хато ҳам ҳақиқатга шу қадар тааллуклиди. Хатодан уйғонилгач, одам ҳақиқатга янгича иштиёқ билан қарайди.

Кимки фикрни иш билан, ишни фикр билан текшириб туриш қоидасига амал қилса, у янгишмайди, янгишган тақдирда ҳам тезда тўғри йўлга тушиб олади.

Инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмас, олинган билимни тараққиёт йўлида сарфлашни ҳам билмоқ лозим.

Билимнинг ўзи кифоя эмас, уни қўллай билиш керак. Истакнинг ўзи етмайди, уни рўёбга чиқармоқ лозим.

Жазолай олмайдиган судья пировард натижада жиноятчининг шеригига айланади.

* * *

Давлатингдан айрилсанг – кўп нарса йўқотасан, но-
мусингдан айрилсанг – кўп нарса йўқотасан, мардли-
гингдан айрилсанг – ҳамма нарсангни йўқотасан.

* * *

Ким ўзини катта олмаса, у ўзи ўйлагандан кўра ду-
рустроқ одамдир.

* * *

Ўз номукаммаллигингни англашинг камолотга етак-
лайди.

* * *

Ўз нафсини тия билган ҳалол одам олғир, учарларнинг
бутун найрангларини қўпинча яққол кўриб туради.

* * *

Ақл ва виждонни ўз ҳуқуқларидан маҳрум этиб
бўлмайди. Ёлғонлаш мумкиндир-у, аммо уларни ал-
даш қийин.

* * *

Кимки дунёда ўз дўстлари борлигини билмас экан,
дунё ҳам уни билиши шарт эмас.

* * *

Чинакам фаол дўстлик ўзаро бир-бирини суюшдир.
Дўстим менинг ниятларимни қўллайди, мен эса уни
кувватлайман, шу тарзда, гарчанд фикрларимиз тур-
лича бўлса-да, биз биргалалиб олга борамиз.

* * *

Дўстликка садоқат ва уни авайлашнинг энг яхши
йўли биз нима иш билан машгуллигимизни бир-бири-
мизга айтиб туришимиздир. Одамлар ўз фаолиятла-
ри туфайли бир-бирлари билан янада аҳилроқ бўлиб
кетадилар.

* * *

Дўстлар ҳаётда бирга одим ташлашса, дўстим менинг ниятларимни қўлласа, мен эса уникини маъқуласам, фаол, мазмундор ва чинакам дўстлик шудир.

* * *

Покиза ёшликка хос илк муҳаббат ҳамиша олижанобликка интилади. Табиат гўё бир жинс иккинчисидан яхшилик ва гўзалликни туйғу орқали қабул қилиб олишини истаётгандек.

* * *

Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат, табассум,
Ширин хаёллару, жон олар маъсум,
Нозик иболару сенгадир исён –
Муҳаббат соҳиби баҳтиёр инсон.

* * *

Ошиқлар висолига ҳамиша вақт етмайди.

* * *

Эркак киши танлаган қайлиққа қараб туриб, у одамнинг кимлиги, ўз қадр-қимматини биладими-йўқми, осонгина билса бўлади.

* * *

Ота дунёдан кўз юмгандан, болаларига ота ўрнини боса оладиган аёл чинакам онадир.

* * *

Характер ҳар кимнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун файрат билан интилишдан иборат.

* * *

Характер катта ёхуд кичик ишда ўз қобилиятинг этишини ҳис қилган нарсангнигина изчилик билан амалга оширишингдан иборатдир.

* * *

Инсоннинг ҳаёти – мана унинг характери.

* * *

Аждодлар ҳурматини чин қалдан бажо келтирувчи киши баҳтлидир.

* * *

Талант сукунат қўйнида етилади, характер ҳаёт бўронларида тобланади.

* * *

Жиддий, теран, ҳақиқий ирода, энг аввало, мақсадга эришишга бўлган ишонч тасаввури билан уйғунликда ифодаланади.

* * *

Инсоннинг имкони борича вазиятни кўпроқ баҳолаб, иложи борича вазиятга ўзини камроқ баҳолатиши, сўзсиз, унинг энг буюк хизмати бўлиб қолаверади.

* * *

Ҳар қандай ташқи одоб ўзининг ички пойдеворига эга.

* * *

Ўзингни ўз қобилиятингдан устун қўйишинг ҳам, ўзингни камситишинг ҳам ярамайди.

* * *

Биз ўзимизда боодоблик туйғусини ривожлантирмогимиз керак, акс ҳолда, кишилар ҳурматини қозониб бўлгач, уни тезда бой бериб қўйишимиз ҳам мумкин. Бу сабоқ кишига ниҳоятда қимматга тушади ва афсуски, ўз авлодини ҳам бу оғир қарздан қутултира олмайди.

* * *

Кўрнамаклик – ожизлик аломатидир. Буюк зотлар ҳеч вақт кўрнамак бўлмайдилар.

* * *

Биздан нимадир яхшилик кўрган одамимизни учратсак, дарҳол унинг миннатдорчилик билдиришини эслаб қоламиз. Ваҳоланки, ўзимиз миннатдорчилик билдиришимиз керак бўлган кишиларни кўрганимизда эса бу нарса хаёлимизга ҳам келмайди.

* * *

Яхши маслаҳатни қабул қиласмоқ – шахсий имкониятларни янада оширмоқ, деган сўз.

* * *

Ҳар қандай киши ҳам ўзи тушунадиган нарсага қулоқ солади.

* * *

Инсоният агар бу қадар сархуш бўлмаганда эди, ақл бовар қилмас ютуқларни қўлга киритишга қурби етган бўларди.

* * *

Мен туни билан бош оғрифини келтириб чиқарувчи майхўрликка берилиб, кундузи иҳраб ётадиган кишиларга ўхшашни сира-сира истамасдим.

* * *

Кўрқоқ хавф ўтганидан кейингина дўқ-пўписа қиласди.

* * *

Камчилиги, айниқса, руҳий камчилиги бор кишилар доимо ўzlари ҳақида юқори фикрда бўладилар. Гўё сахий табиат кимни бошида ақлдан қисган бўлса,

ўша камчиликни тұлдириш учун манманликни құшымча чора сифатида юборгандек.

* * *

Киши янгишган пайтда ҳар қандай одам буни сезади; аммо алдаётганданда эса ҳамма ҳам сезавермайди.

* * *

Юрганимда тафаккурим тиниқлашиб, фикрни ифода этишнинг янада яхшироқ үсулларини топаман.

* * *

Агар одам ўз танаси ёки руҳий ҳолатини тадқиқ этишга киришса, албатта, ўзини касал деб топади.

* * *

Ёшлиқдаги камчиликларни қаригунча сақлаб қолиш керак эмас, чунки қарилуккниң ўз қусурлари бўлади.

* * *

Кексая олиш санъатидан кўра, уни енга олиш санъати буюкроқ.

* * *

Қариганда ёшлиқдагига нисбатан қўпроқ ишлаш керак.

* * *

Ўлимдан қўрқиши ҳам, қўрқмаслик ҳам мумкин, у - муқаррар нарса.

* * *

Наҳот муҳаббат билан ақл ўртасида бирон-бир умумийлик бўлса!

* * *

Барча нарсага қизиқишини йўқотган одам хотира-сидан ҳам айрилади.

* * *

Биз келажакка умид билан боқамиз, чунки ундағи ҳаракатланиб турадиган тасодифларни сокин истакларимиз билан ўз фойдамизга буриб юборишни жуда хоҳдаймиз.

* * *

Бизга катта давраларда бўлиш осон эмас, бироқ кўп кишиларни бир-бирлари билан таништирган тасодиф бизга ҳам ўз дўстларимизни олиб келса ажабмас, деган туйғудан дилимиз таскин топади.

* * *

Одамнинг ўртамиёна, камтарона яшагиси келади, то қарздор ё диндорга айланмагунича шундай яшайди ҳам.

* * *

Эътироф этиш – моҳият, буни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш эса таълимдир.

* * *

Агар бошқаларни кўпроқ нотўғри тушунаётганини англаганида, одамлар орасида ҳеч ким кўп гапирмаган бўлар эди.

* * *

Бировларнинг гапларини қайта такрор айтсаётганимизда ўзгартириб юборамиз, чунки уларни ўзимиз тушунмаган бўламиз.

* * *

Кимки агар бошқалар олдида ёлғиз ўзи тингловчиларга хушомад қиласдан узоқ гапираверадиган бўлса, йиғилганларни безор қиласди.

* * *

Ҳар бир айтилган сўз тескари маъно уйғотади.

* * *

Зиддият ва хушомад бор жойда сұхбат қовушмайды.

* * *

Бир-бирига ўзаро самимий ҳурмат-әхтиром ила мұносабатда бўладиган аҳли мажлис энг ёқимли жамоат ҳисобланади.

* * *

Маъно касб этадиган ахлоқий қарама-қаршилик беозор бўлса-да, кулги уйғотади.

* * *

Ҳассос одам кўпинча куладиган нарса бўлмаса ҳам кулаверади. Шу тариқа ўзининг ботиний роҳатбахш туйғуларини намоён қиласди.

* * *

Ақдли одам деярли барча нарсаларни кулгили, деб ҳисоблайди, фаросатли киши эса йўқ.

* * *

Ёши бир жойга бориб қолган одамнинг ёш хотинлар кетидан чопиб юриши уят. «Ахир бу – ёшарининг бирдан-бир, ягона воситаси-ку», дермиш у бунга жавобан, «буни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз».

* * *

Нуқсон, камчиликларимизни юзимизга айтишса, тан оламиз, жазоланишга ҳам тайёрмиз, ҳатто уларни деб, анча-мунча азобга ҳам чидаймиз; аммо улардан кутулишга келганда, сабр-қаноат қила олмаймиз.

* * *

Муайян қусурлар айрим шахс учун хос бўлиши мумкиндин, балки. Бироқ агар эски дўстларимиз маълум фазилатларини йўқотиб қўйишса, унда биз, албатта, ранжиган бўлар эдик.

* * *

Агар кимнингдир ўз иш услубига зид равища би-
рор хатти-ҳаракат қилаётганини кўрсак: «у энди та-
мом бўлди», деймиз.

* * *

Камчилик, иллатларимиздан қай бирларини сақлаб
қолдирганимиз маъкул? Менимча, бирорвга қаттиқ га-
пиргандан кўра, унга хушомад қилганимиз маъкул-
роқ.

* * *

Ишқибозлик – қусур ёки фазилатнинг юқори дара-
жадаги кўринишидир.

* * *

Бизнинг майл-ҳавасларимизни Қақнус қушга
ўхшатиш мумкин. Бири ёниб битса, шу заҳоти кул
ичидан яна янгиси чиқиб келаверади.

* * *

Қаттиқ ишқибозликлар бедаво хасталикларни эсла-
тади. Уларни тузатаман, деганинг сайин хавф-хатар
баттар кучайиб бораверади.

* * *

Иштиёқ имон-эътиқод билан юксалиб, мўътадил-
лашиб боради. Акс ҳолда, ўзимиз суйган нарсаларга
ишониб, индамай турғандан кўра, эҳтимол, ўрта кўча-
ни танлаган маъкулроқ бўлармиди.

* * *

Дунёда ҳар бир киши ўзининг муносиб баҳосини
топади; бироқ у ўзини бирон нимага бағишлиши ҳам
керак. Одатда ҳалақит берадиган номақбул одамлар
эътиборсиз, ҳақиқир кишилардан кўра тезроқ тил топи-
шиб кетадилар.

* * *

Жамият бўйнига барча нарсани юклаш мумкин,
фақат оқибати ёмон бўлмаса бас.

* * *

Хузуримизга келган одамлардан кетишлари билан-
ноқ ҳар турли камчиликлар ахтариб, улар ҳақида у
қадар ёқимли бўлмаган фикр-мулоҳаза билдириш-
ни, албатта, табиий деб ҳисоблайман; чунки ҳар би-
римиз ўз андозамиздан келиб чиқиб, баҳо бериш
ҳуқуқига эгамиз. Фақат ўзини ақсли, деб ҳисоблай-
диган ҳамда калтабин одамларгина бундай ҳоллар-
да ўзларига ортиқча баҳо бериб юборишдан тийи-
ломмай қоладилар.

* * *

Биз яхши ахлоқ ва хулқимиз воситасида куч, зўрлик
ва ҳаттоки зўравонлик билан ҳам эришиб бўлмайди-
ган нарсаларни қўлга киритишимиз мумкин.

* * *

Аёллар билан муомала – яхши ахлоқ унсуридир.

* * *

Инсоннинг характеристи, ўзига хос хусусиятлари қан-
дай қилиб унинг турмуш тарзи билан сақданиб қоли-
ши мумкин?

* * *

Ўзига хослик, аввало, турмуш тарзида акс этиши
керак. Машҳур бўлишни ҳар бир одам хоҳладайди, бироқ
бу ноқулай, номатлуб йўсинда бўлмаслиги лозим.

* * *

Билимли аскар жамиятда бўлганидек, ҳаётда ҳам
муваффақиятларга эришиши мумкин.

* * *

Ношуд ҳарбийлар ирода билан иш күриш ўрнига күпинчә күнгилчанликка йўл қўядилар, мушкул аҳволда ҳам улардан шундай кўргиликни кутиш мумкин.

* * *

Баъзан шунақанги бўшашибган, қовушмаган оддий фуқарога дуч келасанки, жонинг ҳиқилдоғингга кела-ди. Бамисоли йўнилмаган таёқ, ундан қандай қилиб назокат кутиш мумкин.

* * *

Чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган жойда лақма-лик қилиш ҳамиша кулгили, қизиқ, ғалати ҳолатларга олиб келишини билганида, ҳеч ким хушомад гапларни айтмасдан олдин бошидан шляпасини ечмаган бўлар эди.

* * *

Хушмуомалаликнинг ҳеч қандай ташқи белгиси йўқки, у теран ахлоқий асосга эга бўлмаган бўлсин. Мана шу асос ва аломат айни бир вақтда етказиб бе-рилса, ҳақиқий тарбия шу.

* * *

Қалбан хушмуомалалик ҳам бор; у муҳаббатга яқин бўлиб, ундан ташқи хулқнинг энг мақбул муомаласи келиб чиқади.

* * *

Ихтиёрий борлиқдик энг гўзал ҳолатдир, уни муҳаб-батсиз қандай тасаввур қилиш мумкин?!

* * *

Кимки ўзини эркин эмас-у, озод деб ҳисобласа, у энди қул эмас.

* * *

Кимки лаҳзага ўзини борлиқ, деб ҳисобласа, ўзини озод деб санаши мумкин. Борлиқман дейишшга журъат этсагина, ўзини озод ҳис этиши мумкин.

* * *

Бирор кишининг устунлигини тан олиб, унга нисбатан меҳр-муҳаббатли муносабатдан бошқа нажот йўли йўқ.

* * *

Камердинер (шахсий уй хизматкори)дан қаҳрамон чиқмайди, дейишади. Бунинг боиси шуки, зўрни зўр тан олади. Камердинернинг баҳосини, эҳтимол, ўзининг тенги берса, ажаб эмас.

* * *

Буюк инсонлар тарихда ҳамиша бирор нуқсонла-ри билан ном қолдирган бўлишади.

* * *

Одатда одамларни аслидагидан кўра хатарлироқ, деб ҳисоблашади.

* * *

Дунёдан безор бўлсанг, нажот санъатдадир, агар дунё билан борланмоқчи бўлсанг, яна санъат жонингга оро киради.

* * *

Юксак баҳт-саодатга эришган лаҳзада ҳам, бошимизга оғир мусибат тушган дамда ҳам санъаткор кўмагига муҳтожлик сезамиз.

* * *

Санъат қийин ва эзгу ишлар билан шугулланади.

* * *

Қийин нарсаларга енгил ёндашилаётганини кўриш бизни иложи йўқ нарсаларни ҳам ҳал этишга ундиади.

* * *

Манзилга яқинлашганинг сайин, қийинчиликлар янада ортиб боради.

* * *

Экиш-тикиш ҳосилни йифиб олишчалик оғир эмас.

* * *

Табиий соддалик воқелик билан чамбарчас боғланган. Воқеликни биз ахлоқий муносабатсиз бир тарзда умумийлик, деб атаймиз.

* * *

Санъат, ўз-ўзидан олижаноблиқдир; шунинг учун санъаткорни ҳеч қандай тубанлик қўрқита олмайди. Санъат инсоннинг фазилатларини оширади, уни яхши хислатли қилиб тарбиялади, шу тариқа биз буюк санъаткорларнинг ўз улуғворлик ҳуқуқларидан жасорат билан фойдаланаётганини кўрамиз.

* * *

Ҳар бир санъаткорда довюраклик куртаги мужассам бўлади, бусиз истеъодони тасаввур қилиб ҳам бўлмайди, бу нарса, айниқса, уни чеклаб қўймоқчи ёки бир томонлама мақсадлар учун ёллаб, ундан фойдаланмоқчи бўлишганда, янада фаоллашиб, яққолроқ намоён бўлади.

* * *

Иш агар бемаънилиkkача етиб бормаса, чидаса бўлади.

* * *

Муайян китоблар, улардан бирон нима ўрганиш учун эмас, балки муаллиф ўзи бирон нарсани билганми-йўқми, шуни билиб олиш учунгина ёзилгандек таассурот қолдиради.

* * *

Одамлар сузмани, ундан қаймоқ чиқадими-йўқми, деб аямай савалашади.

* * *

Ўзни чала ҳақиқатлар билан алдайдиган миядан кўра, узил-кесил адашган мия ўрнига қўйиб кўрган маъқулроқ.

* * *

Немис (олмон)ларнинг санъатга нисбатан ишончсизликка мойиллиги қўл учida, хўжакўрсин ишларнинг мавжудлигидан келиб чиқсан; чунки кимки ўзи шундай иш қиласагина ҳақиқатнинг юзага чиқишига йўл қўймайди, акс ҳолда ўзининг асли ким эканлиги аён бўлиб қоларди.

* * *

Фавқулодда қобилиятли бир инсоннинг ўзи билан ўзи бўлиб, майда ташвишлар билан ўралашиб, вақтини беҳуда совуриб, ҳеч бир муваффақиятга эриша олмаганини кўриб туриб, афсусланасан, киши. Бунга аянчли мисол тариқасида Бюргерни келтириш мумкин.

* * *

Ижодкор ўз ўқувчилиридан кутадиган энг катта эҳтиром унинг улар учун нима яратса олишида эмас, балки ҳар бир қадамида ўзининг ҳамда бошқаларнинг илмини тўғри ва фойдали, деб билишидадир.

* * *

Немис фикр эркинлигига эга, шунданми у ўзида дид ҳамда руҳий озодлик етишмаслигини сезмайди.

* * *

Дунё ўзи жумбоқларга тўлиб-тошиб ётибди, бас шундай экан, энг оддий ҳодисаларни ҳам баъзан жумбоқча айлантириб юбориш жоизмикин?

* * *

Энг ингичка соч толасининг ҳам сояси бор.

* * *

Ҳаётимда нотўғри тенденциялар билан ишлаш шунга олиб келдики, пировард натижада тўғри тушунишни ўргандим.

* * *

Сахийлик ҳар бир кишида, айниқса, агар у тавозе билан амалга оширилса, хайриҳоҳдик уйғотади.

* * *

Момақалдироқ бўлишидан олдин энг охирида осмонга чанг-тўзон қўтарилади, кейин уни узоқ вақт босишга тўғри келади.

* * *

Одамлар бир-бирини осонгина, яхши ният ва истакнинг ўзи билангина билиб ололмайдилар, бунга яна ёмон ният ҳам келиб қўшиладики, у ҳаммаёқни расво қиласди.

* * *

Одамлар бир-бирларини, агар кимдир ўзини бошқа бирор билан тенглаштиришга ҳаракат қиласвермаганида эди, яхшироқ билиб олишлари мумкин бўларди.

* * *

Таниқли кишилар бу борада бошқаларга қараганда янада омадсизроқ; одамлар ўзларини уларга қиёсламаса-да, уларни алоҳида эътибор билан кузата бошлайдилар.

* * *

Дунё шундайки, гап биронни яхши билишда эмас, балки айнан шу лаҳзада оддимизда турган одамдан ақдлироқ бўлишимизда қолган. Барча ярмаркалар ва бозорчилар бунга гувоҳ.

* * *

Сув бўлгани билан бақа ҳамма жойда ҳам бўлавермайди, аммо бақа бор ерда сув албатта бўлади.

* * *

Олиш ва бериш, топиш ва йўқотиш хусусида юқсанк маънодаги метаморфозани Данте аллақачон ажойиб тарзда тасвирлаб берган.

* * *

Ҳар биримизнинг табиатимизда нимадир борки, агар уни очиқ айтадиган бўлсақ, атрофдагиларга ёқмаган бўларди.

* * *

Инсон табиати шундайки, у баъзида кайф қилишни истаб қолади; тамаки чекиш, ароқ ичиш, гиёҳвандлик сабаблари шундан.

* * *

Арбоб учун энг муҳими, аввало, унинг ўзи одил бўлиши лозим; бунинг ижросини эса бошқаларга қўйиб берсин.

* * *

Кўпчилик қўлига болға олиб, деворга айлантириб мих қоқаётган пайтида ҳар гал айнан мўлжаллаган жойга урдим, деб ўйлади.

* * *

Французча сўзлар ёзилган лотинча сўзлардан эмас, балки талаффуз қилинган сўзлардан ҳосил бўлган.

* * *

Тасодифий воқеликни биз умумийлик, деб атамиз, унда биз на табиат қонунини ва на оний эркинликни пайқай оламиз.

* * *

Баданнинг майда-майда бўлакчаларга бўлинганилиги ва ундаги нуқтали чизиқлар ҳайвонга ўхшашликдан дарак беради.

* * *

Ҳикоялар ёзиш бошдан ўтган кечинмаларни бошқа бироловларга ошириб, ундан кутулишнинг бир йўлиди.

* * *

Бирор кимса кимдантир маъноли ва сермазмун ҳикоялар тинглагани билан дарров сермаҳсул бўлиб кетавермайди; бунда унинг ёдига бутунлай ўзига таниш бўлган воқеалар тушади, холос.

* * *

Ожиз одамлар хайриҳоҳликдан мустақиллик рамзи сифатида фойдаланишади.

* * *

Карикатурада юмористик руҳ етишмаса, бундан ёмони бўлмайди.

* * *

Кишининг агар бирон нимага имони комил бўлса,
уни бошқаришга ўзида ҳамиша куч топа олади.

* * *

Агарда оний ҳукм етишмаса, хотира ғойиб бўлади.

* * *

Ўз устидан ўзи ҳукм чиқара олади, деб ҳеч қай бир
миллат устидан ҳукм чиқариб бўлмайди. Бундайин
улкан устунликка жуда кеч эришилади.

* * *

Сўзларимга эътиroz билдириш ўрнига улар менинг
ақдим бўйича ҳаракат қилишлари лозим эди.

* * *

Табиат азоб-қийиноқлар хусусида сукут сақлайди;
унинг бамаъни саволга жавоби: Ҳа! Ҳа! Йўқ! Йўқ! Қол-
ган бошқа барчаси эса ёмонликдандир.

* * *

Одамларни ҳақиқатнинг оддийлиги ранжитади;
улар ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари
учун ҳали яна озмунча тер тўкишларига тўғри кели-
шини ўйлаб кўришлари лозим.

* * *

Мактабга ягона бир инсон сифатида қараш мум-
кин, у юз йил ўзи билан ўзи гаплашади ва баъзан мо-
хиятнан бемаъни туюлса-да, ҳеч бир нарса мутлақо
кўнглига урмайди.

* * *

Сохта таълимотни рад этиб бўлмайди, чунки у ёлғон
нарсага ҳақиқат, деб ишонади. Бироқ бунинг нотўғри
эканлигини такрор-такрор айтиш мумкин ва керак.

* * *

Барча доно рақибларнинг хатти-ҳаракатларини кўмир титишга ўхшатиш мумкин, шу сабаб одатда ўт олмайдиган нарса уёқ-буёққа ишқаланиб, ахийри аланга олади.

* * *

Агар инсон табиатан олижаноб бўлмаганида, у ер юзидаги энг улуф мавжудот бўла олмас эди.

* * *

Аллақачонлар топилган нарса яна аста кўмиб кўйиляяпти; Тючо кометаларнинг доимий жисмлар эканлигини исботлаш учун қанча қуйиб-пишди, Сенека эса бу борада аллақачон шуҳрат қозонган эди!

* * *

Антиподлар ҳақида бир-бирларини обориб, обкелиб, қанчалар тортишишмади, дейсиз!

* * *

Айрим даҳоларнинг баъзи бир тентакликлари ҳам борки, уларга қўл силташ лозим бўлади.

* * *

Қор – алдамчи озодалиқдир.

* * *

Кимки ғоядан чўчиса, тушунчадан ҳам маҳрум бўлади.

* * *

Ўзимиз ҳамиша ўқиб-ўрганиб келган устозларимизни одил, деб ҳисоблаймиз. Афсуски, уларнинг ҳеч қайсиси ушбу унвонга сазовор эмас.

* * *

Барча лирик нарсалар яхлит олганда жуда бамаъни, алоҳида ҳолда эса бир оз бемаъни бўлиши мумкин.

* * *

Сизларнинг ҳолатингиз денгизни эслатади, уни қандай номлар билан атамайлик, пировардида барибир шўр сув бўлиб қолаверади.

* * *

Роман субъектив эпопея бўлиб, унда муаллиф дунё ҳақида ўз услуби бўйича фикр юритишга ижозат сўрайди. Аввало гап шундаки, у ўз йўсинига эгамикин, қолгани эса бир гап бўлар.

* * *

Ҳамроҳинг қувноқ бўлса, йўлда зерикмайсан.

* * *

Қуёш нурида ахлат ҳам ялтираб кўринади.

* * *

Тегирмончи бор буғдойни ўзим тортаяпман, деб ўйлади.

* * *

Кимки ўз умри интиҳосини ибтидоси билан боғлай олса, у энг бахтиёр инсондир.

* * *

Инсон табиатан ўжар ва зиддиятли; уни фойдага ялиниб ҳам кўндириб бўлмайди, зиёнга эса ўламан обло тоқати йўқ.

* * *

Эҳтиёткорлик осон, эҳтиётсизлик қийин.

* * *

Саҳродаги ҳиндулар балиқ емасликка қасам ичган.

* * *

Илм-фанда кекса кишилар биладиган күхна ҳақиқатларни излаб топиб, уларни янада такомиллаштириш ниҳоятда мақтовга сазовор иш саналади.

* * *

Бир нарса аниқ ва ҳайратланарлики, ҳақиқат билан хатонинг манбаи бир; шунданми, кўпинча хатога ҳеч бир зиён етмагани ҳолда ҳақиқат кўп озор чекади.

* * *

Ҳар бир киши ўзига хос хусусиятларга эга ва улардан қутула олмайди; шуниси борки, кўпчилик ана шу ўзига хос, кўпинча беозор хусусиятлари сабаб ҳалок бўлади.

* * *

Санъат ва илм-фанда ҳам, кундалик ҳаётда бўлганидек, энг муҳими обьектларни табиатига кўра тўғри талқин қилиб, тадқиқ эта олишdir.

* * *

Мен дунёning фонийлигидан оҳ-воҳ чекиб, арзимас ҳою ҳавасларга бериладиган кишиларга ачинаман. Бизнинг вазифамиз – ана шу фонийликни боқийликка айлантириш-ку, ахир; бунинг учун эса иккисининг ҳам қадрига етиш лозим.

* * *

Хозирги замонда ҳеч ким жим турмаслиги ёки ён бермаслиги лозим; гапириб, ҳаракат қилиб туриш керак, мақсад ғолиб бўлиш эмас, ўз ўрнини сақдаш; бунда кўпчилик бўладими, озчилик бўладими, мутлақо фарқи йўқ.

* * *

Дин-иймон уйдаги махфий маблағ, давлат ёрдам ва омонат кассалари одамларга қора кунда мадад бергани каби, диндор ҳам ундан ўз фоизини ўзи ҳеч кимга билдирилмасдан олаверади.

* * *

Ҳаёт қанчалар оддий кўринса ҳам, одатдаги ва кундалик турмуш ташвишлари нечоғли осон ҳал этилаёт-гандек тувлса-да, барибир у кундан-кунга муайян юксак талаблар қўйишда ва уларнинг бажарилиши учун воситаларни қидириб топишда давом этаверади.

* * *

Ҳақиқий обскурантизм (жаҳолатпарастлик) чин, аниқ-равшан ва фойдали нарсаларнинг тарқалишига тўсқинлик қилиш эмас, балки ёлғон, сохта, қалбакиликни жорий этишdir.

* * *

Хатони пайқаш ҳақиқатни топишдан кўра хийла осонроқ, у (хато) юзага чиқади, уни дарҳол кўриш мумкин; ҳақиқат эса анча чукур, унга етиб бориш ҳар кимнинг иши эмас.

* * *

Барчамиз ўтмиш билан яшаймиз, умримиз ҳам ўтмиш билан ўз поёнига етади.

* * *

Ахлоқий-эмпирик дунё, асосан, ёмон ният ва ҳасаддан иборат.

* * *

Ирим-сирим ҳаёт поэзияси, шунинг учун ирим-сиримларга ишониш шоир учун зиён қилмайди.

* * *

Ишchan одамларга кўпчиликнинг иши тушади, аммо бундай кишилар ҳамиша дардисар бўлади.

* * *

Мемуарлар юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига: ҳамиша бир-бирларига дуч келишлари керак.

* * *

Агар одамлар ўз бурчларини сидқидилдан бажаришларини ва қонуналарга оғишмай амал қилишларини истасангиз, уларга яхши ҳақ тўлаш лозим бўлади.

* * *

Бирор жой романтикаси, деганда ўтмиш шакл-шамойили остидаги удуғворликнинг сокин туйфусини ёки бошқача қилиб айтганда ёлғизлик, йўқлик (ҳозир бўлмаслик), узлатни тушуниш мумкин.

* * *

Гўзал нарсалар табиат сирли қонуниятларининг на-
мойиши, бусиз улар абадий сирлигича қолиб кетиши
мумкин эди.

* * *

Самимий бўлишга ваъда бера оламан, бирор партияга мансуб бўлмасликка эса, йўқ.

* * *

Ношукурлик ҳамиша ожизликнинг бир кўриниши-
дир. Ишchan одамларнинг ношукур бўлишганини сира
ҳам кўрмаганман.

* * *

Эзгулик ва одилликни амалга оширишга хизмат қиласиган пок ўртамиёна ҳаракат жуда кам учрайди;
биз одатда сусткашликка мойил ўта расмиятчилик ёки шошқалоқ, пала-партиш қўполликка дуч келамиз.

* * *

Латифалар ва ҳикматлар тўплами агар жаҳонгашта одам латифалар билан хушхулқ давраларга файз кирита олса, ҳикматларни ҳам ўз ўрнида эслатиб кўйса, унинг учун буюк хазинадир.

* * *

Санъаткорга қаратса: «Табиатдан уқиб, ўрган!» дейишади. Бироқ оддийликдан улуғворликни, бемаъниликтан гўзалликни ажратса билиш осон иш эмас.

* * *

Ҳамдардлик йўқ жойда хотира ҳам йўқолади.

* * *

Дунё бамисоли дарз кетган жом: у гулдираса-да, жарангламайди.

* * *

Ёш дилетант (юзаки ишқибоз)ларнинг хирадик ва бетакалуфлигига хайриҳоҳлик билан чидаш керак; пировардида улар санъатнинг чинакам шайдоларига айланадилар.

* * *

Ақлли, мулоҳазали, зеҳни ўткир инсонларни қомусий луратга қиёслаш мумкин.

* * *

Ўз-ўзимга ва ташқи дунёга бўлган муносабатимни биламанми, мана шуни ҳақиқат, деб атайман. Шу тариқа ҳар бир киши ўз ҳақиқатига эга бўлиши мумкин – бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

* * *

Кимгаки табиат ўз сирларини очиқ-оидин оча бошласа, у ўзида унинг энг муносиб тушунтириб берувчиши – санъат учун иштиёқ сезади.

* * *

Вақт – ўзи бир унсур.

* * *

Инсон ўзининг нечоғли антропоморфик эканлигиги-ни ҳеч қачон англай олмайди.

* * *

Ақл-идрок учун ҳеч нарса бера олмайдиган фарқ – фарқ эмас.

* * *

Агар барча қонунларни ўрганишга тўғри келганида эди, уларни бузиш учун вақт етмай қолган бўларди.

* * *

Ҳар қандай киши учун, айниқса, бирга яшагинг келмаётган одамлар учун яшаб бўлмайди.

* * *

Сир-синоатлар ҳали мўъжиза эмас.

* * *

Унча ишониб бўлмайдиган, даргумон истеъдодларга қизиқ устида енгилтаклик билан ёрдам берганим ёшлик йилларимдаги сира қутуломаган хатоим эди.

* * *

Иккаламиз уришиб-суришиб юрмайлик-да, сен билан рўй-рост гаплашиб олмоқчиман; бундай бўлмайди-да. Сен ўзинг нотўғри иш қиляпсан, икки стул ўртасига ўтиromoқчисан, бу билан ҳам муҳлисларингнинг кўнглинни қолдиряпсан, ҳам дўстларингдан айриляпсан. Бунинг оқибати нима бўлади!

* * *

Оз бўладими, кўп бўладими, барибир инсон азоб-хузурни ҳам, оғир-енгилни ҳам ўз бошидан кечиришига тўғри келади.

* * *

Либераллик (хурфикрлилик)ни излаш керак бўлса, уни маслаклардан қидириш лозим. Улар жонли характер ҳисобланади.

* * *

Бироқ либерал маслаклар кам учрайди, чунки маслак бевосита шахснинг ўзидан, унинг энг яқин алоқа-муносабатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқади.

* * *

Энди ортиқ ҳеч нарса ёзмаймиз; кун сайин нимани эшитсан, шуни андоза қилиб бораверамиз!

* * *

Бу бизнинг кўзларимиз, бизнинг тасаввурларимиз; табиат эса, нимани хоҳлайди, ёлғиз ўзи билади.

* * *

Ажойиб кишиларнинг айрим соҳаларда эришаётган ютуқларини тушуниб етгунимга қадар, умумий нарсалар билан ўралашиб юраверибман.

* * *

Одамлар тўхтаб қолган соатга «юрадими-йўқми», деб қараб кўйишади, шунга ўхшаб, гўзал қизнинг чеҳрасига ҳам «сева оладими-йўқми», дегандек синчиклаб разм солишади.

* * *

Дилетантлик жиддий қабул қилиниб, илм-фан меҳаник тарзда олиб борилгудек бўлса, майдакашликдан ўзга нарса бўлмаган бўлар эди.

* * *

Олимлар бирон нимани рад қилаётгандаридан күпинча тиллари аччиқ бўлиб кетади; хато қилаётган киши уларга ашаддий душман бўлиб кўринади.

* * *

Гўзаллик ҳеч қачон ўз устидан ўзи хуроса чиқаролмайди.

* * *

Асл мақсадига кўра, яшаш – иложи йўқ нарсага гўё имкони бордек муносабатда бўлиш, демакдир. Характер ҳақида гапирадиган бўлсак, унда ҳам аҳволот шундай: иккаласи учрашишади, ўёғи маълум, воқеалар юзага келади, бундан таажжубга тушган дунё эса асрлар оша ўзига келомайди.

* * *

Адабиётнинг шу қадар номукаммаллигига қарамасдан, биз яна тағин минг марталаб қайтариқларга дуч келамиз, бу эса Инсон ақл-тафаккури ва тақдир-қисматининг нечоғли чекланганини кўрсатади.

* * *

Тарихчи юқори турадими ёки шоирми, деган саволнинг қўйилиши мутлақо ножоиз; улар, мисол учун, югурувчи билан боксчи сингари бир-бирлари билан рақобатлашмайдилар. Ҳар ким ўз тожига ўзи эришади.

* * *

Кимки болалар билан кўп бирга бўлса, яхши билади, уларга бўладиган ҳар қандай ташқи таъсир акс таъсирсиз қолмайди.

* * *

Болалардаги ажойиб табиатнинг акс таъсири ҳам foят мароқли, унга фаол аралашиш лозим.

* * *

Кундалик турмушда айрим тутуриқсизликлар ҳам бўладики, уларга нисбатан дунё тарихидан фақат буюк кишилар ҳаётини қарама-қарши қўйиш лозим бўлур эди.

* * *

Фақат шуни биламизки, кам биламиз; билим гумонни орттиради (билим кўпайган сайн гумон ҳам ортиб боради).

* * *

Одамлар бор, ўз тенгини топиб, севиб қолишади, яна шундайлар ҳам борки, мутлақо ўзларининг аксига кўнгил кўйиб, уларга берилиб кетадилар.

* * *

Кишилар ўз мойилликларида ҳаётий нарсаларга риоя қилишади. Ёшлар эса ёшлардан ўрганади, шакланади, ўсади.

* * *

Биз дунёни хоҳлаганишимизча ўрганишимиз мумкин, у эса ҳамиша кун ва тундан иборат бўлиб тураверади.

* * *

Хатолар ишда доимо учраб туради, шунинг учун ҳақиқатни сўзда ҳормай-толмай тақрорлайвериш керак.

* * *

Римда римликлардан бошқа ҳайкаллардан иборат бўлган ҳалқ ҳам яшаганидек, мавжуд моддий дунёдан ташқари хаёлий олам ҳам борки, унда кўпчилик яшайди, шунданми, у кўп марта қудратлироқдир.

* * *

Одамлар гүё Қизил денгизга ўхшайды; қозиқ уларни ушлаб қололмайды, улар бирин-кетин бирга оқиб бораверади.

* * *

Тарихчининг бурчи, ҳақиқатни ёлғондан, аниқликни ноаниқликдан, даргумонликни номақбулликдан фарқдай олишдир.

* * *

Йилномани, кимга ҳозирги замон аҳамиятли бўлса, ўша ёзади.

* * *

Фикрлар такрорланаверади, эътиқодлар авлоддан-авлодга ўтаверади; фақат ҳолатларгина қайтмас бўлиб ўтиб кетади.

* * *

«Барча халқлар орасида греклар ҳаёт ҳақида энг гўзал даражада орзу қилганлар».

* * *

Таржимонларни сергайрат, тиниб-тинчимас совчиларга ўхшатгинг келади, улар бизга ярим пинҳон гўзалликнинг мақтовини келтириб, уни юксак даражада ёқимли қилиб кўрсатадилар; улар аслиятга зўр, кучли иштиёқ уйғотадилар.

* * *

Узоқ ўтмишни елкамиздан ошириб юборишимииз мумкин, бироқ келажак авлодларни эмас. Ота ўз ўғлиниң истеъдодига ҳавас қила олмайди.

* * *

Бизнинг бутун ҳийла-найрангимиз шундаки, яшаш учун ҳаётимиздан воз кечамиз.

* * *

Бизларнинг хулқ, феъл-атвор, муомала, юриш-туришимиз, буларнинг барчаси – чарчаб-ҳорищдир; чарчамайдиган одамга маза!

* * *

«Умид – омадсизларнинг иккинчи қалбидир».

* * *

Бизнинг табиатимизга хато эмас, ҳақиқат зиддир, бунинг сабаби жуда оддий: ҳақиқат биздан чекланганимизни тан олишимиз лозимлигини талаб қиласди, хато эса бизга у ёки бу тарзда чекланмаганимизни кўрсатиб, хушомад қиласди.

* * *

Маҳорат кўпинча худбиналика тааллуқди бўлади.

* * *

Девиз (шиор)лар биз эга бўлмаган ва интилаётган нарсаларга ишора қиласди. Шунданми, улар ҳамиша кўз олдимиизда туради.

* * *

Хатоларимиздан қутулишни истасак, бу биз учун анча қимматга тушади, шундан кейингина баҳт-омад ҳақида сўз бўлиши мумкин.

* * *

«Яна шундай сохта санъаткорлар ҳам борки, бири дилетант (юзаки ишқибоз), иккинчиси спекулянт (чайковчи); униси санъатдан завқ олса, буниси ўз фойдасини кўзлайди».

* * *

Хато ҳақиқатга нисбатан уйқу бедорликка қандай қарши бўлса, шундай муносабатда бўлади. Шуни англадимки, хато қилган инсон гўё ўзини янгилангандек

хис этиб, яна ҳақиқатта мурожаат қилишга эҳтиёж сезади.

* * *

Ўзи учун ўзи ҳаракат қилмаган ҳар қандай инсон изтироб чекади. Бошқалар учун ҳам ҳаракат қиласиз, бундан мақсад – завқ олиш.

* * *

Биз аслида ўзимиз баҳо бера олмайдиган китоблардан ўқиб-ўрганишимиз. Биз баҳолай оладиган китоб муаллифи эса биздан ўрганишига тўғри келган бўлар эди.

* * *

Оддийликни камчилик деб, ҳисобламаслик керак; чунки бундай хусусият бир умр шундайлигича сақлашиб қолади.

* * *

Биз ўзимиздаги зиддиятлардан қочиб қутула олмаймиз; билъакс, буни текислашга ҳаракат қилишимиз керак. Агар бунга жавобан бизга эътиroz билдиришса, майли, бу уларнинг иши, буниси билан ишимиз йўқ.

* * *

Қайси бир ҳукуматни энг яхши деб, аташ мумкин? Қай бири ўзимизни ўзимиз бошқаришга ўргатаётган бўлса, ўшани.

* * *

Энг яхши жамият ҳақида шундай гап бор: уларнинг суҳбатидан кўп нарса билиб оласан, ҳаттоқи уларнинг сукути ҳам билим ортиришимизга хизмат қиласи.

* * *

Мистика (тасаввуф) қалб схоластикаси, ҳис-туйфу диалектикасидир.

* * *

Кексаларни болаларни асрагандек авайланглар.

* * *

Илмдаги ҳаётим шундай бўлганки, гўё тонгги фираширада ўрнидан туриб, қуёш чиқишини сабрсизлик билан кутган ва уни кўриши билан кўзи қамашган одам ҳолатини бошдан кечирганман.

* * *

Фояяна ва абадий; уни кўплиқда қўллашимиз ҳам бефойда. Ниманики аниқдай ва нима ҳақида гапира олсан ҳам, буларнинг барчаси – фоянинг намойишидир, холос; тушунчалар деймиз, сабаби, фоянинг ўзи тушунчадир.

* * *

Эстетикада: гўзаллик ғояси, деган гап тўғри келмайди; бу билан ягона деб ўйлаш мумкин бўлган гўзаллик яккараб қўйилади. Гўзаллик ҳақида тушунчага эга бўлиш ва бу тушунчани ифодалаш орқали кимгадир етказиш мумкин бўлади.

* * *

Фоянинг гўзалликники каби намойиши ҳам худди улуғворлик, донолик, қувноқлик ва кулагилиликнинг намойиши сингари саёз, ўткинчидир. Бу ҳақда гапириш қийинлигининг боиси ҳам шу.

* * *

Даҳодан талаб қилинадиган биринчи ва охирги нарса, бу – ҳақиқатга муҳаббатдир.

* * *

Кимки ўзига ва бошқаларга нисбатан тўғри ва ҳалол бўлса, шундай бўлиб қолса, унда энг буюк истеъоддларнинг энг гўзал фазилати мужассамдир.

* * *

Тарихга қайтадиган бўлсак, биз унинг ҳамма ерида ўзимиз чиқишиб кета оладиган ва албатта зиддијатларга ҳам дуч келишимиз мумкин бўлган шахсларни учратамиз.

* * *

Бироқ барибир айни пайтда баравар юз бераётган воқеалар энг муҳим нарса бўлиб қолаверади, чунки биз унда, у эса бизда энг соғ ҳолда акс этади.

* * *

Ўз бошидан кечирган воқеаларни ҳар бир киши, айниқса, ёши бир жойга етган одам ниҳоятда қадрлайди; уларни ҳеч ким тортиб ололмаслигини ишонч ва ёқимли бир туйғу билан ҳис этади.

* * *

Энг гўзал метампсихоз (жон, рухнинг кўчиши) ўзимизни бошқалар қиёфасида қайтадан намоён бўлишимиznи кўришдир.

* * *

Ўз ҳаётимизга қайта назар ташлайдиган бўлсак, унда энг аввало, бой берилган имкониятлар, амалга ошмаган орзу-мақсадлардан иборат узук-юлуқ манзара кўз олдимизда намоён бўлади ва қилинган ишлар, эришилган муваффақиятларимизни тасаввур кучи билан босиб кетади.

* * *

Илм-фан тараққиётини бениҳоя орқага тортадиган нарса шуки, кўпинча ўрганишга, тадқиқ қилишга арзимайдиган муаммолар билан машғул бўламиз.

* * *

Юксак эмпиризмнинг табиатга бўлган муносабати инсон ақд-тафаккури амалий ҳаётга қандай муносабатда бўлса, шундай кечади.

* * *

Санъат – ҳақиқий воситачидир. Санъат ҳақида гапириш ана шу воситачига кўмаклашиш истаги, шунинг учун ҳам бизга кўп ажойиб нарсалар насиб этган.

* * *

Илм-фанда ҳам аслида ҳеч нимани билиб бўлмайди, гап масалани қандай ечишда қолган.

* * *

Бизга илм-фан энг аввало, табиат ато этган ҳайратланишини бир қадар мўътадиллаштиришимизда; ана ундан сўнг эса тобора ортиб бораётган ҳаёт талабларига жавобан заарли одатлардан тийилиб, фойдали ишларни амалга оширишимизда янги кўникмалар уйғотиб, ёрдамга келади.

* * *

Фанлар академияларини, кўпинча, ҳаётга чуқурроқ кириб бормаётганлиқда айблашади; бироқ бу уларнинг айби эмас, балки гап умуман олганда билим ва тажрибаларни қай тариқа талқин этишда қолган.

* * *

Инсон ёлғиз ўзи яшай олмайди, шунинг учун бирор партияга киради, гарчи у ерда ҳам осойишталик топомаса-да, ҳарҳолда ўзини тинч ва хавфсиз ҳисоблайди.

* * *

Бирор қарааш билан боғлик тез хулоса чиқариш ва уларнинг икковини ҳам бир хил кучга эга, деб ҳисоблаш ярамайди, афсуски, бундай ҳолат баъзан бўлсада, учраб туради.

* * *

Хатоларнинг абадийлаштирилишига даврий қомуксий асарлар, айниқса, кўпроқ ҳисса қўшмоқда. Улар-

да илм-фан тадқиқ қилинмайды, балки нимани би-лишса, нимага ишонишса, нима хәёлга келса, шуни ёзиб ташлайверишиди; шунинг учун бундай асарлар-нинг орадан эллик йил ўтгач, бутунлай ғалати туюли-шига ажабланмаса ҳам бўлади.

* * *

Биз ўз ҳолатимизни гоҳ раҳмонга, гоҳ шайтонга йўя-миз ва бошқа пайларда бўлганидек, яна хатога йўл қўя бошлаймиз, ахир, бутун жумбоқ ўзимизда-ку, чунки биз икки дунё зурёдларимиз. Ранг хусусида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин; уни дам нур ёруғи-дан, дам коинотдан излашади, бироқ унинг макони асли қаердалигини ҳали ҳеч ким тополганича йўқ.

* * *

Дастлабки ибтидоий феноменларни бевосита сезиб, пайқаган пайларимизда бизни ўзига хос ваҳима бо-сади: ожиз эканлигимизни ҳис қила бошлаймиз; шун-да эмпиризмнинг мангу ўйинидан ўзимизга келамиз-да, яна шодланаверамиз.

* * *

Оҳанрабо, таъбир жоиз бўлса, ибтидоий феномен-дир; уни бирйўла қолган барча нарсаларнинг рамзи ҳам дейиш мумкин. Ортиқча изоҳга эса ҳожат йўқ.

* * *

Барча тирик мавжудотлар ўз атрофида муҳит яра-тади.

* * *

Табиатни тушуниш ва ундан бевосита фойдаланиш камгина одамларнинг кўлидан келади; билиш билан кўллаш ўртасида улар ўзига хос тўқима ихтиро қилиб, уни авайлаб тайёрлайдилар ва айни пайтда ундан қан-дай фойдаланиш кераклигини унутиб қўядилар.

* * *

Табиат измида шу қадар кенг эркинлик мавжуд-
ки, унга на илмимиз, на билимимиз билан бас кела
оламиз.

* * *

Давр, замон йўл қўядиган хатолар билан келишиш
қийин кечади: уларга қарши чиқсанг, ёлғизланиб қола-
сан; қўшилай десанг, унда на шараф бор, на қувонч.

* * *

Ақл билан боғлиқ барча нарсалар аллақачон ўйлаб
топилган, энди эса яна бир бор ўйлаб кўриш қолган,
холос.

* * *

Инсон ўзини-ўзи қандай билиб олиши мумкин?
Ўзига ўзи разм сололмайди, ҳаракат орқали бўлса, бош-
қа гап. Ўз бурчингни бажаришга ҳаракат қилиб кўр,
қўлингдан нима келади, биласан-қўясан.

* * *

Бурчинг нима ўзи? У шу куннинг талаби.

* * *

Маънавий дунёни улкан боқий индивид, деб қарааш
жоиз, у муттасил заруриятлар ҳосил қиласди ва шу та-
риқа ҳаттохи кутилмаган воқеа, ҳодиса, тасодифлар-
га ҳам ўз ҳукмини ўтказади.

* * *

Чинакам санъатда ҳеч қандай тайёрлов мактаби
бўлмайди, тайёргарлик бўлиши мумкин; энг яхшиси,
шогирднинг уста дўконида бирга ишлашидир. Бўёқ-
қирғич шогирдлардан ҳатто ажойиб мусаввирлар ети-
шиб чиққан.

* * *

Яна кўр-кўрона тақлид ҳам бор, бунга қўпинча ўз ишининг устаси бўлган таниқди санъаткорларнинг ўzlари тасодифан туртки бериб қўядилар.

* * *

Ошнанг кимлигини айт, кимлигингни айтаман; нима иш билан шуғуланаётганингни билсам, сендан ким чиқишини ҳам айтиб бераман.

* * *

Ҳар бир киши ўз фикр юритиш тарзига эга бўлиши керак; чунки ўз ҳаёт йўлида ҳамиша унга ёрдам берадиган ҳақиқат ёки ҳақиқатнинг бирон-бир кўринишига дуч келади. Шунда эътиборсиз бўлмасдан, ўз-ўзини назорат қила олиши керак; қуруқ ялонғоч инстинкт (туғма ҳис-туйғу) билан иш битмайди.

* * *

Инсон яратган асалларда битилган ният-мақсадлар, табиатники сингари қўпинча эътиборга лойик бўлади.

* * *

Одамлар кўп ҳолларда воситани мақсад деб билиб, ўzlари ва бошқалар хусусида хатога йўл қўядилар, бунинг оқибатида эса қуруқ фаолиятдан бошқа ҳеч нимага эришиб бўлмайди ёки ёқимсиз, хунук воқеалар ҳам юзага келиши мумкин.

* * *

Бутун, чала-ярим ва чорак хатоларни тартибга келтириб, кўриб чиқиш ва тегишли аниқликлар киритиб, тузатиш бутунлай оғир ва сермашаққат ишдир.

* * *

Умумий тушунчалар ҳамда кучли кибр-ҳаво даҳшатли мусибатларни содир этиш учун ҳамиша йўлда.

* * *

«Флайта (найсимон мусиқа асбоби)ни пуфлаб чалиб бўлмайди, уни чалиш учун бармоқларни ҳам қимири-латишингизга тўғри келади».

* * *

Ботаниклар Incompletae деб атайдиган ўсимликлар туркуми бор; шу ўсимликларга ўхшаб, бут бўлмаган, норасо одамлар ҳам бор, дейиш мумкин. Улар шундайки, истак ва интилишлари хатти-ҳаракат ҳамда фаолиятлари билан мутаносиб эмас.

* * *

Ўз кучларини биладиган ва улардан меъёрида ҳамда ақл-идрок билан фойдалана оладиган мулоҳазали кишиларгина дунё ишларида муваффақиятларга эришадилар.

* * *

Катта хато шуки, одамлар баъзан ўзларига керагидан ортиқ баҳо бериб юборади, баъзида эса ўзларининг қадр-қимматини пастга уришдан ҳам тойишмайди.

* * *

Поэзия кўпинча ҳолатлар ибтидосида таъсири кўрсатади, гўёки улар ҳали бутунлай хом, ярим маданийлашган ёки маданий ўзгаришда, ўзга маданият сезилиб туради, демак, шунда янгилик яққол ўз таъсирини кўрсатади.

* * *

Мусиқа яхши маънода янгиликка кам эҳтиёж сезади, у қанчалик эскирган сари, одамлар унга қанчалик кўнилган сайин, таъсири шунчалик ортиб бораверади.

* * *

Санъатнинг обрўси, қадр-қиймати балки мусиқада энг юксак бўлиб кўринар, чунки унда моддий ҳисоб-китоб қилинадиган нарсанинг ўзи йўқ. У шакл ва мазмуннинг ўзгинаси бўлиб, ўзи ифода этган барча нарсани юксалтиради ва унга файз бахш этади.

* * *

Мусиқа диний ёки дунёвий бўлади. Диний мусиқа ўз қадр-қийматига муносаб тарзда ҳаётга ўз таъсирини ўтказади, бу таъсир барча замонлар ва даврлар оша ўзгармас бўлиб қолаверади. Дунёвий мусиқа эса бутунлай шўх бўлиши лозим.

* * *

Ҳақиқатга бўлган муҳаббат ҳамма жойда эзгуликни топа олиш ва уни қадрлай билишда намоён бўлади.

* * *

Тарихий инсонийлик туйфуси, дегани шундай бир маърифий туйфуки, у айни пайтдаги иззат-ҳурмат ҳамда хизматларга баҳо бераётганда ўтмишни ҳам инобатга олади.

* * *

Биз тарихдан олган энг яхши нарса – у уйғотган завқ-шавқдир.

* * *

Ўзига хослик ўзига хос хусусиятни келтириб чиқаради.

* * *

Одамлар орасида ҳеч нима ёзмай туриб ҳам бирон муҳим гал айтишни хоҳловчилар жуда кўп, буни ўйлаб кўриш керак, шунда ниҳоятда гаройиб нарсалар юзага келади.

* * *

Теран ва жиддий фикрловчи кишилар кўпинча томошабин (кўпчилик)ни ёқтиришмайди.

* * *

Борди-ю, бошқа бирорларнинг фикрини тинглаш им лозим бўлса, у фикр ижобий бўлиши керак; муммомлар ўзимда етарли.

* * *

Микроскоп ва телескоплар аслида соф инсон ақдидини хирадаштиради.

* * *

Мен кўп нарсага сукут сақлайман; чунки одамларнинг бошини айлантиришни хоҳламайман, мабодо улар жаҳлим чиққанини кўриб, курсанд бўлишса, бунга ҳам индамай кўя қоламан.

* * *

Ўз устимиздан ўзимиз ҳукмронлик қилишимизга йўл қўймай, руҳимизнигина халос қилган барча нарсалар ҳалоқатлидир.

* * *

«Шоир буни қаердан олибди?» деган савол ҳам фақат «нима»га бориб тақалади; «қандай» ҳақида эса ҳеч ким ҳеч нима билолмайди.

* * *

Тасаввур кучи фақат санъат орқали, айниқса, поэзия орқали бошқарилади. Дидсиз тасаввур кучидан кўрқинчлироқ нарса йўқ.

* * *

Адабиёт фрагментлар фрагментидир; бўлиб ўтган ва айтилган жамики нарсалардан энг озгинасигина ёзиб қолдирилган, ёзилган нарсаларнинг эса энг камгинасигина сақланиб қолган.

* * *

Халқ қўшиқларининг асл қадр-қиммати шундаки, улардаги оҳанглар бевосита табиатнинг ўзидан олинган. Буни тушуниб етганда эди, саводли шоир ҳам ушбу имкониятдан фойдалана олган бўларди.

* * *

Бироқ бу борада барибир ўқиган кишиларга қарангандо оддий одамларнинг фикрни қисқа ва лўнда ифодалашга моҳир эканликларини тан олишади.

* * *

Ўз бошидан кечириб қўрмагунича ҳеч ким тарих ҳақида сўз очолмайди. Бутун миллатлар хусусида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Олмонлар ўз адабиётига эга бўлган даврдан бошлабгина, адабиёт ҳақида гапира оладилар.

* * *

Бошқаларнинг хайриҳоҳлигига сазовор бўла олган одамгина тирикдир.

* * *

Художўйлик тинчлик-хотиржамлик орқали юксак маданиятга эришиш йўлида мақсад эмас, воситадир.

* * *

Шунинг учун ҳам художўйликни мурод ва мақсад қилиб олганларнинг кўпинча мунофиқ эканликлари билиниб қолади.

* * *

«Қариганда ёшликтагига қараганда қўпроқ иш қилиш керак.»

* * *

Бажарилган бурчга нисбатан инсон ҳамиша ўзини қарздордек ҳис қиласи, чунки уни ҳеч қачон мукаммал адо этиб бўлмайди.

* * *

Камчиликларни ишқиз одамгина күради; шу боис уларни тан олиш учун ҳам ишқиз бўлиш керак, бироқ меъёридан ортиқ даражада эмас.

* * *

Камчиликларимизни тўғрилаб, хатоларимизни тузатсак – энг юксак баҳт шу.

* * *

Ўқий олсанг, тушунишинг лозим; ёза олсанг, бирон нима билишинг керак; ишона олсанг, тушуниб етишинг лозим бўлади; агар кўнглинг суст кетса, ҳисобкитобни ҳам ўйлашинг лозим; агар талаб қиласанг, эриша олмайсан ва агарда тажрибали бўлсанг, фойдалана билишинг лозим бўлади.

* * *

Ҳеч кимни ўзимизга фойдаси тегадиган одамчалик тан олмаймиз. Ҳокимни тан оламиз, чунки мулкимиз унинг қўл остида. Ботинан ва зоҳиран қалтис ҳолатларда ундан ҳамиша паноҳ кутамиз.

* * *

Анҳор тегирмончи билан дўст тутинган, унга фойдаси тегади ва у тегирмон чархпалаги узра астойдил пастга интилади, ахир, водий бўйлаб бекор оқиб ётгандан унга нима фойда?

* * *

Кимки тажриба билан қаноатланиб, шунга биноан иш юритса, унинг иши маъқул. Шу маънода тетапоя бўлиб ўсиб келаётган болани ҳам доно деса бўлади.

* * *

Агарки назария бизни ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигига ишонтирас экан, у ўз-ўзидан ҳеч нарсага арзимайди.

* * *

Барча мавхұм нарсалар одамзод онгига амалиёт орқали яқынлашади ва шу тариқа инсон ақли мавхұмотни ҳаракат ҳамда кузатиши орқали англаб олади.

* * *

Кимки күп нарса сүраб, чалкашликларни ёқтиргудек бўлса, боши мудом хатолардан чиқмай қолади.

* * *

Мушоҳадада ҳам худди ҳаракатдаги каби тушунарли нарсани тушуниб бўлмайдиган нарсалардан фарқдаш мумкин; бусиз ҳаётда худди илмдаги сингари күп ишларни амалга ошириш мумкин бўлмай қолар эди.

* * *

Иккита беозор ҳокимият бор: ҳуқуқ ва хушхулқлик.

* * *

Илм-фан тарихи улкан бир фуга*, унда халқлар овози бот-бот янграйверади.

* * *

Табиий фанларда, агар метафизика кўмаклашмаса, баъзи бир муаммолар ҳақида муносиб тарзда гапириб бўлмайди; бу мактаб ўқувчиларига хос қуруқ донолик эмас: физикадан олдин нимаики бўлган, ҳозир ва бундан кейин ҳам бор бўладиган бўлса, унинг борлиги ва бўлиши муқаррардир.

* * *

Обрў-эътибор қачонлардир бўлган, тилга олинган ёки эътироф этилган бўлса, бунинг аҳамияти катта,

* Фуга – (музиқада) бир мавзуни бир неча ижрочи томонидан ҳар хил овоз билан кетма-кет такрорлаш (тарж.)

албатта; бироқ майдакаш одамгина ҳамма жойда обрў-эътибор талаб қилади.

* * *

Эски пойдеворни иззат қилиш яхши, бироқ қаердадир ва қачонлардир янгитдан яратиш ҳуқуқини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

* * *

Қандайдир йўл билан амалга оширса бўладиган алоҳида ҳар қандай нарса тушунарли. Шу тариқа тушуниб бўлмайдиган нарса ҳам фойдали бўлиши мумкин.

* * *

Шундай майдакашлар ҳам борки, улар айни пайтда муттаҳамдирлар. Улар энг ёмон одамлар ҳисобланади.

* * *

Осмоннинг ҳамма жойда мовийранг эканлигини билиш учун дунё бўйлаб саёҳат қилиш шарт эмас.

* * *

Умумийлик ва алоҳидалик бир-бирига мос; алоҳида нарсалар турлича шарт-шароитлар остида намоён бўладиган умумийликдир.

* * *

Барча далиллар назария эканини тушуниш энг улуғ иш бўлур эди. Осмоннинг мовий тусда эканлиги бизга хроматика (гуллар ҳақидаги таълимот)нинг асосий қонунини очиб беради. Феноменлар ортидан ҳеч нарса қидирманг; уларнинг ўзи таълимот.

* * *

Фанда аниқ, маълум нарсалар кўп, фақат истиснолар оқибатида хатога йўл қўйилмаса ва муаммолар назар-писанд қилинса бўлгани.

* * *

Бизнинг хатомиз шундаки, аниқ, маълум нарсалардан гумонсираб, ноаниқ нарсаларни қайд қилиб борамиз. Менинг табиатшуносликдаги тамойилим – аниқ нарсани маҳкам ушлаб, ноаниқ нарсага мудом огоҳ бўлишдан иборатдир.

* * *

Бутунлай бефойда нарсаларни ўргатадиган одамини ўз фанининг устаси дейиш мумкинми?!

* * *

Энг аҳмоқлик шуки, ҳар ким ўзича билган нарсани дарров бошқаларга ҳам етказсам, дейди.

* * *

Ҳадеб сабабни суриширавериш, сабаб билан таъсиротни чалкаштириб юбориб, сохта назарияни тўгри деб ўйлаш йўл қўйиб бўлмайдиган катта хатодир.

* * *

Агар баъзи бирорлар қачонлардир айтиб қўйганлиги важидан нотўғри гапларини ҳадеб тақрорлайвермаганларида эди, улардан бутунлай бошқача одамлар чиққан бўларди.

* * *

Нотўғри нарсанинг устунлиги шундаки, у ҳадеб алжираивериш учун мавзу бўла олади; ҳақиқат эса дарров амалда намоён бўлиши керак, акс ҳолда унинг қадри қолмайди.

* * *

Кимки ҳақиқатни тан олгиси келмаса, ўзининг аянчли хатти-ҳаракатини бир оз бўлса-да, ювиб-ёйиш учун зўр бериб, ҳар нимани тўқиб-бичишига мойил бўлади.

* * *

Олмонлар (ва нафақат улар) ҳам фанларни тушунарсиз қилиб тасвирлаш имкониятига эга.

* * *

Инглиз кашфиётдан дарҳол амалда фойдаланишга уста, токи у яна бир янги ихтиронинг юзага келишига хизмат қиласин. Тағин нимага улар ҳамма жойда биздан олдинда деб, сўраб ҳам қўямиз.

* * *

Ҳақиқат рағбатлантиради; ёлғондан ҳеч нарса чиқмайди, бошимизни айлантиради, холос.

* * *

Инсон таъсиротлар орасига тушиб қолганлиги боис, сабабларни сураб, суриштиришдан ўзини тия олмайди ва осонгина йўлдан бориб, энг яқиндаги биттасига ёпишиб олади-да, шу билан ўзини тинчлантиради; бу нарса инсониятнинг умумий тушунчасига хос бўлган ҳолатдир.

* * *

Бирон-бир иллатга кўзимиз тушиши билан бевосита унга қарши таъсир кўрсатишга киришамиз, бу дегани, бевосита симптомга қарши кураш билангина чекланиб қўяқоламиз, холос.

* * *

Ақл фақат жонли нарсалар устидан ҳукм юргизади; умумий геология билан андармон дунё эса ўликдир. Шу боис, геологиянинг мавжуд бўлиши амри маҳод; чунки бу ўринда ақлга ҳожат қолмайди.

* * *

Бир хил ёки бир-бирига ўхшаб кетадиган таъсиротлар табиий кучлар томонидан турли хил йўллар билан юзага келади.

* * *

Физикани синчиклаб қаралса, ўз асосига қурилган феноменларнинг худди тажрибалар сингари турлича қийматга эга эканликларини кўриш мумкин.

* * *

Тажриба илм-фанга аввал фойда келтирса, сўнг зарар ҳам етказади, чунки биз тажриба орқали қонун ва истисно мавжуд эканини пайқаймиз. Иккови ўртасидаги ўртамиёналик ҳеч қандай ҳақиқатга олиб келмайди.

* * *

Айтишларича, бир-бирига зид икки қарама-қарши фикр ўртасида гўёки ҳақиқат ётармиш. Ҳечам-да! Улар орасида, таъбир жоиз бўлса, муаммо, кўз илғамас жонли абадий ҳаёт ётади.

* * *

Ҳаёт сўқмоқлари сирини ҳеч ким очиб бера олмайди ва бу мумкин ҳам эмас; унда фақат ҳар бир сайёҳ туртиниб ўтадиган тошлар бор, холос.

* * *

Агар дунёning бутун донишмандиги худонинг олдиди ахмоқлик бўлганда эди, унда етмиш ёшга киришнинг ҳам ҳожати қолмаган бўларди.

* * *

Ҳақиқат худога ўхшайди: у бевосита кўринмайди, биз уни намоён бўлишидан пайқаб олишимиз керак.

* * *

Ҳақиқий ўқувчи маълум нарсалардан номаълум нарсаларни келтириб чиқаришни ўрганиш орқали ўз устозига яқинлашиб боради.

* * *

Бироқ маълум нарсалардан номаълум нарсаларни келтириб чиқариш одамлар учун осон эмас; чунки улар ўз ақдлари табиат сингари санъат билан машғул эканини билишмайди.

* * *

Чунки худолар бизни ўз ишларига тақлид қилишга ўргатади; бироқ биз нима қилаётганимизни биламизу, нимага тақлид қилаётганимизни эса англай олмаймиз.

* * *

Барча нарсалар бир-бирига ўхшаш ва ўхшаш эмас; ҳам фойдали, ҳам зарарли; ҳам гапиради, ҳам сукут сақлади; ҳам ақдли, ҳам ақлсиз. Алоҳида нарсаларга келсак, улар кўпинча бир-бирига зид бўлади.

* * *

Чунки одамлар ўзлари аввал нима ҳақида қонун чиқаришни билмасдан туриб, қонун масъулиятини зиммаларига олишган; табиатни эса барча худолар баҳамжихат яратган.

* * *

Одамлар чиқарган қонунлар, ҳақ ё ноҳақ бўлсин, бир-бирига тўгри келмайди; бироқ худолар яратган нарсалар, ҳақ ё ноҳақлигидан қатъи назар, барчаси ўз ўрнидадир.

* * *

Лекин мен одамларнинг муайян санъатлари сирли ёки ошкора намоён бўладиган табиат ходисаларига ўхшаш эканини кўрсатиб ўтмоқчиман.

* * *

Улардан бири – башпорат қилиш санъатидир. У ошкора (яққол) нарсадан махфий нарсани, ҳозирги кун-

дан келажакни, жонсиз нарсалардан жонли нарсаларни ва бемаънилиқдан маънини айриб, айтиб беради.

* * *

Шу тариқа ўқиган одам инсон табиатини тузукроқ англай бошлайди, ўқимаган эса уни гоҳ ундаи, гоҳ бундай кўради ва ҳар бир киши унга ўзича (ўз йўсини билан) тақдид қиласди.

* * *

Агар эркак билан аёл учрашиб, бола пайдо бўлса, маълум нарсадан номаълум нарса юзага келади. Бунга қарши ўлароқ, боланинг руҳи ўзига аниқ нарсаларни қабул қилиб олса, унда у эркак одамга айланади ва ҳозирги кунга қараб, келажакни билиб олишни ўрганади.

* * *

Ўлмас нарса (боқийлик)ни ўладиган тирик жон билан қиёслаб бўлмайди, бироқ барибир тирик жон ақлли бўлади. Шундай қилиб десангиз, қорин қургур қачон очқашни ва чанқашни яхши билади.

* * *

Башоратгўйлик санъати инсон табиатига ана шундай муносабатда бўлади ва иккови ҳам ақл-фаросатли кишига бирдек тушунарли; бироқ чекланган одамга гоҳ ундаи, гоҳ бундай кўриниши мумкин.

* * *

Эклектик фалсафа эмас, эклектик файласуфлар бўлиши мумкин.

* * *

Кўмир чўғида тутатилган ладан (диний маросимларда тутатиладиган хушбуй смола) ҳаётимизга мусаффолик олиб киргани каби, тоат-ибодат ҳам диллардаги орзу-умидларни янгилайди.

* * *

Йиллар ўтган сайин синовлар ҳам ортиб боради.

* * *

Хушахлоқдигим тугаган жойда куч-қудратим ҳам фойиб бўлади.

* * *

Одам ҳеч қачон алданмайди, ўз-ўзини алдайди, холос.

* * *

Барча қонунлар кексалар ва эркаклар томонидан яратилган. Ёшлар ва хотинлар истиснони хоҳлашади, кексалар – қоидани.

* * *

Ақдли эмас, ақл, фаросатли эмас, фаросат бошқаради.

* * *

Кимки биронни мақтаса, ўзини унга тенглаштиради.

* * *

Билимнинг ўзи етарли эмас, уни амалда қўллай билиш ҳам керак; истакнинг ўзи кифоя эмас, балки фолият ҳам зарур.

* * *

Илм-фан бора-бора ҳаётдан буткул узоқлашиб, айланма йўллар билан яна унинг ҳузурига қайтади.

* * *

Чунки илм-фан аслида ҳаёт дастуриламали ҳисобланади; у ботиний ва зоҳирий тажрибаларни умумийликка, ўзаро боғлиқдикка олиб боради.

* * *

Янги ҳақиқат учун эски хатодан заарарлироқ нарса йўқ.

* * *

Тошлар сукут сақловчи муаллимлардир, улар кузатувчини соқов қилиб қўяди ва энг муҳими, улардан ўргангандар нарса (ингни) тилингта чиқаролмайсан.

* * *

Ниманики яхши билсам, уни ўзимча биламан, холос; айтилган сўз кам рағбатлантиради, у кўпинча зиддият уйғотади, тўхташ ва туриб қолишга мажбур қиласди.

* * *

Фаранглар XVIII асрда вайрон қилган бўлсалар, Виляндга фақат ҳавас қилиш мумкин.

* * *

Шоирона истеъдод қуролбардорда қандай бўлса, дехқонга ҳам шундай ато этилган; фақат гап шундаки, ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади ва уни ўзига муносиб тарзда истифода қиласди.

* * *

«Янги чиққан шоирлар асарларининг суви кўп (бемаза)».

* * *

«Барча ўғрилар орасида энг ёмони аҳмоқлардир; улар ҳам вақтингни ўғирлайди, ҳам кайфиятингни бузади».

* * *

«Ярим соат вақтни кам дегандан кўра, зифирча фойдали иш қилган яхшироқ».

* * *

«Ахлоқ-одобимиз ўзимизни ҳурмат қилишга ундаиди; хулқимиз эса бошқаларни қадрлашга ўргатади».

* * *

«Санъат ва илм-фан жуда кўп қўлланиладиган сўзлардир ва кўпинча уларнинг аниқ фарқига ҳам борилмайди; унисининг ўрнига буниси қўлманиб кетилаверади».

* * *

У ҳеч нарсада ибрат эмас ва барча нарсада ишора қилгувчи ва уйғотгувчидир, холос.

* * *

«Бизнинг жамоат ишларидағи иштирокимиз кўпинча тор фикрлиликдан иборат бўлади».

* * *

«Шу куннинг қадр-қимматидан кўра қадрлироқ нарса йўқ».

* * *

«Асос, далилларингни инобатга олишмаса, сабрлироқ бўл».

* * *

Бизлар табиатшунос сифатида пантеист, шоир сифатида политеист, ахлоқан эса монотеистлармиз.

* * *

«Мен худога ишонаман!» дейиш гўзал мадҳия сифатида жаранглайди; бироқ худо қаерда ва қандай намоён бўлади, уни таниш ва тан олиш ер юзидағи олий баҳтдир.

* * *

«Табиат худони яшириб туради!» Бироқ ҳар ким учун эмас!

* * *

Дин-иймон кўринмас нарсага муҳаббат, имкон-
иложи йўқ нарсага бўлган ишонч-эътиқоддир.

* * *

Чироқ ёнган жойда ёғдори, шам ёнган жойда шам
сўхтаси қолади; ёлғиз осмон ёритқичларигина соғ ва
беками-қўст нур сочади.

* * *

Инсон фақат Табиат ато этган туғма мавжудотгина
эмас, балки орттирилган ҳосила ҳамдир.

* * *

Ўзига хос хусусиятларимизни эмас, балки фазилат-
ларимизни тарбияламоримиз лозим.

* * *

Икки энг зарур фазилатнинг йўқлиги дарров били-
нади: руҳ ва куч-қудрат.

* * *

Тарихий нуқтаи-назардан олиб қарабандада, эзгу
ишларимиз ўртамиёна, камчиликларимиз эса кечи-
римлидир.

* * *

Севгилисининг хатоларини фазилат деб ҳисоблама-
ган одамни севади дема.

* * *

Ўз дўстларингни алдагандан кўра уларга алданган
яхшироқ.

* * *

Кўпинча шунга амин бўлиш мумкинки, агар бир
неча одам ўзаро мамнун кўринса, улар хатога йўл
кўяётган бўлишади.

* * *

Күй терисини ёпинган бўрига қараганда устига қандайдир тери ташлаб олган қўй хийла хатарлироқ, чунки уни қўйдан ҳам кўра кўпроқ бошқа нарса деб ўйлашлари ҳам мумкин.

* * *

Бермоқчиман, деб ўтирма, бер! Умидни ҳеч қачон сўндира олмайсан.

* * *

Одамлар тиланчи қўлнинг қандай гўзал манзара касб этишини кўра олганларида эди, кўпроқ садақа берган бўлишарди.

* * *

Яратиш учун истеъдод керак, саховат учун – давлат.

* * *

Ерга тушиб кетган қаламни олиш керак, бўлмаса оёқости бўлади.

* * *

Тушкунликка тушган одамни кечиришади, қамбағал-қашшоқча иш беришади.

* * *

Бағрикенглик аслида ўткинчи маслак, холос; у эътирофга олиб бориши керак. Чидамоқ эса дилсиёҳлик демакдир.

* * *

Чин либераллик – эътирофдир.

* * *

Мен ўзимга алоқадор бўлган барча одамлар билан муроса қилиб кетавераман, бошқаларга эса ўзимни хафа қилдириб қўймайман, тамом-вассалом.

* * *

Бутун йил бўйи кимнинг фикримга зид бўлган гапларини тинглаб келаман, нега энди мен ҳам доақал бир мартагина бўлса-да, ўз фикримни айта олмас эканман?

* * *

Такрор айтилган ҳақиқат ўз жозибасини йўқотади, такрорланган жато эса буткул кўнгилни айнитади.

* * *

Бемаъни, нотўғри фикр билан ҳар ким муроса қила-веради; чунки уни деярли ҳеч ким сезмайди; ҳақиқат, тўғрилик билан эса йўқ; чунки у истисно қиласди.

* * *

Ўз дўстларининг камчиликларини кўнглига тугиб қўядиган одамлар бор; бунинг фойдаси йўқ. Мен ҳамиша ўз рақибларимнинг хизматларига эътибор бериб келаман ва бундан фойда кўраман, холос.

* * *

Бамаъни ва bemaaъни нарсалар бир хил зиддиятга учрайдилар.

* * *

Ҳақиқатни айтсанг ҳам, ёлғонни айтсанг ҳам баригири; икковигаям бирдек эътироуз билдиришади.

* * *

Рақибларимиз бизнинг фикрларимизни эътиборга олмасдан, ўз фикрларини такрорлайверишади, шу тариқа бизни инкор этмоқчи бўлишади.

* * *

Эътироуз билдириб, тортишадиган одамлар ҳар бир тилни ҳар ким ҳам тушунавермаслигини ўйлаб кўришсалар бўларди.

* * *

Агар бошидан ўтказмаган бўлса, уни тажрибали деб ким ҳам айта олади?

* * *

Оғзаки айтилган нарса ҳозирги замонга, шу лаҳзага бағишлиланган бўлиши керак; ёзилган нарса эса – олисга, келажакка.

* * *

Агар одам қаёққа кетаётганлигини билмаса, узокқа бора олмайди.

* * *

Кичкинагина тужа кўплаб эшакларнинг юкини ортмоқлаб, индамай бораётибди.

* * *

Ўз обрўйинг учун замин яратишга ҳаракат қил; ҳамма жойда ҳам унинг асоси маҳоратдадир.

* * *

Кун адашиш ва хатога, давр эса ютуқ ва омадга мансуб.

* * *

Кимки келажакни олдиндан қўра олса, кун унинг измидадир.

* * *

Мен кундалик ҳаётга қойил қолмайман, чунки у ҳамиша бемаъниликтан иборат. Фақат биз ҳаракат қилиб, ундан бирон нима ундира олсаккина, натижага эришган бўламиз.

* * *

Истак ва уни амалга ошириш овора бўлишга арзимайди ёки бу ҳақда гапиришнинг ўзиёқ ёқимсиз.

* * *

Кўпчилик одамларнинг ҳаёти фийбат, кундалик гапсўз ҳамда фитна-фасоддан иборат бўлади.

* * *

Агар маймунлар зерика бошлаганларида эди, улар аллақачон одамга айланган бўлишарди.

* * *

Ҳаёт аҳмоққа оғир, ақдлига осон, баъзан ақдлига оғир, аҳмоққа енгил туюлади.

* * *

Барча ишчан одамлар дунёни қўл билан, барча мутафаккирлар эса мия билан бошқаришга интилишади. Бунга ким қанчалик эришаяпти, ўзларига хавола.

* * *

Агарки менинг ўзимда сабр-қаноат етишмаса, унда мен билан гаплашишга ким ҳам тоқат қила олар эди?

* * *

Одамлар ўйлашадики, бирорлар ўз вақтларини сарфлаб, улар билан овора бўлишлари керак. Аввал ўзинг билан ўзинг машғул бўлиб кўр-чи, дейдиган одам йўқ.

* * *

Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади. Жазирамада куйган чол эса исиб кетишдан қўрқар экан.

* * *

Машқ қилаверишнинг оқибатини қаранг! Саҳнада калтак еяётган одам миқ этмайди-ю, бу ёқда томошибинларнинг бақирганини кўрсангиз.

* * *

Мабодо бирор ишим ўнгидан келавермаса, ташлаб кўяман ёки уни яхшироқ бажаришга ҳаракат қиласман.

* * *

Лайлакнинг кўнглидан нелар кечайдиганини чумчук қаёқдан билсин?

* * *

Агар донолар адашмаганларида, аҳмоқлар умидсизликка тушган бўлишарди.

* * *

Кўпчилик билганига мағрур, билмаганига эса калондимоғ.

* * *

Тарих коинот янглиғ реал ва идеал қисмлардан иборат.

* * *

Бирваракайига тенглик ва озодлик ваъда қилаётган қонун чиқарувчилар ёхуд инқилобчилар хаёлпаст ёки фирибгардирлар.

* * *

Кўпинча ғайриихтиёрий тарзда ҳаракат қиласиган одамларга ўз асрининг органлари сифатида қараш лозим.

* * *

Инқилобдан олдин барча интилишда эди, кейин эса ҳамма талаб қилишга тушди.

* * *

Буюклик мукофот ёки жазони ўйлаб ўтирмасдан, ҳақ ё ноҳақ ҳаракат қилишдадир.

* * *

Хукмдорлик ва давр суриш тушунчалари бир-бира га тўғри келмайди. Давр суриш ўзига ва бошқаларга завқ-шавқ улашиш демакдир. Хукмдорлик деган-

да эса ўзига ва бошқаларга нисбатан жиддий маънода меҳр-муруватли бўлиш тушунилади.

* * *

Ҳукмдорликни ўрганиш осон, бошқариш эса қийин.

* * *

Кимнинг тушунчаси пок бўлса, амр қиласверсин.

* * *

Мода деганлари лаҳзалик, ўткинчи анъанадир. Барча анъаналар унга (модага) тенглашишга зарурат сезади.

* * *

Ёш ўтиб борган сайин онгли равишда муайян поғонада тура билмоқ керак.

* * *

Ёши улуғ кишига на тафаккурда, на кийиниша мода кетидан қувиш яратмайди.

* * *

Навқиронлиқда кексаларнинг фазилатларини пай-қай билиш, қарилиқда эса ёшликтнинг афзалликлари-ни асраб қолиш – иккови ҳам баҳт-саодатdir.

* * *

Ота-оналар ва фарзандлар навбати билан бу дунёни тарқ этишади; пировардида нима яхши-ю, нима ёмонлигини ҳеч ким билолмайди.

* * *

Агар ўлимимни эсга оладиган бўлсам, қайси ташкилот вайрон бўларкин, деб ўйлай олмайман ва бу мумкин ҳам эмас.

* * *

Хар бир катта айрилиқда васваса аломати бўлади;
уни парваришилаб, кучайтиришдан тийилиш лозим.

* * *

Хар бир айтилган сўз ўзининг қайтарилишини та-
лаб қиласди.

* * *

Поэзия Табиат сирларини англатади ва уларни ман-
зара орқали очишга ҳаракат қиласди;

Фалсафа ақд-идрок сирларини англатади ва улар-
ни сўз орқали очиб беришга интилади (табиий фалса-
фа, экспериментал фалсафа);

Мистика Табиат ва ақд-идрок сирларини англатади
ва уларни сўз ҳамда манзара орқали очиб беришга
ҳаракат қиласди.

* * *

Кайфият ҳушсизлик аломати бўлиб, ҳис-туйғуга
асосланган. У ҳиссиётнинг ўз-ўзи билан келишмовчи-
лигидир.

* * *

Буюк истеъдодлар ҳалқар үртасида муроса ва тинч-
лик-тотувлик ўрнатища энг ажойиб воситачилардир.

* * *

Энг кўрқинчли нарса, ноқобил одамларнинг фан-
тастларга қўшилиб кетишидир.

* * *

Қандай замон бўлди бу, кўмилганларни ҳавас
қилишса-я?

* * *

Оригинал бўлмаган ҳар қандай нарса аҳамиятсиз,
асл нарса эса ҳамиша ўзи билан индивидуум қусур-
ларини олиб юради.

* * *

Дид-таъб ҳақида күп гапиришади; дид-таъб эвфемизмдан иборат бўлиб, ҳис-туйғу жунбушга келганда қулоққа раҳм-шафқат қилишни англатади.

* * *

Томошибинларга нисбатан гўё хотинлардек муносабатда бўлиш лозим; уларга ўзлари тинглашни ёқтирган нарсани дарҳол айтиб қўймаслик керак.

* * *

Маълум бир давр ичидаги муайян бир даврни кўриб чиқа оладиган нуқтаи-назар мавжуд эмас.

* * *

Софлом нарса классик, хаста нарсалар эса романтиkdir.

* * *

Эртаклар бизга ақл бовар қилмайдиган воқеа-ҳодисаларни имконли ёки имконсиз шарт-шароитлар остида гўё бўлиши мумкиндек сўйлаб беради.

* * *

Роман эса бизга бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни имконсиз ёки деярли имконсиз шарт-шароитлар остида гўё ҳақиқийдек тасвиirlаб беради.

* * *

Инсон кўзлари учун рамзий бўлмаган ҳеч нарса театр (саҳна)га хос эмас.

* * *

Таржимада таржима қилиб бўлмайдиган даражагача етиб бориш керак; ана ўшандан кейингина ўзга миллат ва ўзга тилни англаш мумкин бўлади.

* * *

Мен роҳатланиб завқ олиш ва билиш ё билим олиш учун ўқийманми, бунинг катта фарқи бор.

* * *

Шундай китоблар борки, улардан ҳамма нарсани билиб олиш мумкин, бироқ пировардида масала мөхияти тушунарсиз бўлиб қолаверади.

* * *

Агар бирор муаллифнинг асарини лурат орқали тушнадиган бўлсак, у ҳеч нарсага ярамайди.

* * *

Ҳар гал матбаа хатосига кўзим тушса, бирор янгилек ихтиро қилинибдими, деб ўйлайман.

* * *

Кимки баҳслашмоқчи бўлса, баҳсталаб бўлмаган нарсаларни айтиб юборишдан ўзини тийиши лозим.

* * *

Биз Оламни Инсондан айрича тасаввур қилолмаймиз ва мана шу муносабат ўз муҳрини босмаган бошқа ҳеч қандай санъатни хоҳламаймиз ҳам.

* * *

Бирон нарсани табиатдан кўра унинг андозасига қараб ўрганиш шунчалар қийинки, . .

* * *

Кимдир антик дунёни ўрганиб, унинг моҳиятини тўла ўзлаштиромаган бўлса, бунинг учун уни койиш керакми?

* * *

Юксак талаблар адо этилмаган бўлса-да, улар бажарилган аҳамиятсиз талабларга нисбатан қадрлироқдир.

* * *

Реаллик энг юксак фойдалилик (мақсадга муво-
фиқлик)да ҳам гўзаллик касб этади.

* * *

Зарур иш амалга оширилса, мукаммаллик шу,
гўзаллик эса зарур иш амалга оширилгани билан ба-
рибир кўринмай (пинҳон) қолаверади.

* * *

Санъатни тушунмаслик, бадиий дид йўқолиши
санъат асарларининг вайрон бўлишига олиб келади.

* * *

Қалб ҳаммада бор, табиат (характер) айрим одам-
ларда, санъат тушунчаси эса камдан-кам учрайди.

* * *

Барча санъатларда муайян бир даража борки, унга
табиий туғма истеъдод билангина эришиш мумкин.
Айни пайтда агар санъатнинг ўзи ёрдамга келмаса,
ундан ўтиб (ўзиб) кетишнинг имкони йўқ.

* * *

Санъатни сердиққат, майда иш деб тасаввур қил-
маслик лозим.

* * *

«Менинг чизган суратларимни ҳидлашларинг керак
эмас, ранглари заарли». Рембрандт.

* * *

Кўплаб хомаки қораламалардан яхлит (бутун) бир
нарса яратиш кўпинча энг зўр (улув) устоз санъаткор-
ларга ҳам ҳар доим насиб этавермайди.

* * *

Техника билан тутуриқсиз нарса ўзаро алоқага киришдими, санъат учун бундан даҳшатлироқ душман йўқ.

* * *

Фоя деб: ҳамиша намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам бизга барча ҳодисалар қонунияти сифатида кўринадиган нарсага айтилади.

* * *

Ўсимликлар метаморфозаси айни пайтда бизнинг ҳис-туйғуларимизга зид келади.

* * *

Ихтиро қилинган нарсани меҳр-муҳаббат билан тадбиқ этилади, ўрганган нарсани эса – ишонч билан.

* * *

Ихтиро нима ўзи? У изланган нарсанинг якунидир.

* * *

Икки туйғуни енгиш жуда қийин кечади: аллақачон топилган нарсани топиб олиш ва топиш лозим бўлган нарсани тополмаслик.

* * *

Билишдан кўра ўйлаш қизиқарлироқ, хаёлга чўмиш эса ундан-да мароқди.

* * *

Ҳар куни тажрибани ёритиш ва руҳни поклашга сабаб бор.

* * *

Етарли бўлмаслик етарли бўлишликка қарши ўйлаганимиздан ҳам кўра кўпроқ қаршилик кўрсатади.

* * *

Бор зарур нарсаларга қаноат қилмайдиган одамлар ўзларини бехуда ўтга-чўқقا урадилар.

* * *

Улар ўзларига етарлича жиддий, аммо жиддийлик билан нима қилишлари лозим эканлигини билишмайди.

* * *

Улар тушунган нарсалари ҳақида ҳам ҳеч нарса билишни исташмайди.

* * *

Илмий баҳс-мунозараларда муаммоларни кўпайтириб юбормасликка эътибор бермоқ лозим.

* * *

Барча истакларимизга эришиб бўлмайди, билишга арзигулик барча нарсаларни билиб ҳам бўлмайди.

* * *

Кимки ўзини тушуниб туриб, чекланган деб ҳисобласа, у комилликка жуда яқиндир.

* * *

Ҳайвонларни ўз органлари орқали ўргатиш мумкин; Инсон эса ўз органларига ўргатади ва уларни идрок қиласди (бошқаради).

* * *

Кексалар кўлни ақлага қиёс этишади. Ақл – санъатлар санъати бўлса, кўл – барча ҳунарлар техникасидир.

* * *

Тадқиқ этиб бўладиган нарсани тадқиқ қилиб, тадқиқ этиб бўлмайдиган нарсани тинч қўйиш – мутафаккир одамнинг энг гўзал баҳтидир.

* * *

Биз ҳосила ҳодисалар ичра яшаймиз ва ибтидоий масалага қай тариқа ёндошишимиз лозимлигини ҳеч ҳам билолмаймиз.

* * *

Барча нарсалар ўйлаганимиздан кўра соддароқ, тушиунишга келганда эса мураккаброқдир.

* * *

Эмпиризм жонига теккан одамгина метод (услуб)-га мурожаат қилишга мажбур бўлади.

* * *

Бир гапни кўнгилга олмаслик лозим. Ҳеч ким рози бўлмаган, ҳеч ким эшитишни хоҳламаган нарсани шунчалик кўпроқ такрорламоқ керак.

* * *

Ҳақиқатга эришиш учун хатони ҳимоя қилишдан кўра янада юксакроқ орган керак бўлади.

* * *

Фикрловчи киши агар сабаб ва таъсиротни суриштираверадиган бўлса, кўп адашади; улар иккови бир бутун феноменни ташкил этади. Кимки буни англай олса, у хулқ ва фаолият сари тўғри йўлдадир.

* * *

Кушлар (паррандалар) Табиатнинг энг кечки маҳсулотлариdir.

* * *

Дарсликлар қизиқтирадиган ва ёқимли бўлиши лозим; бунинг учун улар билим ва илмнинг энг қувноқ, энг тушунарли тарафларини ёритиб бера олишлари керак.

* * *

Барча мутахассислар ўзлари учун нокерак нарсаларни рад этиш ман қилингани билан сира келиша олмайдилар.

* * *

Саводсиз (билимсиз) одамлар илмли кишилар бундан минг йиллар муқаддам жавоб берип кетган савол (масала)ларни қўзғайверадилар.

* * *

Юзта қўнғир (от) битта бўз (от) бўлолмас.

* * *

Мен рангларни ҳатто ҳис қилиш мумкин, дейишса умуман қарши эмасман; бу билан уларнинг ўзига хос хусусиятлари яна ҳам кўпроқ ҳаракатга келган бўларди, холос.

* * *

Уларнинг таъми ҳам бор. Ҳаворанг ишқорли, сарик-қизил ранг нордон таъмга эга. Мавжудликнинг барча намойиши моҳиятан бир-бирига қардош (яқин)дир.

* * *

Ранг юз-бетимизда ҳам акс этмайдими, ахир?

* * *

Одамлар бирон нарсани улардан яхшироқ билишимга таажжубда, мен ўйлаётган нарсани улар ҳам нотўғри деб ҳисоблаётган бўлишса, не ажаб.

* * *

Агар бизга эътиroz билдирувчиларнинг овозлари босиб кетса ҳам, бундан асло қўрқмаслик керак.

* * *

Мабодо улар ахтараётган нарсаларининг қаердалигини билишганда эди, уни изламаган бўлардилар.

* * *

Дунёвий ишларда фақатгина воситалар ва уларни кўллаш муҳимдир.

* * *

Воситалар хусусида бош қотириб ўтирмасдан мақсад сари тез олға қадам ташлаш керак.

* * *

Лаҳзанинг қадрига етмаслигимизга сабаб – фикрсизликдир.

* * *

Комил санъаткорлар табиатдан кўра дарс (сабоқ)-га бурчлидирлар.

* * *

Санъатнинг энг олий мақсади – Инсон шакл-шамоилини имкон даражасидан ҳам кўра шу қадар ҳиссий гўзал ва ажойиб қилиб кўрсатишдир.

* * *

Барча кристалланишлар амалга ошган калейдоскопдир.

* * *

Инсон ўз тенги билан яшай ҳам олади, яшай ҳам олмайди; чунки у ўзи билан тенглаша оладиган кимса борлигига тоқат қилолмайди.

* * *

Энг ўртамиёна роман ҳам ўртамиёна ўқувчидан яхшироқдир, ҳа, энг ёмон роман ҳам бутун бир жанрнинг ажойиблигидан бирон-бир тасаввур бера олади.

* * *

Актёрлар ўзга қалбларни забт этишади-ю, ўзлариникини раво кўришмайди; улар жозиба билан алдайдилар.

* * *

Табиатта қай тарафдан қарамайлик, унда чексизлик намоён бўлаверади.

* * *

Агар бирон нарсанинг қаердалигини билиш керак бўлса, уни албатта топиш лозим.

* * *

Сабрсизлик ўн баравар жазо бўлиб қайтади; мақсад яқинлашиш ўрнига баттар узоқлашаверади.

* * *

Метод (услуб)сиз мазмун иштиёқча, мазмунсиз метод қуруқ билимдоноликка олиб боради; шаклсиз модда сермашаққат илмга, моддасиз шакл эса янгиш тахминга олиб боради.

* * *

Ёшлилар – Табиат гулғунчаларидир.

* * *

Агар ёшлилк хато бўладиган бўлса, ундан жуда тез кутулиш мумкин.

* * *

Ёшлиқдан кўп нарса кутган одам хато қилмайди. Ўшанда у қалбан ниманики ҳис этган бўлса, уларнинг ижросини ҳам ташқаридан эмас, балки ўз қалбидан излаши лозим.

* * *

Ажойиб инсон, у билан ҳатто тентаклар ҳам фахрланади.

* * *

Ташқи дунёга нисбатан билдирилган барча нотўғри нуқтаи назар, фикрлар вақт ўтиши билан эскириб, кераксиз матоҳга айланади.

* * *

Табиат таъриф-тавсиф илмида гўё боши берк кўчага кириб қолган; на олга силжийди, на ортга қайтади; миллий таълимнинг узоқ давом этиш сабаби ҳам шундан.

* * *

Улар инсондан ҳамиша фойдали ишлар талаб қилишади, шу билан бирга, кичкинагина хатони топиб олиб, баралла жар солишади. Бундайларни кўрарга кўзим йўқ.

* * *

Эндиликда шундай асарлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, умуман олганда ёмон эмас, лекин баҳоси нол, чунки уларда ҳеч қандай мазмун йўқ, энг яхши асар (лар) намуналарининг умумий шакл-шамойилини гавдалантиради, холос.

* * *

Ахмоқ ўзини мақтайди, деган гап бор. Бўлиши мумкин. Лекин гоҳо ноўрин таъна-маломатлар ҳам учраб турадики, уларни томошабин тугул, ақалли ҳеч бир кимса сезмай қолади.

* * *

Шундай оғир хулқ-характерлар ҳам борки, улар мавжуд муҳит, вазият билан асло чиқиша олмайдилар. Натижада мудҳиш низо, жанжаллар келиб чиқади, ҳаёт эса роҳат эмас, азобга айланади.

* * *

Чин, ҳақиқий эзгуликни биз асосан *clam, vi et precario* (бидирмасдан, мажбуран ёки илтимосга биноан) амалга оширамиз.

* * *

Лаҳза хусусида бир нима дейиш қийин; агар у аҳамиятсиз бўлса, энсамиз қотади, яхшилик бўлса бoshimizga кўтарамиз, акси бўлса, ерга урамиз.

* * *

Худонинг бермиш қуни дилсиёҳлик олиб келадиган шароитдан воз қечган маъкул.

* * *

Эҳтиётсизлик туфайли ножўя иш қилиб қўйган пайтларимизда чора қидириб, имкон излашдан ўзга илож қолмайди.

* * *

Тугал бўлмаган ҳақиқат оз муддат амал қиласди, холос. Буткул маърифат ўрнини бирданига кўзни қамаштирадиган сохта таълимот эгаллайди; дунё бундан довдирайди, асрлар эса хижолат.

* * *

Ҳақиқат Инсонга, хато эса Замонга мансуб. Шу боисдан ҳам фавқулодда бир зот ҳақида шундай дејишиганд экан: «*Le malheur des temps a cause son erreur, mais la force de son ame l'en a fait sortir avec gloire*»¹⁰

* * *

Агар бамаъни, зийрак кишилар кексайган чоғларида илм-фанга бепарво қараб, аҳамият бермай қўйсалар, бу уларнинг ўзларига ва илм-фанга нисбатан ўта талабчан бўлганликларидан далолат беради.

* * *

Одамлар ўз имон-эътиқодларини вақти-вақти билан эсга олиб, нималарни маъқуллайдилар-у, нималарни қоралайдилар, бот-бот такрорлаб туришлари

¹⁰ «*Le malheur des temps a cause son erreur, mais la force de son ame l'en a fait sortir avec gloire.*» (фр.) – «Унинг йўл қўйган хатолари ўз замонаси билан боғлиқ, улурулги, куч-ғайрати, баҳт ва омадсизликлар борасидаги сабот-матонати ҳамда амалга оширган саховат, эзгу ишлари унинг ёлғиз ўзигагина тегишлидир» (Улув Фридриҳ ҳақида).

лозим; бу борадаги зиддиятлар ҳам худди шуни тақозо этади.

* * *

Фаранг (француз)лар «tournure» деб атайдиган, юмшоқ қилиб айтганда, беҳаёжозиба олмонларнинг кўлидан келмаса керак; негаки, қўполлик деганда жиддий ва талабчан, назокатда эса майин ва муло-йим эканликларини тан олиш лозим, бу эса бир-бири билан боғланмайдиган, бири бошқасини истисно қила-диган тушунчалардир.

* * *

Гоҳо шундай бўладики, бирон-бир тасвирий санъат асарига илк бор қараганимда у менга ёқмайди, чунки уни тушунмаётган бўламан; бироқ унинг меҳнат маҳсули эканлигини англаб, унга яқинлашишга ҳара-кат қиласман, шунда мени зўр қувонч чулғаб олади; асарнинг янгидан-янги қирраларини кашф қиласканман, ўзимда ҳам аста туғилиб келаётган янги қобилиятларни пайқай бошлайман.

* * *

Қачонки муҳим бир нарса ўрганишимиз лозим бўлса, табиий ожизлигимиздан паноҳ топамиз ва шутарзда бирон нима ўрганиб оламиз.

* * *

Ишонч – ғалати нарса. Одам адашиши ҳам, алда-ниши ҳам мумкин. Бу гапга озчилик эмас, балки кўпчилик ишонади. Хуллас, ҳақиқатнинг тагига етиш анча душвор кўринади.

* * *

Тубанликни ҳеч кимга раво кўриб бўлмайди; кимда-ким тасодифан бундай ҳаёт таъсирига тушиб қолгудек бўлса, у инсон характери, қатъият ва жасорати учун синов тоши ҳисобланади.

* * *

Кимдаки меҳр-муҳаббат туйғуси бўлмаса, у хушомадгўйликни ўрганиб олгани маъқул.

* * *

Танқиддан ҳимояланиб бўлмайди, унга қаршилик кўрсатиш ҳам бефойда; танама-тақдир ҳаракат қила-вериш керак, шунда ҳаммаси ўз-ўзидан аста-секин изга тушиб кетади.

* * *

Барчамиз шу қадар калтабинмизки, ҳамиша ўзи-мизни ҳақ деб ҳисоблаймиз; шу тариқа доно киши-лар ҳам нафақат адашишади, балки атайлаб хатога йўл қўяди, деган нотўғри фикр пайдо бўлади.

* * *

Одам аглаҳашса, ундаги хайриҳоҳлик ўрнини бад-хоҳлик эгаллайди.

* * *

Алоҳидалик абадул-абад умумийликка тобе, уму-мийлик эса алоҳидалик билан тоабад бирлашишга маҳкум.

* * *

Фанегорамия (уруг орқали қўпайиш) замирида криптогамия (споря (гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бирхужайрали жониворларнинг урчиш органи) орқа-ли урчиш) сир-синоатлари ҳали шу қадар кўпки, улар-ни тушунтириб бериш учун яна неча асрлар керак бўлади.

* * *

Ундош товушнинг бошқа бир ундош билан чалка-шиб кетишига органинг лаёқатсизлиги сабаб бўлса, унли товушларнинг дифтонгга айланиши хаёлий па-фос туфайли содир бўлади.

* * *

I convertiti stanno freschi appresso di me.¹¹

* * *

Либерал ёзувчилар ҳозир яхши бир ўйин бошлашган, бутун жамоатчилик эса уларнинг ўринбосарларига айланган.¹²

* * *

Либерал ғоя ҳақидаги гаплар қулоғимга түшса, одамлар жарангдор қуруқ сўзлар билан қанчалик беҳуда андармон бўлишаётганини кўриб туриб, ҳайрон қоламан: ғоянинг либерал бўлиши мумкин эмас! Ўз олдига қўйилган ажойиб вазифани адо этиш учун у кучли, жиддий, ўз-ўзидан тугал, самарали бўлсин, майли. Яна бир нарса, либерал тушунча ҳам бўлмайди, чунки унинг зиммасига бутунлай бошқа вазифа юкланди.

* * *

Сабабли боғланиш қонуниятларини ўрганаётганимизда кўпинча бир-бирига ўхшаш ҳодисаларни қидириб топамиз-да, уларнинг барчасини умумий сабабиятга нисбат берган ҳолда қайд этиш билангина кифояланамиз, тамом, вассалом.

* * *

Образли иборалардан холи бир шеърият бор, у ҳам бўлса, шу иборанинг ягона ўзгинасидир.

¹¹ I convertiti stanno freschi appresso di me (ит.) – Die Konvertiten sind bei mir kaltgestellt – Бошқа динга мурожаат қилганлар билан алоқа қилишдан воз кечаман.

¹² Яъни: либерал ғоялар шу қадар кенг тарқалган эдики, уларнинг жарчилари жўн, энг оддий ибораларни қўллайдилар, содда ҳалқ ҳам bemalol тушунаверади.

* * *

«Etiam nihil didicisti».¹³ Кекса оқкүнгил имтиҳон олувчи домла ўз ўқувчиси қулогига шундай деб шивирлаб, унга «яхши» баҳо қўйиб берган экан.

* * *

Устунлик – тушуниб бўлмайдиган ғалати ҳолат, нима қилишни, қандай йўл тутишни ҳар кимнинг ўзи билади.

* * *

«Mannraeuschelein».¹⁴ XVII асрда ёр, маъшуқа, маҳбуба ифодали тарзда шундай деб аталган.

* * *

«Liebes gewaschenes Seelchen» Ҳиддензееда¹⁵ энг севимли ибора саналади.

* * *

Ҳақиқат шундай бир улкан, мислсиз машъалаки, ёнидан ўтаётганимизда беихтиёр кўзларимиз қамашади, ҳатто бирон жойимизни куйдирмасмикин, деган ҳадик пайдо бўлади.

* * *

«Ақдли одамлар кўп жиҳатдан бир-бирларига яқин бўлади». Эшюлус.

* * *

Иш бор жойда камчилик бўлади, йўқ ерда йўқ.

¹³ «Etiam nihil didicisti» – «Du hast auch nichts gelernt» – «Сен ҳам хеч нарса ўрганмабсан.» Ўша ўқувчи Гётенинг дўсти Грюнер эди. Грюнер Гёте билан бўлган сұжбатларининг бирида кекса имтиҳон олувчи домланинг шу сўзларини келтиради.

¹⁴ Полякча «Marysia», «Marusche» каби қызларнинг эркалаб айтилган исмларидан олинган.

¹⁵ Ҳиддензее – Рюген яқинида жойлашган орол.

* * *

Нима, баҳтли, омадли одамлар баҳтсиз, омадсиз кишиларнинг, бир замонлар авом Рим ҳалкида одат бўлганидек, улар кўз ўнгида гладиаторларга ўхшаб одоб билан ҳалок бўлишларини истайдими?

* * *

Тимондан болаларига қандай таълим бериш зарурлиги ҳақида сўрашибди. Уларга, дебди у, ўзлари ҳеч қачон тушуна олмайдиган нарсаларни ўргатинглар.¹⁶

* * *

Шундай инсонлар борки, уларга ҳамиша яхшилик ва янада кўпроқ яхшилик тилагим келади.

* * *

Акаси хумчани синдирибди, укаси эса кўзани. Накадар бемаънилик!¹⁷

* * *

Ритм (вазн, мақом)да қандайдир сеҳр-жозиба борки, буюклик бизга мансуб эканига ишона бошлаймиз.

* * *

Ҳеч ким санъатни устозчалик рағбатлантира олмайди. Санъаткорни эса ҳомийлар, маърифатпарварлар рағбатлантиради, бу яхши, лекин бу билан ҳар доим ҳам санъат рағбатлантириляпти, деб бўлмайди.

* * *

«Равшанлик – нур ва сояning муносиб равища бўлинishiшидир». Ҳаманн.

¹⁶ Тимон (Афиналик Тимон, Перикл ва Суқротнинг замондоши): Осмон билан Ерни ўргатинг, демоқчи.

¹⁷ Гёте бу ерда ака-ука герцоглар Ҳайнриҳ ва Фридриҳ фон Лигниц тўғрисидаги эски мақолни ўзгартириб келтирган.

* * *

«Жаноб фон Швайниҳен» ажойиб тарихий-майший асар, унда миллий турмуш шароитларининг муайян жиҳатлари ёрқин акс эттирилган. Китобдан кўп нарса олиш мумкин, уни албатта ўқиб чиқиши керак.¹⁸

* * *

Агар ёшлар, бошқалар томонидан аллақачон тан олинган ҳақиқатни эътироф этадиган бўлсак, ўзлигимиз қаёқда қолади, деб ўйлашса, энг бемаъни хатога йўл қўйган бўлур эдилар.

* * *

Назарий маънодаги абсолют ҳақида гапирмоқчи эмасман, фақат шуни айтмоқчиманки, ким агар уни ҳодиса сифатида тан олиб, ҳар доим назарда тутган бўлса, бундан жуда катта фойда кўриши аниқ.

* * *

Бўлиб ўтган воқеа, ҳодисалар ҳақида нақадар оз ёзилган, ёзилган нарсалардан эса қанчалар кам сақлаб қолинган! Адабиёт яратилганидан буён фрагментдир, унда Инсон тафаккурининг асл обидалари муҗассам, улар бизга асарлар сифатида ёзиб қолдирилган ва етиб келган.

* * *

Болалар одатда тез фикрлашга мойил бўлишади, бу улар нотўғри фикрлайди, дегани эмас, албатта; зоро, тез, лекин бирёқлама тушуниш кўникмаси унутилиб, унинг ўрнини умумий тушунчалар эгаллагунга қадар муайян вақт талаб қилинади. Бунга эътибор қаратиш тарбиячининг муҳим бурчидир.

¹⁸ Ҳанс фон Швайниҳен (1552–1616), силезиялик қуролбардор.

* * *

Рұхий рефлексия (үй- фикр, мулоқаза, таҳдил)лар чөғида ботин (ич) билан зоҳир (таш) ҳамиша ёнма-ён ёки кўпроқ бир-бирига уйғун ҳолда идрок қилиниши лозим. Бу жараён катта қийинчилек туғдириши табиий, у доимо систола ва диастола¹⁹, тирик вужуднинг нафас олиши ва нафас чиқаришидан иборат; буни гапириб ўтириш жоиз бўлмаса ҳам, эсда тутган маъқул.

* * *

Bonus vir semper tiro²⁰.

六

Ким агар азалдан шайтону малъунлар қутқусига учиб, (бу) дунёга ёмон кўз билан қараб келган бўлса, у ҳақиқатан ҳам ярамас, расво одам экан.

* * *

Бир инглиз мунаққиди камина ҳақида ёзиб, умумий ва қисқача обзор борасидаги маҳоратим (panoramic ability)ни қайд этибди, бунинг учун унга энг салмий миннатдорчилигимни изхор этаман.

* * *

Тобе бўлиш умуман ҳеч қандай санъат эмас; аммо авлод-аждоднинг пасайиб борувчи чизиги бўйича, ўзидан ким катта-ю, ким кичикилигини билиш учун бўлса, бошқа гап.

* * *

«Театрда күриш (күз) ва эшитиш (қулоқ) устидан кулиш рефлексияни нысятта чеклаб күяди».

¹⁹ Систола (гр.) – юрак мускуларининг қисқариши. Диастола (гр.) – юрак мускуларининг бўшасиши.

²⁰ Bonus vir semper tiro (лат.) – Ein guter Mann bleibt immer Rekrut (Anfaenger) – Яхши одам җамиша бошловчидир.

* * *

Одамларнинг қачонлардир бажарган ишларини ҳалиям уddyалай оламан, деб ўйлашлари табий; ўзлари ҳеч қачон уddасидан чиқолмайдиган ишларни ҳам бажарвoramиз, деб чиранишлар ғалати туюлса-да, ҳамон учраб туради.

* * *

Барча замонларда илм-фан ривожи учун индивидлар хизмат қилган, давр эмас. Суқротни зақар билан маҳв этган ҳам, Ҳуссенни ўтда ёндирган ҳам давр эди; даврлар ҳамиша бир-бирларига ўхшаш (бўлган).

* * *

Алоҳидалик умумийликни рўё ёхуд кўланка сифатида эмас, балки тадқиқ этиб бўлмайдиган нарсанинг оний намойиши орқали ифодалаши, бу – чин рамзий маънодаги ифодадир.

* * *

Агар жўяли маслаҳат эсингни йифиб олишингга ёрдам бера олган бўлса, айни муддао.

* * *

«Ким агар ерда ётган тошни бир ўзи оолмаса, уни икки кишилашиб бўлса ҳам тинч қўйиш керак».

* * *

Деспотизм автократия (яккаҳокимиятчилик)ни қўллаб-қувватлаб, юқоридан қуйигача бўлган бутун жавобгарликни индивид (шахс) зиммасига юклайди ва шу тариқа фаолиятнинг энг юксак даражасига эришади.

* * *

Поэзияда спинозизм руҳида нимаики яратилган бўлса, барчаси рефлексияда макиавеллизм (риёкорлик) тарзида намоён бўлади.

* * *

«Nihil rerum mortalium tam instabile ac fluxum est quam potentia non sua vi nixa»²¹.

* * *

Табиатан киришимли ва хушмуомалалигим туфайли серкірра иш фаолиятимда ўзимга шериклар топдим ва улар билан биргаликда ўзаро ҳамкорлик қилиб, баҳамжихат ишлаш ва яшаш бахтига эрищдим.

* * *

Завқ-шавққа тұла рефлексия ҳам борки, агар унга берилиб кетилмаса, муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Ҳақиқий тайёрлов мактаби фақат мактабнинг ўзидадир.

* * *

Библия (Таврот) абадий таъсирли муқаддас диний китобдир. Дунё мавжуд экан, ҳеч ким: мен бу китобни умуман англайман ва айрим ҳолда тушунаман, демайди. Биз эса оддийгина қилиб: китоб умуман олганда әхтиромға, айрим ҳолда эса құллашға муносиб, деймиз.

* * *

Бутун мистика гүёки ортингда қолаёттан қандайдир предмет (нарса)га трансцендентлик (билиб бўлмайдиган) деб қараш ва ундан ажралиш, кўнгил ўзиш демакдир. Рад этилган нарса қанчалик катта ва муҳим аҳамиятта эга бўлса, мистик асарлар ҳам шунчалик бой бўлади.

²¹ «Nihil rerum mortalium tam instabile ac fluxum est quam potentia non sua vi nixa.» (лот.) – «Ҳаёт-мамот ишларида ҳеч нарса ўз кучига таянмаган ҳокимият (давлат)чалик омонат ва ўткинчи эмас.»

* * *

Шарқ мистик шеъриятининг ўзига хос ижобий хусусияти шундаки, унда мурид воз кечган дунё бойлиги хоҳдаган пайтда унинг қўл остида бўлади, у мудом ўзи тарк этган, ўзи қутулмоқ истаган мўл-кўл баракот ичра роҳат-фароғатда яшайди, дея талқин этилади²².

* * *

Насроний мистиклар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, негаки диннинг ўзи шахс заволи сари олиб борадиган чалкаш, чигал мистериядир.

* * *

Нотўғри тушунча, хато фикрлар инсоннинг характерида бўлади, шу боис улар ҳолат билан мустаҳкам борланган; на бир далил, на ақл ва на фаросат заррача таъсир кўрсатолмайди.

* * *

Характер кўпинча камчиликни қонун деб билади. Дунё кўрган кишилар шундай дейди: «Ақл енгилмас, унинг ортида эса кўркув яширин». Кучсиз одамлар кўпинча инқилобий кайфиятда бўлишади; ўзларига қолса, уларга ҳеч ким индамаса, ўз-ўзларини ё бошқа бирорларни бошқариш қўлларидан келадими-йўқми, буниям билишмайди.

* * *

Янги немис санъаткорлари ҳам худди шундай аҳволда: ўзларида йўқ санъат турини заарли деб ҳисоблаб, йўққа чиқармоқчи бўлишади.

* * *

Ҳамма одамлар, озодликка чиқди дегунча, хатога йўл қўядилар; кучлилар ошириб юборишади, кучсизлар эса нописандлик қилишади.

²² Гёте форс шоири Ҳофиз ижодини назарда тутмоқда.

* * *

Ажойиб, гўзал нарсалар олдида бир зум шошиб қоламиз, чунки янгиликка дуч келган бўламиз; уни маданият сифатида қалбан ва руҳан ўзлаштиргани миздан кейингина, бизга азиз ва қадрдон бўлиб қолади.

* * *

Яшириб нима қиласиз, ҳаммамизга ҳам нари-бериши йўқ, ўртамиёналик маъқул, чунки шуниси тинчроқ; гўё ўз тенгимиз билан муомала қилаётгандек, ёқимли туйғудан енгил тортамиз.

* * *

Дунёда бир вақтнинг ўзида қанчадан-қанча амалий ҳамда ажойиб нарсалар мавжуд, лекин афсуски, улар бир-бирлари билан туташ келмайди.

* * *

Агар сюжет ўта жўн бўлса, уч бутунлик (драматургияда) хусусида ҳеч нима деб бўлмайди; борди-ю, уч бутунлик тасодифан уч бора муваффақиятли боғланса, ёқимли таассурот қолдириши турган гап.

* * *

Эркаклар хотинлари билан уришса, ўзларини бамисоли йигириб бўлинган чархдек ҳис этишаркан.

* * *

Бешафқат ҳаёт ташвишлари баъзан одамни шуначаям эзив юборадики, кўз олдингда беихтиёр шундай бир манзара намоён бўлади: бўлиқ буғдой бошоқлари янчилиб, сомонга айланади, дон-дун эса бундан бехабар, шудгорга ёки тегирмонга бориб тушадими, парвойи палак, хирмон узра у ёқдан бу ёққа шодон сакрайди.

* * *

«Arden von Feversham» Шекспирнинг ёшлиқда яратган асари. Бутун талқин ва тасвир соф-ишионарли, жиддий. Драматизм кучли, бироқ таассурот зўрлиги-га қарамасдан, саҳнабоп эмас.

* * *

Шекспирнинг энг зўр писаларида ҳам баъзан равонлик етишмайди; улар керагидан бир оз ортиқроқ, худди шунинг учун ҳам улуғ санъаткор қаламига мансуб эканлиги сезилиб туради.

* * *

Бажарилиш эҳтимоллиги ҳали шубха уйғотади; шу боисдан ҳам воқеликка қадам қўйган умид ҳамиша ҳайратланарлидир.

* * *

Қолган барча санъатларга бирон важ кўрсатиш мумкин, аммо грек санъати олдида бир умр қарздормиз.

* * *

«*Vis superba formae*²³. Йоҳаннес Секундус (лирик шоир)нинг гўзал каломи.

* * *

Сентименталлик (ортиқ даражада ҳиссиётга берилиш, таъсирчанлик) инглизларда қулгили ва нафис, фаранг (француз)ларда ҳазин ва ҳаммабоп, олмонларда эса содда ва амалий.

* * *

Ақд билан чиройнинг қулига айланмай десангиз, уларни четлаштириш лозим.

²³ «*Vis superba formae*» (лат.) – «*Stolze Macht der Form*» – «Шаклнинг мағрур кучи..»

* * *

Чол энг катта инсон ҳуқуқларининг биридан маҳрум: тенг-тўшлари энди унга ортиқ баҳо бермай қўядилар.

* * *

Библия (Таврот)ни тарқатиш (ёйиш)нинг фойда-зиёни ҳақида кўплаб тортишувлар бўляяпти ва ҳали-бери тугамайдиган кўринади. Бу хусусда камина фикри шундай: агар докторатик ва фантастик мақсадларда бўлса заарли, дидактик ҳамда самимий бўлса, фойдали деб ҳисоблайман.

* * *

Қадимий, ибтидоий ёхуд замонлар ичра юзага келган азалий қудратли кучлар фойда-зиён келтиришидан қатъи назар, тинимсиз ҳаракатда давом этаверади.

* * *

Санъат ифодалаб бўлмайдиган нарсанинг восита-чисидир; шу боис уни Сўз (нутқ) орқали етказиш истаги ақдисизлик бўлиб туюлади. Бироқ шу билан бирга, ақдимиз учун ҳам, қобилиятимиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

* * *

Ишқ-муҳаббат ёшларга ярашади, кексаларга эмас, чунки ҳар иш ўз вақтида фарз. Истисно эса камдан-кам учрайдиган ҳол.

* * *

Барча шоирлар ва чала шоирлар муҳаббат ҳақида шунчалик кўп ёзишганки, агар у куч-қувват, гуллаб-яшнаш, камолот рамзи сифатида табиий равища доимо янгиланиб, такрорланиб турмаганида эди, аллақачон сийқаси чиқиб кетган бўларди.

* * *

Үз күлидаги ҳокимиятдан қатъи назар, инсон турли хил вазиятлар гирдобига тушиб қолиши мумкин. Ана шундай шарт-шароитларни тұғри баҳолаш ўрнинг ишқ-нафс савдоларига үралашыб қолгудек бўлса, баҳт-омад ундан юз ўтириши аниқ.

* * *

Бошқача бўлиши мумкинми, ахир? Навқирон дўстимиз биз ўзимизни ҳамиша даҳлдор деб билган, баҳтиёр дамларимизга мансуб бўлган иш-фаолиятимиз, сўз ҳамда ижодимиздан улги олади-ку.

* * *

Ўзимизга ўзимиз қойил қолган пайтларимиз ниҳоятда кам; шунинг эвазига бошқа бирорларга тан беришимиз бизга тасалли беради.

* * *

Келиб чиқиши сабаблари ҳам худди бўлинниш сабаблари сингари жорий бўлиши лозим, акс ҳолда ҳеч қандай маъно касб этмайди.

* * *

Ҳар қандай чинакам кашфиёт юксалиб бораётган улкан занжирнинг ўрта ҳалқаси бўлиб, оқибат натижаси ўлароқ хуросага олиб келади.

* * *

Қийшайган нарсани тўғрилаб, бузилганни тиклайлик. Ўй- фикрларимиз ҳам, ният-мақсадларимиз ҳам барчаси пок ва гўзал бўлсин, токи дунёни ҳалокатдан асрраб қолайлик.

* * *

Ҳақиқат ҳамма ерда ҳамиша намоён бўлиши зарур; шояд қўнғироқлар овози мисол ҳавода вазмин-самимий мавж уриб, маънавий қанот қоқса ва яқдиллик-тотувликка сабаб бўлса, шунинг ўзи кифоя.

* * *

Қандай қилиб бу ёш йигит бошқа бирорларнинг ўзларига маъқул иш билан машғул бўлишларига ўзича танбеҳ беришга журъат этдийкин? Ундан кўра, ўзини ҳам, характеристини ҳам ўшаларга мослаб олса, маъқул бўлмасмиди?

* * *

Хурофот-бидъат инсон зотига мансуб. Агар ундан бутунлай қутулмоқчи бўлсангиз, вужудингизнинг пана-пучмоқларига яхшилаб жойлашиб олади-да, сўнг бирданига, тўсатдан пайдо бўлиб қолаверади.

* * *

Агар биз нарсаларни ўта аниқ билишни истамаганимизда эди, уларни янада яхшироқ ўрганиб олган бўлардик. Бунинг учун маълум бир предмет бизга қирқ беш даражали бурчак остидагина тушунарли бўлишигини айтиш кифоя.

* * *

Олифтагарчилик – муваффақиятсиз, субъективлашган мукаммаллик, шу сабабли ҳам устаси фарангликдан воз кечиши қийин бўлади.

* * *

Нотиқлик санъати поэзиянинг барча фазилатлари ва ҳуқуқлари измидадир; уларсиз иши битмайди ва бюргерлар ҳаётида муайян ахлоқий ёки ахлоқсиз, юзаки, лаҳзалик устунликларга эришиш учун уларни суиистеъмол қилишдан ҳам тоймайди.

* * *

Лорд Байрон табиатан ҳақиқатгўй ва буюк, аммо саркаш ва нохуш истеъдод соҳиби, шунинг учун ҳам уни бошқа ҳеч ким билан қиёслаб бўлмайди.

* * *

Үсиб келаётган иқтидорли ёшлар учун Шекспирни мутолаа қилиш хатарли; у ўзини тақрорлашга мажбур этади, улар эса, ўз санъатимизни намойиш қиляпмиз, деб ўйладилар.

* * *

Дунёвий ишларга жүн, түгри қарааш умуминсоний ақл-тафаккурнинг мерос фазилати саналади. Бироқ ботиний ва зоҳирий пок қарааш ниҳоятда ноёб.

* * *

«Le sens commun est le Genie de l'humanite»²⁴.

* * *

Ақл-фаросат ёки тасодиф түгри йўлга сола билмайдиган бемаънилик йўқ; тентаклик ёхуд тасодиф йўлдан ура олмайдиган ақл-фаросат ҳам йўқ.

* * *

Бирор фикрни исбот-далил келтирмасдан, түгри айтиб қўяқолган маъқул, чунки биз келтирмоқчи бўлган далил-исботлар ўй- фикрларимизнинг вариация (вариант)лари, холос. Бизга қарама-қарши фикр билдирувчилар эса на унисига, на бунисига қулоқ солишиади.

* * *

Фаросат бўлаётган, бўладиган воқеаларга, ақл эса бўлган, бўлиб ўтган ҳодисаларга даҳлдор; Униси: нимага? Нима учун? деб, буниси эса: қаердан? дея сўраб ўтирамайди. Фаҳм-фаросат ривожланишдан завқ олса, ақл-идрок ҳамма нарсадан фойдалансам, дейди.

²⁴ «Le sens commun est le Genie de l'humanite.» (фр.) – «Соглом ақл-тафаккур – инсоният даҳосидир.»

* * *

Инсоннинг түфма бир хусусияти шуки, у ўз табиати билан узвий болганган; яъни, билиш эҳтимоллиги; биз ўзимиз сезиб, пайқаётган ҳар бир ҳодиса аслида аниқ, мумкин ва муқаррар нарса, агар биз унинг моҳиятини чуқур англаб етадиган бўлсак, у бизни ўз сир-синоатларидан воқиф этади.

* * *

Умумийлик нима? Алоҳида ҳолат. Алоҳидалик нима? Миллион ҳолат.

* * *

Аналогия (ўхшашлик) икки хатодан сақданиши лозим; биринчиси, ҳазил-ҳузулга берилишдан, иккинчиси, образли иборалар ва муқоясаларга кўмилиб кетишдан, буниси уччалик зарапли эмас.

* * *

Вайсақи, тажанг кузатувчилар ва инжиқ, мижғов назариячилар ниҳоятда bemaza, ярамас одамлардир; уларнинг тажрибалари арзимас ва чалкаш, илмий фараз-тахминлари эса ғалати ва тутуриқсиз.

* * *

Ҳамма нарсани ўз қўзинг билан кўришинг ва бошдан кечиришинг шарт эмас; башарти бирор кимсага ва унинг айтгандарига ишонмоқчи бўлсанг, учовлашиб: предмет (мавзу) ва икки субъект (шахс) бирга иш битирдик, деб ҳисоблайвер.

* * *

Табиатшуносликда ҳам, ахлоқ-одобда бўлганидек, қатъий императив талаб этилади; бунда интиҳони эмас, ибтидони ўйлаш зарур.

* * *

Гипотеза (илмий фараз-тахмин) болани овутиш учун айтиладиган аллага ўхшайди; онгли кузатувчи ўзининг

чекланганлигини тобора яққолроқ ҳис эта бошлайди; илм ортиб борган сайин муаммолар ҳам янада күпай-иб боради.

* * *

Шундай илмий фаразлар ҳам учрайдики, улар гүё жиддий табиат томонидан рад этилиш учунгина яратылғандек таассурот қолдиради, уларни узрли гипотезалар, деб атагим келади.

* * *

Хар ким нимаики билса, ўзича, ўзи учун билади, холос. Ўзим билган нарсалар ҳақида бирор ким билан гаплашгудек бўлсам, у буларни мендан яхшироқ биламан, деб ўйлади. Мен эса ўз билганим билан кифояланиб қолавераман.

* * *

Юзага келмайдиган нарсаларни бўлади, деб ўйламаслигимиз лозим; юзага келган тақдирда ҳам барibir уларни тушуна олмаймиз.

* * *

Янги вулқон (ёнартог)ларнинг отилиб туриши аслида ҳозирги мураккаб дунёни номаълум ўтмиш олам билан боғлаш йўлидаги дадил уринишdir.

* * *

Математикада аниқликдан бошқа яна аниқ нимабор? Ботиний ҳақиқат туйгусининг изчилиги шу эмасми?

* * *

Оддий тушунчаларни мураккаб, осон нарсаларни қийин йўллар билан тушунтириш илм-фаннынг бутун танасига ёйилган, ақлли, доно кишилар томонидан эътироф этилган, бироқ ҳамма ерда ҳам бирдек тан олинавермайдиган оғатдир.

* * *

Кимга нимаики мансуб бўлса, ундан қочиб қутула олмайди.

* * *

Кўпинча, кексаларнинг ҳикматли сўзларини тақрорлаб юрамиз, ўзимизча талқин қиласиз, бироқ уларнинг ўз даврида бутунлай бошқача маъно-мазмун касб этганини билавермаймиз.

* * *

Антик давр қаршисида юзма-юз туриб, тарбиямиз хусусида жиддий бош қотирадиган бўлсак, қалбларимизни чин инсонийлик туйғуси қамраб олаётганини ҳис этамиз.

* * *

Ўн саккизинчи аср асосан, таҳдил билан довруқ қозонди; ўн тўққизинчи асрнинг вазифаси мавжуд сохта синтез (таҳдил маълумотларини умумлаштириш, бирлаштириш)ларни аниқлаб, уларнинг мазмун-моҳиятини қайтадан таҳдил қилишдан иборат.

* * *

Ватанпарвар санъат ҳам, ватанпарвар илм-фан ҳам йўқ. Иккови ҳам барча юксак неъматлар сингари бутун дунёга мансуб бўлиб, барча тирик инсонларнинг ўзаро алоқа-муносабати ва ўтмишга доимий эътибори асосида ривож топади.

* * *

Одамлар ҳар бир янгиликнинг фойдали томонини суриштиради, бу тўғри; чунки ҳар қандай нарсанинг қиймати унинг нечоғли фойдали эканлигига қараб белгиланади.

* * *

Табиатни қай йўсинда бўлсин, тадқиқ этишни қувғин остига олиш энг заарли хурофотдир.

* * *

Юзага келиш тушунчаси биз учун бутунлай тушунарсиз; шу сабабли бирон ҳодисани кўрсак, уни бўлиб ўтган, деб ўйлаймиз. Фикрни кенг ифодалаш учун нутқда эргашган ва қўшма гапларни қўллаш тизимининг тушунарли томони ҳам шундан.

* * *

Кимки фантастика билан идеаллик, қонунийлик билан гипотетик (тахминий)лик ўртасидаги фарқни англаб етмас экан, табиатшунос сифатида мақтанмай кўяқолсин.

* * *

Мавхумотда узоқ қолиб кетиш ярамайди. Эзотерика экзотерик мазмун касб этиши билан фақат зарар келтиради. Энг яхшиси, ҳаётни жонли табиатдан ўрганганд маъқул.

* * *

«Трагедия (фожеа)лар сийқа, саёз нарсалар билан андармон бўладиган одамларнинг шеърга ишқивозлигидан ўзга нима ҳам бўлиши мумкин?»

* * *

«Ўзимизни бошқалар ўрнига қўйиб кўрганимизда, уларга нисбатан рашик ва нафратимиз барҳам топган, бошқаларни ўз ўрнимизга қўйганимизда эса кибрҳаво ва манманлик хийла камайган бўлар эди».

* * *

Грек ва рим адабиётини ўрганиш ҳамиша юксак таълимнинг асоси бўлиб қолаверсин!

* * *

Кимки бундан буёғига бирор санъат турини ё касбхунар ўрганмаса, иши хуржун. Дунёнинг турфа маккорликлари олдида ёлриз билим ип эшолмай қолади;

уларни сезиб, пайқагунга қадар одам ўзини анча олдириб қўяди.

* * *

Ҳар бир ғоя нотаниш меҳмондек кириб келади-ю, амалга ошиш асносида фантазия билан тутуриқсиз фантазияни фарқлаб бўлмай қолади.

* * *

Фоянинг фойдалилигини эътироф этган ҳолда ундан тўлиқ фойдаланишни тушунолмаслик ҳам мумкин.

* * *

Яратган, агар биз баландда бўлсак, ҳамма нарса, пастда турсак, ожиз-нотавонлигимизга иловадир.

* * *

Одамзод ожиз, нотавон, излаган нарсасини тополмайди. Парвардигор эса қудратли, бандасини ахтарса, дарров топиб олади.

* * *

Тақдир, қисмат надир? Жавоб: Тангри ўзи қудратли ва доно; У бандасини хоҳлаган кўйга солади.

* * *

«Муқаммаллик – Тангрининг, муқаммаллик истаги эса Инсон меъёридир».

* * *

«Черков ўзи аралашган барча нарсани заифлаштиради».

* * *

Агар эзгу сўзни яхши қабул қилишса, тақво каломи янада яхшироқ жой топиши муқаррар.

* * *

Ҳақ одам ҳамиша ўзини аслидагидан ҳам кўра оли-
жаноброқ ва қудратлироқ, деб ўйлайди.

* * *

Барча қонунлар ҳаётда ва фаолиятда дунё ахлоқ
тартиботларига яқинлашиш йўлидаги уринишлардир.

* * *

Дунё қонунсиз бўлгандан кўра, сенга ноҳақлик
қилишгани дурустроқ Инчунин ҳар бир киши қонун-
га риоя қилсин.

* * *

Адолатсизликлар ноҳақ, йўл билан барҳам топган-
дан кўра, уларнинг бўлгани тузукроқ.

* * *

Агар Тангри одамлар бир-бирлари билан ҳақиқат
ичра яшаб, муомала қилсин, деганда эди, ўз муасса-
сасини бошқачароқ тарзда яратган бўлур эди.

* * *

Характер, умуман олганда, Инсон ўзини қодир деб
ҳис этган нарсага доимий равища амал қилишидир.

* * *

Азоб берган кишиларнигина (яхши) танишади.

* * *

Азоб берган кишилардан бошқа ҳеч кимни куз-
тишмайди. Дунёда танилмасдан айланиб юриш учун
ҳеч бир кимсага озор бермаслик керак.

* * *

Бирор ким билан бирга ёки кимнингдир қалбida
яшашда катта фарқ бор. Одамлар борки, улар билан
бирга бўлмай туриб ҳам яшаш ёки бунинг бутунлай

тескариси ҳам бўлиши мумкин. Иккаласини боғлай олиш эса фақатгина соғ муҳаббат ва чин дўстликка боғлиқ.

* * *

Иш-ҳаракат ёки сабр-қаноат билан яхшилаб ёхуд тузатиб бўлмайдиган ҳолат йўқ.

* * *

Шаҳватпастлик: лаззатланиш мумкин бўлган ва лаззатланиб бўлинган нарса билан ўйин (ўйнашиш)-дир.

* * *

Мақтанчоқлик, манманлик шахсий шуҳратпастликдир; ўз фазилатлари, хизматлари, ишларини эмас, балки шахсий (индивидуал) ҳаётини ҳурмат-иззат қилишларини хоҳашади. Шунинг учун ҳам мақтанчоқлик-манманлик беҳаё гўзаллик либосига бурканишни яхши кўради.

* * *

Ўз душманини ўлими олдидан ерга уриш ақдисизлик, ғалабадан сўнг камситиш эса тубанлиқдир.

* * *

Интиувчан кишилар учун қийин кечадиган вазифа: ўзларидан удугроқ замондошлиарининг хизматларини тан олиб, уларнинг камчиликларидан тўғри хуносча чиқаришдир.

* * *

Радикал иллат: ҳар ким ўзим бўлсам дейди, бошқалар билан иши йўқ.

* * *

Одам бирон-бир буюк сиймо ёки бирор фавқулодда воқеа ҳақида гапирганда, ўз характерини кўпам

намоён қиласвермайди. Баайни мис учун чинакам си-
нов тошнинг худди ўзи.

* * *

Ҳеч нарса ярата олмайдиган одамларга ҳеч нима
насиб этмайди ҳам.

* * *

Ёмон гап-сўзлар, бадномликлар ҳақида бот-бот
эшишишга тўғри келади, бунга сабаб нима бўлиши
мумкин? Башарти бирор кимнинг хизматини зифир-
ча эътироф этгудек бўлишса, унинг бирон-бир гуно-
ҳини ҳам кечираяпмиз, деб ўйлашади.

* * *

Химати сингган одамдан камтарлик талаб қилиша-
ди; аммо унинг хизматларини ноўрин камситаётган-
ларни жон қулоқлари билан тинглашади.

* * *

Хоҳ эскилиқ, хоҳ янгилик бўлсин, навқирон ҳаёт да-
вомида кўп нарсаларга чидашга тўғри келади.

* * *

Фикр қаршилиқка учраши мумкин, оқибат эмас.

* * *

Чинакам маслакдошлар узоқ вақт аччиқлашиб юрол-
майдилар, улар ахир бир кун ярашиб оладилар; номас-
лакдош одамларни бирлаштиришга уриниш эса бефой-
да, улар барибир бир-бирларидан ажраб кетаверадилар.

* * *

Тўғри жавоб бамисоли ёқимли бўса.

* * *

Гап буткул келишишда эмас, балки фикрдош бўлиб,
баҳамжиҳат ҳаракат қилишда қолган.

* * *

Бирор кимса билан зиддиятли муносабатда бўлишдан ёмони йўқ, ундан кўра у билан бажонидил фикрдош бўлган бўлардим.

* * *

Нима қилиш ва уни қандай амалга оширишни билб олиш учунгина неча йиллаб фаолиятсиз юришга тўғри келади!

* * *

Ҳеч нарса энг юксак тадрижийликчалик ноизчил эмас, чунки у пировардида ўзгариб кетадиган нотабиий феноменларни келтириб чиқаради. (Шоқул (учига тош боғланган ип)ни гиштга қараб тўғрилама, балки гиштни унга қараб тер.)

* * *

Биринчи тугмани нотўғри қадасанг, тугма қадашни охирига етказолмайсан.

* * *

Кимки умрини бирор иш, касб-кор (хизмат) билан ўтказса-ю, охирида унга ношукурчилик қиласа, ёмон кўриб қолиши табиий, аммо ундан қутула олмайди.

* * *

Бошқалардан устун бўлмоқчи бўлган одам кўпинча ўзини ўзи алдайди; у фақат кўлидан келган ишни қила олади, лекин бошқаларга қараганда кўпроқ иш қилдим, деб ўйлади, холос.

* * *

Ҳеч ким ўйламасин, уни ҳечам нажоткор сифатида кутишгани йўқ!

* * *

Ҳар бир кун аслида арзимасдек туюлади; тақвимга кирмас экан, маъно-мазмун касб этмайди.

* * *

Бутун ҳаётимиз хоҳлаш ва бажармаслик, бажариш ва хоҳдамасликдан иборат.

* * *

Бемаънилийкка фаҳм-фаросат аралашгандан кўра, ўзига қўйиб берган маъқулроқ. Тентакликка аралаштудек бўлса, ақл кучини йўқотади, у эса табиатини.

* * *

Нотўғри тенденциялар реал интилишнинг бир тури, улар идеал интилиш сифатида намоён бўладиган но-тўғри, сохта тенденциялардан мудом фойдалироқдир.

* * *

Реаллик. Амалга ошмагунча, талаб қилинмайди. Идеаллик. Талаб қилинса-да, дарров амалга ошмайди.

* * *

Идеалликда ҳамма гап ғайрат-шижоат, реалликда эса сабот-матонатда қолган.

* * *

Инсон эриша оладиган энг зўр маданият, бу – ишонч-эътиқоддир, уни ҳеч ким тортиб ололмайди.

* * *

Йўлбарсга қўйиб берсанг, қоннинг таъмини буфуга тушунтирумоқчи бўлади.

* * *

Ҳар бир аъзоси ҳам руҳан, ҳам жисмонан *vita propria* (ўз ҳаёти)га эга бўлган одамлар соғлом кишилардир.

* * *

Кредит идеал, жисмоний куч эса реал мулкка мансуб ва хоказо.

* * *

Кредит реал ютуқлар билан эришилган ишончлилик
фоясиdir.

* * *

Ҳар қандай мулк ноқулай нарса, яхшиямки ne
incerta sin rerum dominia²⁵ хусусида келишиб олина-
ди.

* * *

Тасаввурый тенглик: нотенгликни кўрсатишнинг
иљк воситаси.

* * *

Жабр-зулм, истибод тугади дегунча, аристократия
билан демократия ўртасида бевосита ихтилоф бошли-
нади.

* * *

«Маърифат» деб аталмишнинг хатоси: одамларга
ранг-баранглик, хилма-хиллик ато этса-да, лекин улар-
нинг бирёқлама аҳволини ўзгартира олмайди.

* * *

Қуролланган, мудофаага мўлжалланган ҳолатга ҳеч
қайси бир давлат тоқат қила олмайди.

* * *

Фақат ўз шахсий ишларидагина эмас – бу нарса ҳар
кимга маълум – балки жамоат ишларида ҳам ақл-ид-
рок ва мулоҳаза билан иш юритиш улкан ҳукуқ соҳи-
би бўлиш демакдир.

²⁵ Ne incerta sint rerum dominia – damit die Eigentumsrechte nicht ungewiss sind – Мулк ҳукуқи ноаниқ бўлмаслиги (учун)

* * *

Газеталарда барча расмий хабарлар бўрттирилган, қолган материаллар эса саёз ва сийқа ҳолда ёритилади.

* * *

Суиистеъмоллик нияти бор одамгина матбуот эркинлигини пеш қилиб, бақир-чақир қилади.

* * *

Ҳақиқий немис серқирра билим (маълумот)и ва характер бирлиги билан ажralиб туради.

* * *

Инглизлар бизни соф инсоний ақл-идрок ва яхши ниятлари, фаранг (француз)лар эса амалий ижро ҳамда ҳозиржавоб ҳушёриклари билан хижолат қилишади.

* * *

Немис ўз уйида ҳеч бир ажнабий ўзини нокулай ҳис қилмаслиги, ўзи эса хорижда ўзини худди уйдагидек ҳис эта олиши учун барча тилларни ўрганиши лозим.

* * *

Тилнинг куч-қудрати ўзга тилларга хос бўлган хусусиятларни рад этишда эмас, балки хайриҳоҳлик билан қабул қилишидадир.

* * *

Бошқа бир тилдаги, гарчи кўпроқ маъно англатган ёки нафисроқ ифодалай олган сўз бўлса ҳам, уни қўлламаслик лозим, дейдиган барча салбий туризмга лаънат ўқийман.

* * *

Майдакаш туризм маъно ва руҳнинг янада кенг ёйилишини бемаъниларча рад этиш демакдир.

* * *

Одам ўзининг қаерда турганлигини ва бошқалар-нинг қаёқса бормоқчи бўлаётганини яхши билиши керак.

* * *

Йиллар (умр) худди Сивилла²⁶ китобларига ўхшайди; уларни ёққанинг сайин, нархи ошиб бораверади.

* * *

«Мен ўзим ўтқазган дарахт томирларига қоқилиб кетибман». Бу гапни кекса ўрмончи айтган бўлса ажаб эмас.

* * *

Одам охир-оқибат китоблардан кўчирмалар қилувчига айланиб қолса-я! Аслида ўшангача етиб боришнинг ўзи ҳам бир баҳт.

* * *

Мистика: хом шеърият, етилмаган фалсафа;
Поэзия: комил табиат;
Фалсафа: етук ақл-идрок.

* * *

Мажозий тасаввур: шеърият мулки;
Гипотетик (тажминий) талқин: фалсафа мулки.

* * *

Биз кўриб, билиб, ушлаб турганларимиз ҳақиқий (умумий); Бизни тўхтатиб, тутиб турган завқ-шавқ, иштиёқ (алоҳида, айрим, фавқулодда); Учинчиси – нотиқлик эса, ҳақиқат билан эҳтирос ўртасидаги муаллақ нарсалардир.

²⁶ Сивилла – қадимги римликлар ва юнонларда соҳибкармат, башоратчи коҳин аёл.

* * *

Даҳо умумийликда тажрибага қадар, алоҳидалик-да эса тажрибадан сўнг убиквист²⁷ янглиғ намоён бўлади.

* * *

Даҳо, агар жиддийлик замонида туғилса, унинг баҳт-иқболи шу.

* * *

Даҳо бағрикенглик билан ўз асридан илгарила б яшашга интилса, истеъдод ўжарлигидан уни тўхтатиб турмоқчи бўлади.

* * *

Зийрак одамлар ноҳақ пайтларида ҳам ҳозиржавобликни ҳаммадан кам бой беради.

* * *

Томошибинлар, гўё ўзлари аҳволни яхшилаш учун худди бир нима қилаётгандек, доимо хизмат кўрсатиш ёмонлигидан нолишади.

* * *

Оломоннинг нотўғри тушунчалари катта муаммоларга олиб келади. Ҳамма бало шундаки, мавжуд асарларнинг қадр-қўммати ҳам тезда эътироф этилавермайди.

* * *

Ҳеч қай бир миллат ўзи амалга оширган ишлар ва яратган асарларидан ортиқ фикр (хўкм)ларга эга эмас. Ҳар қайси замон хусусида ҳам худди шундай мулоҳаза билдириш мумкин.

²⁷ Убиквист – ҳамма жойда тарқалган организм (биол.)

* * *

Барча замонлар ва миллатлар тақдирига аралаша оладиган чинакам фикр ва ҳукмлар ниҳоятда кам учрайди.

* * *

Хеч қайси бир миллат ўзи яратган аъло, ажойиб ҳамда жиддий асарларига яраша танқидга эга эмас.

* * *

Танқид худди Ате²⁸ янглиф намоён бўлади; у оқсоқланса-да, муаллифларни таъқиб этаверади.

* * *

Одамларнинг ахлоқан бузилишига мос равиша адабиёт ҳам айниб боради.

* * *

Овид қувринда ҳам классик бўлиб қолаверди; у ўз баҳтсизлигини ўзидан эмас, балки дунё пойтахтидан узоқлашганида, деб билди.

* * *

Романтика жарликка қулаб бўлди; янги асарларнинг энг бўлмағури эса ҳали-бери қулаганича йўқ²⁹.

* * *

Инсониятга мансуб эски, энг бемаза, тутуриқсиз locos communes³⁰ ни савалаш учун Клопшток само ва дўзах, Куёш, Ой ва юлдузлар, Вақт ва Абадият, Раҳмон ва Шайтонни келтиради.

²⁸ Ате – кулфат ва оғатлар маъбудаси.

²⁹ Гёте бу ўринда Э. Т. А. Ҳофманнинг «дардчил асарлари»ни назарда тутмоқда.

³⁰ Locos communes (лот.) – чайналган, сийқаси чиққан, умумий гаплар, фикр ва иборалар.

* * *

Ойленшигел: китобдаги барча ҳазил-хузуллар шунга асосланганки, ҳамма одамларнинг гап-сўзлари маҷозий, Ойленшпигел эса уларни тўғри маънода тушунади.

* * *

Роман қаҳрамони ҳамма воқеага аралашиб кетаверади; театр (саҳна асари) қаҳрамони эса ўзини ўраб турган барча нарсалар ичра ҳеч қандай ўхшашлик топмаслиги керак.

* * *

Фожианависнинг иш-ҳаракат усули ва вазифаси руҳий-ахлоқий феноменинни ўтган замонда ҳаммабоп қилиб тасвирлашдан ўзга нарса эмас.

* * *

Мотивлар ҳам аслида такрорланган ва яна қайта такрорланадиган Инсон руҳияти феноменлари бўлиб, улар ёзувчи томонидан тарихий воқеа сифатида тақдим этилади.

* * *

Драматик асар яратиш учун зўр истеъдод зарур. Асар сўнггида ҳис-туйфу, муҳаббат, ўртасида фаҳм-фаросат, бошланишида эса ақл-заковат ҳукм суриши, барчаси қизғин ва тушунарли тарздаги тасаввур кучи билан мутаносиб равишида тақдим этилиши лозим.

* * *

Романс узил-кесил ҳукм чиқариладиган (суд) жараён (и) эмас.

* * *

Табиат билан ғоя узвий боғлиқдир, бусиз санъат ҳам, турмуш ҳам дарз кетган бўларди.

* * *

Санъаткор (ижодкор)лар Табиат ҳақида сўз очганда, ўзлари аниқ англамаган ҳолда ҳамиша ғояни тушунадилар.

* * *

Фақат тажриба билан мақтандиган барча кишилар хусусида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин; улар тажриба ҳали билимнинг ярми эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

* * *

Маълумот (савод)сиз кишиларга санъат асарида табиий бўлиб кўринган нарса аслида (зоҳиран) Табиат эмас, балки Инсон (ботинан Табиат)нинг ўзиdir.

* * *

Изласангизлар, ҳамма нарсани ўзларингиздан топасизлар, теварак-атрофда ўзларинг Табиат деб атайдиган Оламни кўриб, қувонинглар,

У барча топганларингизга рози ва омин дейди!

* * *

Кенг фикр-мулоҳазали бўлайлик! Бранденбург лавлагиси, айниқса каштан ёнғоги билан аралаштирилса, ниҳоятда мазали бўлади ва ушбу олийнав мевалар бир-бирларидан анча олисда ўсишларини унутмаслик лозим.

* * *

Кимки пропорция (ўлчаб бўладиган нарса)ни антик дунёдан олмоқчи бўлса, биздан хафа бўлмасин, негаки биз антик дунёдан ўлчаб бўлмайдиган нарсани олмоқчимиз.

* * *

Санъат шайдосининг мукаммал асарни тан олиб, унга баҳо беришининг ўзи кифоя; ўртамиёна нар-

салар ҳақида эса баҳс-мунозаралар сира ҳам тугайди.

* * *

Санъат сирли, аммо тушуниш мүмкін бўлган ўзгача Табиатдир. У ақл-заковат туфайли вужудга келади.

* * *

Табиат Тангри билан ҳамоҳанг яратилган қонунлар асосида ҳаракат қиласи, санъат эса даҳо билан келишилган қоидаларга биноан.

* * *

Мукаммаллик диспропорция (номутаносиблик), гўзаллик эса пропорция билан мавжуд.

* * *

Охирги кўл нима қила олишини биринчи қўл узилкесил айтиши керак. Бунда нима қилиниши олдиндан аниқланган бўлиши лозим.

* * *

Тушунча тажрибанинг хуносаси, фоя эса натижасидир; хуноса қилиш учун ақл, уни тушуниш учун фаросат талаб этилади.

* * *

Бизни жуда кўп янглиштирадиган нарса шуки, агар фояни ҳодиса шаклида кўришимиз лозим бўлса, у кўпинча ва одатда ҳам сезги органларимизга зид келади.

* * *

Ўзни обьект (предмет)ларнинг энига қараб тенглаштириш ўрганиш, обьектларни бўйига қараб англаш эса ихтиро қилиш дейилади.

* * *

Бирон нимани илк бор сезиш-пайқаш, кашф этиш қувончини биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Агар бунинг эвазига обрў-хурмат талаб қиласиган бўлсак, бизга бу жуда қимматга тушиши мумкин, чунки биз кўпинча биринчилар бўла олмаймиз.

* * *

Қарашлар гойиб бўлса, ўз-ўзидан предметлар ҳам йўқолади. Чукурроқ маънода айтадиган бўлсак, қарашнинг ўзи предметдир.

* * *

Билим ва фикр тўғри ё нотўғри бўлиши мумкин. Фан обрў-эътибори шундан далолат берадики, унинг моҳияти рост-ёлғондан иборат бўлиб қолаверади.

* * *

Агар биз яхлитлик (бутунлик) ҳақида тушунчага эга бўлмаганимизда, билимимизни туталланмаган иш деб, эълон қиласиган бўлардик.

* * *

Фанлар санъат сифатида: ўргатиб (реал) ва ўрганиб бўладиган ҳамда ўргатиб (идеал) ва ўрганиб бўлмайдиган қисмлардан иборат.

* * *

Фанлар тарихи: реал қисм феноменлар, идеал қисм эса феноменларнинг фикрлариdir.

* * *

«Бизга на ўтмишдаги ва на келажакдаги, балки фақат ҳозирги замон фанигина мансуб, холос».

* * *

Ўн олтинчи асрда фанлар у ёки бу шахсга эмас, балки дунёning ўзига мансуб бўлган. У (дунё) буларга эга

бўлган ва ҳоказо. Одамзод эса фақат бойликни кўзла-
ган.

* * *

Фанлар ўз-ўзидан иккиёқлама: ўзлари юрган кенг-
лик ва тушган чуқурлик узра йўқолиб боради.

* * *

Фанлардан талаб этилаётган жамики нарсалар шу
қадар улканки, ҳеч нима қилиб бўлмаслигини тушу-
нишдан ўзга чора йўқ.

* * *

Табиатшунослик тарихидан шу нарса маълумки,
кузатувчилар ҳодисадан назария томон ошиқади ва
оқибатда етарли далилларсиз, фараз-такхинлар билан-
гина кифояланади.

* * *

Асрлар олға босади; ҳар бир киши барчасини бо-
шидан бошлайди.

* * *

Ўн еттинчи асрнинг иккинчи ярмида одамлар мик-
роскопдан чексиз фойдаланган, ўн саккизинчи аср-
нинг аввалига келиб, уни назаргаilmай қўя бошла-
ган.

* * *

Кант муайян бир доирадаги ният-мақсад билан чек-
ланади ва бунинг устига ҳамиша киноя тарзида ту-
шунтиради.

* * *

«Мундоқ олиб қаралганда, бутун фалсафа амфигу-
рик (чигал, дудмол) тилда баён этилган Инсон тафак-
куридир».

* * *

Амалий ният-мақсадлар билан энг яқин нарсаларга таяниб иш күрадиган тирик истеъдод ер юзидаги энг гүзал мавжудотдир.

* * *

Тажрибада қанчалик илгарилаб борилса, тадқиқ этиб бўлмайдиган муаммоларга шунчалик яқинлашилади; тажриба ортиб борган сайин тушуниб ва тушунтириб бўлмайдиган нарсалардан ҳеч қандай амалий наф йўқ эканлиги тобора яқъолроқ намоён бўла бошлиайди.

* * *

Кимки нотўгри, сохта нарсани ҳимоя қилмоқчи бўлса, хушмуомали бўлишига тўғри келади. Ким агар ҳақ-хуқуқ ўз томонида эканлигини ҳис этса, дағал муомала қилса ҳам бўлаверади; чунки ҳақиқатга илтифот билан эришиб бўлмайди.

* * *

Ҳодиса билан кузатувчини бир-биридан ажратиб бўлмайди, билъакс, ҳодиса индивид (шахс) билан чамбарчас боғлиқдир.

* * *

Кимки феноменни кўз олдига келтирса, бу ҳақда фикр юрита бошлайди. Агар бу ҳақда фақат эшитган бўлса, ҳеч нарсани ўйламайди.

* * *

Феноменлар бизга Табиат ҳақида чуқурроқ билим, тушунча бермаса ёки улардан ўз ўрнида фойдалана билмасак, у ҳолда улар ҳеч нарсага арзимайди.

* * *

Нималарни ўйлашимиз эмас, балки феноменлар-нинг доимийлиги муҳим.

* * *

Бирон-бир назарияни оммалаштириш учун уни ту- туриқсиз ҳолда тасвиrlамоқ лозим. Энг аввало, ама- лиётга тадбиқ этиш керак, шундан сўнггина, у бутун дунёга таалуқли бўлади.

* * *

Генетик усул, гарчанд унинг ўзи билангина кифоя- ланиб бўлмаса-да, бизни яхши йўлга олиб чиқади.

* * *

Ўзимча индамайгина тадқиқотлар олиб борган пайтларимда индуksиядан ҳеч қачон фойдаланмаган- ман, чунки ундаги хавф-хатардан ўз вақтида огоҳ бўлганман.

* * *

Бунинг акси ўлароқ, кимdir ундан менга қарши фойдаланиш учун каминани исканжага олмоқчи бўлса, бунга албатта, тоқат қила олмайман.

* * *

Табиат бирон-бир хатолик тўғрисида қайғуриб ўтиrmайди; оқибати нима бўлишидан қатъи назар, у ўз йўлида абадий одилона ҳаракат қилаверади.

* * *

Вужудга келган жамики нарсалар олдида замон ва макон муаммоси кўндаланг туради. Шунинг учун бири иккинчисини суриб чиқариши ва унинг ҳаётига зо- мин бўлиши табиий.

* * *

«Биз ўзимизнинг илмий хатоларимиздан кўра кўпроқ ахлоқий камчилик ва нуқсонларимизни тан оламиз».

* * *

Бунга сабаб шуки, виждон пок, итоаткор, у ҳатто хижолат торта бошлайди. Ақл эса такаббур, мажбурий ноиложлик уни мушкул ақволга солиб қўяди.

* * *

Билимни ёйиш ва тарқатишида вақти-вақти билан ислоҳот ўтказиб туриш лозим; у янги қоида, тамойиллар асосида олиб борилса-да, барибир муваққат бўлиб қолаверади.

* * *

Мутахассислар бир-бирлари билан доимий алоқада бўлишади. Уларга издош бўлмоқчи бўлган ҳаваскорларга қийинроқ бўлади.

* * *

Шу боисдан ҳам янги эмпирик топилмани қайтадан севимли метод (услуб) сифатида баён қиласиган китобларни ёқтирамиз.

* * *

Башарти билганларимизни бошқа бир услуб ёки бўлмасам бирон-бир ўзга тилда баён этилган ҳолда учратиб қолсак борми, у бизга янгиликнинг ғаройиб жозибаси бўлиб кўринади.

* * *

Агар бир санъат тури бўйича икки устоз маърузалари ҳар хил бўлиб чиқса, унда улар ўртасида чамбарчас муаммо борлиги эҳтимолдан холи эмас.

* * *

Ранг-баранг нурлардан мутлақо ёрқин нур ясовчилар ҳақиқий жаҳолатпарастлардир.

* * *

Кимки нотўғри, сохта тасаввурларга қўниккан бўлса, у ҳар қандай хатога кўз юмади.

* * *

Шунинг учун ҳам: «кимки одамларни алдамоқчи бўлса, энг аввало, тутуриқсиз нарсани тушунтириб берсин», дея бежиз айтилмаган.

* * *

Нур ва ақл, униси физикада, буниси ахлоқда бўлиши мумкин бўлган бўлинмас энг юксак қувватлардир.

* * *

Нотўғри (хато) нарсалар кўпинча ожизликдан далолат беради.

* * *

Функция фаолиятдан иборат тириклиkdir.

* * *

Одам қанчалик бегараз бўлса, тамагир, варазгўйларга шунчалик оёқости бўлади.

* * *

Характер, тасвирланганда сурат эмас, прагматик (амалий) ҳолда эса самара бермас.

* * *

Қаҳрамон уруш пайтида,
Доно жаҳди чиққандা,
Дўст бошингга кулфат тушганда синалади.

* * *

Ўн олтинчи юз йилликкача бўлган ўрта асрнинг тубанлиги шундаки, Арасту, Гиппократ сингари ажойиб сиймолар bemalъни чўпчаклар билан мазах қилиниб, манфур одамлар сифатида кўрсатилган.

* * *

Нарса (предмет)лар ўртасидаги ўзаро алоқа-муносабатлар маълум. Адашиш (хато) ёлғиз инсонгагина хос.

У ўзига, бошқаларга, нарсаларга нисбатан алоқа-мұносабат ўрнатишида адашади, бор гап шу.

* * *

Китобхонликка ўрганиш учун қанчалик күп вақт сарфланишини одамлар тасаввур ҳам қылолмайдилар. Бунинг учун мен ўз ҳаётимнинг саксон йилини бағишлидім. Лекин ҳали ҳам ўргандым, деб айта олмайман.

Таржимон ҳақида икки оғиз

Мирзаали Акбаров 1955 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети)-нинг олмон филологияси факультетини битирган. Оилали, 4 фарзанди бор. Яратган таржима асарлари орасида ҳалқаро Нобел мукофоти совриндори Ҳерманн Ҳессе қаламига мансуб «Чўл бўриси» романи ҳамда Йоҳанн Вольфганг Гётенинг «Ҳикматлар хазинаси» алоҳида ўрин эгаллайди («Шарқ» НМАК 2006, 2008). Ҳ.Ҳессенинг «Нюрнбергга саёҳат»ини, шунингдек, Вольфганг Борҳерт, Герҳард Бранстнер, Фридриҳ Кристиан Делиус, Томас Манн, Штефан Цвайг каби олмон ҳамда олмонзабон шоир ва ёзувчиларнинг кўплаб ҳикоялари ва новеллаларини аслиятдан ўзбек тилига таржима қилган. Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад билан ҳамкорликда берлинлик ижодкор Марица Бодрожич шеърларини ўзбекчалаштирган. Адабий таржимон сифатида Австрия, Германия ва Швейцария каби Европа мамлакатларида кўп марта ижодий сафарларда бўлган. Германиядаги Ҳалқаро Ҳерманн Ҳессе жамиятининг аъзоси.



ҒАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ

*Олмон тилидан
Садриддин Салим Бухорий таржимаси*



МУҒАНИЙНОМА

Ҳижрат

Тахтлар қулаб не таажжуб,
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб
Шарққа ҳижрат эрүр вожиб,
Унда ишқу маю мутриб
Ҳамда Хизр суви бордир,
Боқий умр сенга ёрдир.

Ҳайратланма, анда пайдо
Насли Одам билан Ҳаво
Ҳаққа қабул бўлса агар
Муножоти бани башар
Тўлиб Инсон эиё билан
Суҳбат этса Худо билан.

Аждодларга бор эҳтиром,
Машриқда ғайр урфи ҳаром
Эътиқодда чексиз маъно
Қисқа сухан- фикри доно –
Гавҳардан ҳам қиммат мудом,
Муқаддасдир зоро Калом.

Чўпонларга бўлиб ҳамроҳ,
Кезсанг яйраб дашту сахро.
Карвон билан шому саҳар,
Қаҳва шоҳи мушку анбар
Элтсанг бекас сўқмоқлардан,
Ҳеч ким билмас сўқмоқлардан.

Қоялар тунд – хатар беҳад,
Сенга Ҳофиз байти мадад.
Хачир мингган сайёҳ жадал
Ҳофиз шеърин айтган маҳал,
Юлдузларга шўриш солгай,
Қароқчилар қўрқиб қолгай.

Хофиз байти янграп мудом,
Базмларда ҳар субху шом.
Юз очгайдир жононалар,
Түсиқ бўлмас остоналар.
Шивирлаган маҳал шоир
Ҳатто ҳурлар бўлгай асир.

Ҳасадгўйнинг дили ботил
Бермоқ истаб заҳри қотил,
Тўssa ҳамки йўлни қанча,
Дарвозаи жаннатгача
Етгай шоир пайғомлари,
Мангу қолгай каломлари.

Эркинлик

Эгар устидан жудо бўлмай даме,
Кулба-ю чодирда сен қол, ҳамдаме.
Шодман кезсам, этиб сарҳадни тарқ,
Бошим узра юлдуз ҳам хонишга фарқ.

* * *

Этмиш сенга юлдузларни
Куруқлик, сувда маёқ.
Завқقا тўлдир сен кўзларни
Ва доимо юксакка боқ.

Тиңсүмлар

Шарқни яратгандур Худо,
Мағрибни этгандир бино.
Офат йўқдир ўнг-сўлида
Шимол, Жануб Ҳақ қўлида.

* * *

Ул ўзи қози эрур,
Барча эл рози эрур.
Ардоқлаймиз юз номин,
Шарафлаб деймиз: «Омин!»

* * *

Хато этиб адашсам гар,
Ўзинг мендан бўл боҳабар.
Ҳар юмушда, ижодда ҳам,
Тўғри йўлга бошла, Эгам.

* * *

Гарчи ерда бандтур хаёлот,
Бу келтирап юксак мукофот.
Рух, чангмиди йўқолса тамом,
Парвоз этар у осмон томон.

* * *

Нафас олмоқ ҳамда чиқармоқ эрур,
Икки эҳсон буни англамоқ зарур.
Бири сиқар, ўзгаси эса роҳат.
Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.
Оллоҳга шукур де, нафас кирган он,
Шукур де, нафасинг чиқарган замон.

Тўрт марҳамат

Арабларга этиб марҳамат
Тўрт нарса бермиш Оллоҳ,
Токи бўлсин қувонч, фароғат
Уларга мудом ҳамроҳ.

Биринчиси – салла, чиройда
Шох тожидан устивор.
Иккинчиси – чодир, ҳар жойда
Тиксанг, бошпана тайёр.

Кейингиси – шамшир, у бешак
Ботир учун истеҳком.
Охиригиси, қўшиқ – у ҳуркак
Қизни айлагувчи ром.

Мен ҳам куйлаб доимо қўшиқ,
Дилбарлар гулзоридан
Гуллар уздим бўлиб ошиқ
Қўрқмадим озоридан.

Гулу мева – дастурхон қўрки,
Даврамизга марҳамат.
Тингламоқчи эруурсиз балки
Мендан янги насиҳат.

Иқрор

Нени қийин яширмоқ сенга?
Тутиб бўлмас оловни пинҳон,
Кундуз тутун, тунда аланга –
Чор атрофга бўлур намоён.

Ишқни ким дер яшириб бўлар,
Кўзлар уни билдириб қўяр.
Илҳом пайти дилни тарқ этиб
Чиққан шеърни бўлмас беркитиб.

Ошкор айлаб шоир навони,
Огох этгай еру самони.
Шеърни тинглар барча баробар
Унга не фарқ тегса-да агар,
Бу шеърдан кимга ранж- кулфат
Кимга эса қувонч ва роҳат.

Аносир

Асил қўшиқ қайдан пайдо.
Қай унсурдан иборатдир?
Оломонга маъқул, ҳатто
Писанд этсин устод шоир.

Муҳаббатдир ибтидоси,
Тинглаганга қўшиқ ёқар.
Ҳар калому, ҳар садоси
Ишиққа бўлса омикхта гар.

Ёқутранг май тўла қадаҳ
Жарангини сўнгра жо қил.
Ошиқлару шаробнўшлар
Қўшифингга бўлар қойил.

Кейин жанглар «урҳо»си-ла
Мисраларни безатиб ол.
Билки бизда севадилар
Қаҳрамонни даҳо мисол.

Охирида эса нафрат
Туйғусини мисрага тиз.
Гўзалликка ёв қабоҳат
Қабоҳатдир душманимиз.

Тўрт қудратни сен олсангу
Қориштирсанг қўшиқ аро,
Сени Ҳофиз каби мангу
Халқлар тилдан қўймас асло.

Ташриф

Фарқ бўлиб шабнамга боғ, гулзор
Гуллари очилган хотиржам.
Уларни дараҳтлар беозор
Ўрамиши қоядай мустаҳкам.

Гулзорга ҳамсуҳбат ва улфат
Ўрмонзор жўмарду жавондир.
Водийга тегмасин, деб офат
Ўрмонзор бамисли қалқондир.

Бунда бор қадимий нағма, сас,
Ҳам ошиқ оҳлари, зорлари.
Қуёшнинг нурлари билан баҳс
Айлагай чилторим торлари.

Гар шикор қўшиғи пуршукух
Янграса бутазор тўлгайдир.
Юракни қамраган тоза рӯҳ
Илҳомбахш, мададкор бўлгайдир.

Ўрмонзор абадий баркамол
Бахш этгай қувончу фароғат.
Сенроҳат этдингми, bemalol
Этсин-да ўзгалар ҳамроҳат.

Қилмагай шунда ҳеч ким бадном
Бизни деб худбину худпараст.
Келса гар одамлар қай замон
Табиат ҳуснидан бўлсин масти.

Шу қўшиқ, ажиб ҳол билан биз
Хофизга бўлдик-да рўбарў.
Риндона ўтган бу дам азиз
Шубҳага ботмангиз, деди у.

Беадаблик

Ажаб ҳикмат, қайдан одам
Топа олади шифо?
Құшиқларни тинглаган дам
Қандай сеҳр айлар наво.

Тұсиқларни йўқот. Бўлиб
Юрма зулматга асир.
Куйлай олгай завқقا тўлиб
Хотиржам бўлса шоир.

Қўнфироқдай ҳар бир сўзи
Гарчи жаранглар юксак,
Ўз дардига шоир ўзи –
Нажот топиши керак.

Қўполлик ва одоб

Шеърият шижоаттур!
Ким этар инкор?
Иссик комингда ҳузур
Озодлик, виқор.

Азобда ҳар нафасим
Ўтса ҳам агар
Барибир сиздан кўра
Бўлардим камтар.

Қиз билан суҳбат маҳал
Камтарлик даркор,
Агар бўлсангиз дағал
Қиз сиздан безор.

Менга мангулик сирин
Очган донишманд,
Доим бўл камтар, деб
Берган эди панд.

Шеърият шижиоаттур!
Илжом бўлса ёр,
Яккама-якка сухбат
Этморинг даркор.

Жуббали роҳиб эса
Не этар талқин?!
Камтар бўл, дер, ўзи –
Кибрли лекин.

Унинг гапига ким ҳам
Соларди қулоқ?
Мен ҳам қочдим шу сабаб
Ундан кўп йироқ.

Айланиб турса шоир
Тегирмони гар,
Кимки уни тушунса
Бешак кечирап.

Борликда ҳаёт

Мақтовга чанг наҳот лойиқ
Чангни севмоқ, бу не гапдир.
Ҳофиз чангни мақтаб қўшиқ
Битган бўлса, не сабабдур?

Остонангнинг чанги асли
Афзал қаср қолинидан,
Уни Маҳмуд арзандаси
Арта олмас енги билан.

Остонангда ел уриб бош
Чанг ҳидини сочса гар,
Ул хуш ҳидга бермай бардош
Қочади мушк ҳамда анбар.

Мен Шимолда чангдан безор
Эдим, лекин не бўлди денг,
Остонангни чангига зор
Бутун иссиқ Жанубда мен.

Агар дилбар дарвозаси
Очилсайди бўлиб нимкоф.
Шунда баҳтим овозаси
Тарқаларди то Кўҳиқоф.

Бонг уриб момоқалдироқ
Кўкни этса чақмоқ равшан,
Ёмғир ёғиб, чангни тупроқ
Мағзларига сингдирса ҳам.

Ул тупроқдан ҳаёт яна
Кўкаради кучга тўлиб,
Бутун замин боз қувона
Яшай бошлар хуррам бўлиб.

Саодатбахш азият

Алангага ўзни ташлаб
Шараф топганда жонлар.
Истеҳзо-ла дилни ғашлаб
Кулгай бундан нодонлар.

Бўлганида тун ҳувайдо,
Гувоҳдирсан ушбу дам,
Соҳир бир ҳис дилда пайдо
Агар хомуш ёнса шам.

Интилади – зулмат, шукуҳ
Дастидан қочиб-нурга,
Қовушади илоҳий рух –
Билан, тўлиб сууруга.

Масофаю тўсиқ бекор,
Ёнажақдир парвона.
Нурга ташна, оташга зор,
Ёнар у қона-қона.

Агар рафлат аро қолсанг,
Умр ўтар – этмас вафо.
Шундай яша, мумкин бўлсин,
Фанодан кейин бақо.

* * *

Шакар томар қамиш қалам
Тилларидан ҳар замон!
Эй, қаламим! Шундан олам –
Ширин. Сен ҳам бўл равон.

ҲОФИЗНОМА

*Рӯҳ – қуёв, Сўз – келинчак,
Тўйларин, Ҳофиз,
Ҳар бир одам билажак
Шеърингдан ёлғиз.*

ТАКАДДУС

Шоир:

Аё, Мухаммад Шамсиддин,
Нечун элинг Ҳофиз деб ном
Қўймиш сенга?

Ҳофиз:

Чунки Қуръон
Оятларин билдим ёддин.
Хотирамда эди мудом
Суралару шариф калом.
Ишонч билан этдим идрок,
Тутиб доим ўзимни пок,
Мендай этгай ким эҳтиром
Расулнинг ҳар ҳадисига.

Унга лойиқ зўр эътиқод,
Шу сабабли Ҳофиз деб ном
Кўймиш менга халқ умрбод.

Шоир:

Ўхшаш бўлсак биз, не ажаб,
Зотан бизга ўхашашлик хос.
Аё, Ҳофиз, шудир сабаб
Тўла монанд бизнинг ихлос.
Биз муқаддас китобларни
Тўла ёдлаб бўлдик Ҳофиз.

Дилда этдик нақш бобларни,
Эзгу тасвир ўчмас ҳаргиз.
Гумонлару, шубҳа, инкор
Бизлар учун бари бекор,
Чунки иймон ҳамроҳимиз
Илоҳий нур паноҳимиз.

Арзу дод

Қай кимсанинг йўлига тузоқ
Кўйиб пойлар иблислар ҳар чоқ?
Судрамоқ-чун тамуғга ахир
Кимни алар айлади асир?
Ул тузоққа англагил, хуллас
Илинади ёлғончи, нокас.
Шоир шундай каслардан аммо
Нечун ҳазар этмайди асло?

Кимки мажнун шоирга ҳамроҳ,
Қайсар ишқдан юраги огоҳ.
Ёлғизликни касб айлаб зинҳор
Ёзар саҳро қумига ашъор:
Не калом дер, тушуниб етмас
У дил сўзин қумга кўчиргай,
Шамол эса уни ўчиргай,
У сўзига риоя этмас.

Лек қўшири дилга ҳукмрон,
Унда бордир ояти Қуръон.
Сиз олимлар, аҳли мусулмон,
Айланг тақво таълимин аён,
Қонун бурчdir, қонун умидdir.

Ҳофиз ринду савдойи ҳамон
Мирзода руҳ ҳавоийи ҳамон
Нетмоқ керак, не этар мажнун.

Фатво

Ўқиб Мизрий шеърларини бобма-боб,
Сўнгра йиртиб ҳар варагини муфти
Ёнаётган гулхан ичига отди.
Ёниб, кулга айланди хушхат китоб.
«Худди ўнгдай ёнар ўтда, ким агар –
Қўйса Мизрий сўзларига эътиқод!
Лекин шоир ўт балосидан озод,
Чунки унга Худодан илҳом-хабар!
Агар чалғиб шоир ботса гуноҳга,
Ўзи жавоб беражакдир Оллоҳга.»

Беҳудудлик

Кабирдирсан, ҳеч интиҳойинг йўқ,
Қисматинг хуш, ҳеч ибтидойинг йўқ.
Қўшиғинг юлдузлар гумбазидар,
Боши-ю охири ҳам маркази бир
Фалакдай гардишда шеъринг муқаррар,
Аввалу сўнгги ҳам бир хил муқаррар.

Сенинг қалбингда оққай чашмаи шеър,
Қувонч билан симиргай ташнаи шеър.
Сен айтдинг, бўсага маҳдатдир лаблар,
Қўнгил завқи қўшиқقا айланади,
Ки бода шавқидан яйраса қалблар,
Муҳаббат риштасига бойланади.

Менга олам ғами, билки, абасдур!
Аё, Ҳофиз! Агар сен бирла бўлсам,
Ки, фахру ифтихорим сен, ҳавасдур
Сенингдек ғам чекиб, сен каби кулсам.
Муродим май ичиб, сен бирла баҳсдур,
Сенингдек севсаму сўнг майли ўлсам.

Аё, мутриб! Қўшиқ айт, сўзда жондур,
Фазал кўҳна ва лекин навқирондур.

Пайравдик

Мендадир байтингга сингмоқ ҳаваси,
Тақлид этмоқ сенга мен учун шараф.
Аввал маъно, кейин сўз ихтиросин
Айламак! Яширап дурни-да садаф.
Ҳар сўзингни бордир неча маъноси,
Бундай бахтга бир сен бўлдинг мушарраф.

Учқундан аланга бўлгандай пайдо,
Шиддатли аланга ер юзин қамраб –
Юлдузларга қараб учгандай, илло
Сендан қудрат – оташ келди ўрмалаб,
Олмон қалбин бу оташ этди шайдо
Ва аланга берди мангу ўт қалаб.

Шеър гўзал янги вазн, қофия билан
Иқтидор эгаси билади, аммо
Куруқ ниқоб дарҳол йиртилар экан,
Вазнда жону қон йўқ эрур асло.
Руҳингни хушвақтлик этмас экан банд,
Чунки ҳар янги вазн ажалдай ахир,
Олдинги вазнга этади таъсир.

Ниҳон сир

Атадилар тилингни Ҳофиз
Сўфиёна деб алар.
Сухандонми Сўз қимматидан
Бўлса мутлақ бехабар.

Тушунмасдан не деса, майли
Сўзлайверсин нодонлар.
Улар ўзин ҳаром майини
Ичиб топгайми шонлар?

Улар билмас, муқаддас Ҳофиз
Яшагайдир баҳтиёр,
Ва пок эди. Улар билмаски
Шоир эди тақводор.

Ишорат

Койимоқقا сизда асос бор:
Чунки Сўзнинг маъноси бисёр.
Елпуғучда бор икки томон,
Сўз ҳам унга ўхшар бегумон.
Боқса сизга бир жуфт кўз ипак –
Елпуғучнинг ортидан, бешак,
Шаффоф парда бекитар юзни,
Яшиrolмас лек гўзал қизни.
Бовар айланг айтган сўзимга,
Порлаб турган кўзи кўзимда.

Ҳофизга

Одамлар не истакка банд
Бари сенга аёндир.
Эҳтиросга кишанланган
Тахтми, чангу тўзондир.

Ким уларга қарши турар,
Одамга қилас алам,
Бири сенга тан берса гар,
Бири эса бермас тан.

Узр, Устод! Тугаб сабрим
Унтуилади жаҳон,
Келса хиром айлаб сарвим
Йироқлардан мен томон.

Замин бўса олар ҳар дам
Оёқларидан чунон,
Машриқ каби саломи ҳам
Қайноқ ҳамда меҳрибон.

Шиддат билан кўмиламан
Сочлари тўлқинига,
Шамол каби чўмиламан
Жингалак ёлқинига.

Пешонаси очиқ мутлақ,
Дили тўла шафқатга.
Қўшиғига қувонч ва ҳақ
Рухни бошлар тоатга.

Барча ғамдан бўлгунг озод
Лаъли лабини кўриб,
Сўнг кишанбанд бўлиб, ҳайҳот,
Қолажаксан термулиб.

Тикилади бўғизга нафас,
Чирмашганда жон-жонга.
Бу туйғудан вужудинг маст
Сигмагайсан жаҳонга.

Ёнаётир ўт ичра тан
Аё, соқий, қадаҳ тут!
Бир ё икки қадақ бирлан
Сўнарму бу оташ – ўт?

Соқий йигит муаллимга
Қадаҳ тутади боз-боз,
Шак келтирмас у таълимга
Рұхға май берар парвоз.

Ва унга ҳам сиру савдо
Аён бўлар бирма-бир,
Лаби узра хати пайдо
Вояга етмиш ҳозир.

Ҳам дилларда, ҳам дунёда
Бор бўлса неки асрор,
Таг-тубига сен зиёда
Етгайсан шоир ҳар бор.

Сен насиҳат этдинг ҳар дам
Хоҳи вазир, хоҳи шоҳ,
То дунёда билиб қадам
Кўйсин, бўлмасин гумроҳ.

Сен доносан. Муқаддасдур –
Кўшиқларинг умрбод,
Йўл бошловчи бўлгин бизга
Ҳаёт йўлида Устод.

ИШҚНОМА

*Не истаюр юрагим,
англат, дилдор!
Асириң у
ани асрагил зинҳор.*

Вафо тымсоллари

Олти ошиқ-маъшуқ бор,
Унутма буни зинҳор:
Номларин эшиитган дам,
Рудоба ҳам, Рустам ҳам.
Жонларига ишқ туташ –
Бўлган бамисли оташ.
Юсуфни кўрмай илло
Севиб қолган Зулайҳо.
Муродга етмай лекин
Ўтган Фарҳоду Ширин,
Яралган бир-бири-чун
Лайли-ю ошиқ Мажнун.
Кексайгандага ҳам ёна
Севган Жамил, Ботина.
Висолдан маст, беармон
Бўлган Билқис, Сулаймон.
Қисса шу, ёд қиласан,
Сўнгра ишқни биласан.

Яна вафо тымсоллари тўғрисида

Ҳа, муҳаббат риёзатdir,
Гумроҳ наздида роҳатдур.
Ундан на зар, на зўр етгай,
Ошиқни девона этгай.

Тымсоли ишқ ҳамда вафо
Эрур Вомиқу Узро.
Бул қисса дема номаълум
Номин тутсанг билур мардум.

Не бўлгану нелар деган
Булар кимга керак экан?
Улар севган. Бўлди. Тамом.
Ортиқчадир ўзга калом.

Ишқ қитоби

Ўқиб чиқдим, ажиб экан
Муҳаббатнинг китоби.
Қувонч тўла вараги кам
Лекин бисёр азоби.

Ўқиб чиқдим варак-варак,
Ҳижрон – бисёр, висол – оз.
Тугамайди агар юрак,
Шарҳини этса оғоз.

О, Низомий! Ишқ ганжига
Сен охир топдинг калит:
Чидай олса ким ранжига
Висолдан этсин умид.

* * *

Кўзларидан, дудоғидан
Ўпар эдим, ўпар эди.
Жаннат каби қучоғидан,
Кўнглим ҳузур топар эди.

Қайда дилбар? Мисли хаёл
Ё, рўёми, қайга кетган?
Йўқ, бор эди, ширин висол,
Хаёлимни асир этган.

Оғождантириш

Зулфига бажону дил,
Аё дўстим, Ҳофиз!
Асир бўлиб сен каби
Яшаморим жоиз.

Сочларини банд этар
Тундай ҳарир рўмол,
Кокиллари тўлғанар,
Оғир занжир мисол.

Ошиқлар огоҳ сирдан
Қўрқса ҳамки улар
Ўрилган соч – занжирдан
Зулфига банд бўлар.

Хаёлотга чўмиб

Жингалак соч шалолами
Сийпаласам бармоқларим кўмилар?
Мушк-анбарга гўё улар чўмилар.
Дилда қўпгай навқиронлик олами.
Қошу қўзи, лабидан оддим бўса,
Дардларимга, нетай, дармон шу бўлса?
Панжаларим беш панжали бир тароқ,
Зулфларингдан кетолмайди ҳеч йироқ.
Инжа нафис қулоғини қитиқлаб
Зулфи ўйнар, ул қулоқми, во ажаб?
На эт ва на тери – будир мўъжиза!
Ишқ розини турар ҳамиша асраб.
Сочларини сийпаласам бир умр,
Дунёда йўқ бундан ортиқча хузур.
Сен ҳам Ҳофиз шундай этгандинг бешак,
Ишни сендай қайта бошламоқ керак.

Офат

Бармагингни зумрад узук
Безабди ёниб ял-ял,
Мақтасам-ку бўлар тузук
Лекин сукутдир афзал.

Дейман: «Унинг ранги дилкаш,
Айтолмагайман зинҳор,
Унинг офат-рангларидан
Чекаяпти жон озор.»

Бўлмоқ керак ҳушёр ҳар вақт
Кўпдир маъшуқ қулфати,
Ўзинг, дилбар, офатижон
Узугинг жон роҳати.

* * *

Хур қўшиқлар, оҳ, маҳбубам!
Қалин жилдга бўлмас тутқун.
Поёни йўқ бу осмон ҳам
Торлик қиласар қўшиқ учун.

Вақт – кушанда, у бешафқат,
Ҳаммага ҳам санчар тиф.
Байтлар тирик қолгай фақат
Мангуму мухаббат янглиғ.

Қаноат

«Севгани – чун, этма хом хаёл
Мени қучар, деб, соҳибжамол!
Севги эмас, хушомаддир – бу,
Бундай ёрни этмасдим орзу.»

Шоур:

Бахтиёрман! Сен учун балки
Узрим бўлмайди манзур:
Ихтиёрий армуғон – севги,
Хушомад ҳурмат эрур.

Мужда

О, нақадар ҳузурбахш эрур
Оlam кезмоқ, этмоқ саёҳат.
Худхуд турар мен борган жойда,
Уни кўрмоқ бахш этар роҳат.

Мен қадимий чиганоқларни
– Улар тошга айланиб бўлган, –
Ахтараман тошлар ичидан,
Худхуд келар ёнимга шу дам.

Унинг тожи ёйик ва мағрур.
Ўликларнинг устидан кулиб
Келди Ҳудхуд – абадий тирик,
«Ҳудхуд! – дейман мен завққа тўлиб, –

Сен нақадар гўзал, попугим!
Шошилсанг-чи, Шом ўлкасига,
Мендан мужда дилбаримга элт,
Тумшуғингда элтгин қасида.

Сен Сулаймон элчиси бўлиб
Боргин Билқис маликасига.»

Садоқат

«Сўлаяпсан, лекин куйламоқ,
Севинмоқдан тинмайсан асло!»

Шоир:

«Гапларинг рост, иқрорман, бироқ
Ишқ дардига бормиди даво,
Биляпсанми, сўнаётган шам
Уйни этар қанчалик равшан?
Мен ҳам шундай бўламан адo.»

Сир

Эл ҳайратда, маҳбубамнинг
Кўзларидан узмас кўз.
Эл билмайди, менга аён
Кўзида не сир, не сўз.

У дер: «Сени севажакман.
Ўзгалар ишқи озор.
Ўзгаларнинг ҳайрати-ю
Қайфуси – бари бекор.»

Сўнг маҳбубим атрофига
Ошкора ташлаб назар,
Ширин висол соатидан
Менга беради хабар.

Беш хислат

Беш хислатдан беш хислат жудо эрур,
Беадабга паст тийнат ошно эрур.
Ким такаббур, эсда тут, дўст бўлмагай,
Ким ёвуздир марди холис бўлмагай.
Ким ҳасадгўй, ҳеч ҳаёси йўқ унинг,
Ким фирибгар, эътиқоди йўқ унинг.
Сен агар кетсанг буларни тарк этиб,
Ўйлаким, билдинг балолардин ўтиб.

* * *

Дилкашдур жонона имоси,
Май ичмай мастона нигоси.
Суханга агар банд лабидур,
Қуёшнинг партави кабидур.
Дилкашроқ барчасидан, ажаб,
Султони хусн тараҳхум айлаб,
Ул нозик қўл билан армуғон –
Этса бир ишорат биз томон!
Касб қиласа шундай нек рафторни
Нигоҳи, ишорат, гуфтори
Бебаҳо совғадир ҳар қачон,
Туролмас сўнг этмасдан инъом!

* * *

Юрагингта этилсин нақш
«Панднома»даги калом:
Жонни кимга айласанг баҳш,
У ҳам сенга берар жон.
Керак эмас зар-зевар,
Олтиндан баҳт қимматдир.
Ўтган ўтди, эй бехабар,
Англа, дам ғаниматдир!

* * *

Улар айбу гуноҳингни
Айлади ошкор,
Рад этмагил хатойингни
Нуқсонинг бисёр.
Сен яхшилик этган эдинг
Уларга ҳар бор,
Лекин нечун уни тилга
Олмаслар зинҳор?
Англаб оддим сабабини
Бўлгандан безор,
Маъқул бўлган нек одамни
Қиласларми хор?
Бир шогирддай мени танлаб
Олмангиз бекор,
Мени тавба эттирмоққа
Йўқ бир тақводор!

* * *

Бозорда қизир савдо,
Алданар ҳатто доно.
Шовқиндан қочиб оқил
Севигига бўлар мойил.
Интилдинг тун-кун қистаб
Тингламоқ, билмоқ истаб.
Қулоқ тут,райр эшикдан
Не садо чиқар, ўрган.
Ҳақиқат бўлса даркор,
Худодан топгунг зинҳор.
Пок ишқ ўти қай танда
У Худо севган банда.

* * *

Ҳалол яшаганимда
Чекардим озор,
Умрим ҳам ўтар эди
Камбараж, ночор
Ҳеч ким мени олмасди

Икки пулга ҳам.
Истадим бой бўлмоқни
Бўлиб муттаҳам.
Лекин мендан чиқмади
Унақа одам,
Сўнг ўйласам покиза
Яшашда маъно,
Ўғриликдан қашшоқлик
Доимо аъло.

* * *

Қайдан келдинг, берма савол,
Худо яратган кишварга,
Яшайвергин сен бемалол
Аралашмай бу ишларга.
Атрофингга ақд қўзи
Билан назар эт, гар фармон –
Бўлса, тегар дастур ўзи,
Кудратинг ортгай бегумон.
Нек кирдоринг фойда олгай
Давлатга содик эрсанг, бас.
Ҳамма сени севиб қолгай
Сендан ҳеч ким нафратланмас.
Айланажак шоҳга ошкор
Яхшилигинг, хирад пеша!
Янгидан лек бўлсин такрор
Эски садоқат ҳамиша.

* * *

Қайдан келиб қолдим? Бу қизиқ савол,
Эслаш кийин босиб ўтган йўлимни.
Бугун эса шу ерда, ажойиб ҳол,
Дарду қувонч ушлаб олмиш қўлимни.
Бирлаштириб дарду қувончни, аммо
Яшай олган баҳтли эрур доимо.

* * *

Бириң-кетин келиб кетар,
Келиб-кетар ҳар одам.
Бундан бүлма сен бехабар,
Яша ҳалол ва ўқтам.
Атрофингга боқ, толмайсан,
Гуллар уз, этма шитоб.
Манзилингга етолмайсан
Бўлсанг ўғри ва каззоб.

* * *

Аёлларга бўлгин мушфик, меҳрибон!
Эгри қовурғадан аёлни бино –
Айламиш, ани рост этмасдан Худо.
Уни эгмоқ бўлсанг, синадур осон.
Агар тегилмасанг, бўлар эгрирок,
Эй Ҳазрати Одам, бизга бу сабоқ!
Аёлларга бўлгин мушфик, меҳрибон,
Қовурғага шикаст берма ҳеч қачон.

* * *

Ҳаёт экан асли bemaza ҳазил
Кимга лаш, кимга луш етмас муттасил.
Бирорга кам керак, бирорга бисёр,
Кимдир бахт топгандир чекмасдан озор.
Гар бахтсизлик тушмиш чекингга, не тонг,
Тоқат эт, бефойда нола-ю фифон.
Ворисдир барига энг охирги дам
Жаноби Этолмам, жаноб Истамам.

* * *

Фозўйинга менгзар ҳаёт:
Олга ташланар қадам,
То мақсадга етмагунча
Ортга қаролмас бир дам.
«Фоз-ку ахмоқ!» – деманг ҳаргиз
Тилингизга бериб эрк.
У орқага ўғирилган он

Мен учун йўл бўлар берк.
Дунёда-чи, барча олга
Интилади ва лекин
Ким қоқиласа ё йиқиласа
Унга қарамас ҳеч ким.

* * *

«Иллар, – дединг, – неъматларини олди:
На менда роҳатбахш орзулар қолди,
На дилбар ёди-ю суюмли сароб
Саргардон кезишлар, на ранжу азоб.
Шон-шараф гултожи бермас тасалло,
Шуҳрат араваси – ўткинчи савдо.
Ҳаловатбахш юриш-туришлар йўқдур,
Жасорат намоён у ишлар йўқдур.
Иллар дастидан не қолди барқарор?»
«Ишқу Фоя қолди. Яна не даркор?»

* * *

Сенда бўлса неки муаммо,
Донишмандга айлагил иншо.
Дардинг билдири, миннат этмайди,
Сенга айтар нима етмайди.
Донишмандга барча сир аён,
Муаммонг ҳал бўлади, инон.

* * *

Сахий одам алданар,
Таъмагир-чи, таланар.
Доно ҳам айлар хато,
Адашар оқил ҳатто.
Бахилдан қочишарлар,
Анқовга ёпишарлар.
Хушёр бўлгил амалда,
Алдагани сен алда.

* * *

Амр этгайми, мақтарми ё
Койигайми унга вожиб,
Сен-чи, содиқ қул барини
Қабул айла кўксинг очиб.
Арзимас иш учун мақтар,
Ёки койир ҳеч йўқ зиён.
Мудом савоб иш айлагил
Энг охирда бор имтиҳон.
Ҳақ олдида баробардур
Султону қул – майдада-чуйда,
Ранж чексанг ҳам савоб иш эт,
Бўлмагин ҳеч сен озурда.

Шоқ Шужоъ ва унга ўхшагандарга бағишлиов

Этсин сени сарафроз
Амударё оҳанги,
Йўлларингга пойандоз
Қўшиғимиз жаранги.
Сен борки қўрқув абас!
Бахт жоминг доим тўлсин.
Умринг боқий бўлсин, бас,
Давлатинг боқий бўлсин!

Олий илтифот

Саркаш эдим, ўзимдай саркаш
Олампаноҳ топиб олдим.
Андак вақтдан сўнг эса ювош
Бека – паноҳ топиб олдим.
Алар мени этди имтиҳон
Ўзда вафо топиб олдим.
Хазинам, деб, этди эҳтиром
Кон – муддао топиб олдим.
Икковига хизмат этдиму
Бахту сафо топиб олдим.

Икковига дўстлар етдиму?
Юлдуз само топиб олдим.
Ҳар иккови дўстлик этди-ю
Дардга даво топиб олдим.

Фирдавсий сўзи:

Дунё, сен мунчалар безбет ва ёвуз!
Елдириб, ўстириб, сўнг оласан жон.
Лекин ким Аллоҳнинг меҳрин қозонса
Едиргай, ўстиргай ҳам асрар мудом.

* * *

Бойлик недир? Қашшоқ дер: «Бойлик – қуёш,
Куёш менга баҳш айлагай ҳаловат.
Корни тўқлар мункир бўлмасин фақат,
Қашшоқларга ҳузур – ўжарлик, бардош.»

Жалолиддин Румий сўзи:

Тўхтамаки, дунё ўтар мисли туш,
Юрсанг – манзил тақдирингда ёзилмиш.
На қиши, на ёз фармонингда бўлади,
Не гуллади, билки охир сўлади.

Зулайҳо сўзи:

Ойинада аён: гўзалман беҳад!
«Қаритади, – дединг, – сени ҳам қисмат.»
Фақат Тангри эрур абадий, эй ёр.
Абадий ёшдирман сен севган фурсат.

РАНЖНОМА

«Қандай буни қила олдинг,
Кимдан англаб била олдинг?
Хаётдаги ташвишлардан
Майда – чүйда лаш-лушлардан
Ола билдинг чүр-аланга,
У бахш этди сенга илҳом?»

Йүқ, ташвишлар менга илҳом
Берган эмас, на чүр, на ком.
Йироқларда кездим ҳар гал,
Юлдузли күк мисли баҳмал,
Йўл кўрсатди, фазал айта,
Туғилдим мен гўё қайта.

Кенгликларда тўлқин мисол
Пода кезар, чўпон хушҳол.
Сўзи оддий, лек пурмаъно.
Ўзи камтар vale доно.
Суҳбат этиб дилдан чўпон
Этди мени азиз меҳмон.

Даҳшатингиз тунлардами,
Хавф-хатарли кунлардами?
Судралади бизнинг карвон,
Туялари айлар фифон.
Сарбон асло адашмайди,
Фурур билан йўл бошлайди.

Карвон борар, сароб қочар,
Кенгликлар ҳам бағрин очар.
Мен ҳам қочиб кетаяпман,
Манзилимга етаяпман.
Мовий денгиз кўринган дам,
Ортда қолгай сароблар ҳам.

* * *

Мумкинми ҳеч қофиябоз
Үзни ёмон атаса,
Кўча гижжакчиси дерми:
«Мен чалган куй bemaza.»

Улар иши туғри балки,
Айб этмагайман фақат.
Ҳурмат этсанг бирони гар
Бўласан-ку бехурмат.

Йўл бўшатсанг уларга сен
Йўлинг тўсади шу он.
Хил уруғин маргимушдан –
Фарқ этмас, у – ҳукмрон.

Собиқ янги супургини
Сира ҳурмат қилмайди.
Янгиси-чи, собифини
Назарига илмайди.

Халқлар эса нафратланиб
Бир-бирини этар бадном.
Билмасларки мақсад бирдир
Бирдир кўзланган томон.

Ким бирони худбинликка
Айблар, этмасин унут,
Ўзгаларнинг омадидан
Ўзи бўлгайми хушнуд.

* * *

Кимки хурсанд, димоги чоғдир
Фазабланар қўшнилар шу он.
Дерлар: «Унда иқбол порлоқдир,
Этмоқ керак беобрў, бадном.

Үлганды-чи, күзларин намлаб
Хаёт йүлиң этарлар достон.
Сүңг қүшнилар садақа жамлаб
Сенга ҳайкал қўярлар осон.

Олмонликнинг ҳар бир қадами
Манфаатни кўзлайди, бироқ,
Унутсалар кошки одамни
Бундан кўра эди яхшироқ.

* * *

Ҳукмронлик бўлмаскан адо,
Устунлик ҳам экан барқарор.
Суҳбат этди мен билан доно,
Суҳбат этди золим ҳукмдор.

Ақли ноқис шон-шуҳрат тилар,
Баландда, дер ҳамиша жойим.
Ярим одам, ақли калталар
Доноларни эзади доим.

Айладимми очиқ таъналар,
Не фойдадир, бўлсалар фақат
Ахмоқлар-у маҳмаданалар
Бири лоқайд, бири бетоқат.

«Мұжаббату зулм бизларни
Этиб қўяр балки қариндош.»
Соясида тафт, сизларни
Исинтирап чиқаётган қуёш.

Душманлари кимдир, бешубҳа
Билган Ҳофиз ва Улрих Хуттен:
Рақиблари кийишган жубба
Аниқ бўлган уларнинг бети.

Менга озор бергучиларга
На белги бор, на жубба-кийим.
Мен қай бириң сизга күрсатай,
Улар оддий насроний тайин.

* * *

Эзгуликка чақырсанг гар
Сен билан доим күнгил,
Эзгу ишлар айласанг гар
Бу фазилатинг маъкул.

Агар девор билан ўраб
Олсанг бойлигинг, инон,
Оч бўлсам ҳам мен-чи, яйраб
Кун кўраман шод, хандон.

Кўп хислатга эга одам
Лекин бўласан безор,
Бири қилса бир иш, шу дам
Ўзгаси айлар такрор.

«Қани йўлга!» – деган калом
Янграганда турайлик,
Маңзилимиз аниқ, тамом
Унда бирга юрайлик.

Кўп рақиблар келади дуч,
Лекин олманг хавотир.
Висол они даркорми ҳеч
Қушмачи ва ё шотир?

Садқа зару номусу шон,
Мард йўлда билинади.
Жавонмард май ичгани он
Иккига бўлинади.

Газалида Ҳофиз бундан
Берганди бизга хабар.
Уни ҳам бу майда-чуйда
Ишлар қилган дардисар.

Лекин қочиб бўлмас асло
Бу дунёда, шуни эт:
Жоҳиллик дуч келган асно
Сукут эт-да, ўтиб кет.

* * *

Англадингми, сўзда не маъно?
Мажнун-жинни демак, йўқ шубҳам.
Бугун менда ўзга муаммо.
Ўзни Мажнун атадим мен ҳам.

Деманг ҳаргиз:» Болангиз уни!
Девонани занжирбанд айланг!»
Озод этмоқ шартдир мажнунни,
Инсофни-да юракка жойланг.

Кишанларда банд этиб агар
Қийнасангиз аҳли донишни,
Олов сизни ютар муқаррар,
Жавоби бор ҳар қандай ишни.

* * *

Тинчлик йўлин мен кўрсатиб
Кўйган бўлсам сизга наҳот?
Ёхуд уруш ташвишини
Берганмидим сизга, ҳайҳот!

Ўрганганми мендан ахир
Зўр мерганлар овламоқни,
Бичувчилар тикмоқни-ю
Изловчилар – ковламоқни.

Бундай гаплар хато, менга –
Табиат не этган инъом,
Үша зухур топмиш фақат,
Үша бўлмиш менга аён.

Лунж шишириб, жон борича
Айламак бас мени бадном,
Асаримни кўринг, ахир
Мен адиман, бўлди, тамом.

Сайёғнииг руҳий хотиржамлиги

Пасткашлардан шикоят
Айлама бекор,
Разил кучлидир ғоят,
Арзинг этмас кор.

Ёмонликдан даромад
Оларлар осон,
Яхшиликни шу сабаб
Этурлар яксон.

Уларни ахлат мисол
Сутириб фақат,
Ахлатхонага шамол
Ташлар оқибат.

* * *

Дунёдан сен таъма этма,
Гарчи орзу бепоён.
Дунё ўтар орқа-ўнгга
Қаролмай қолар инсон.

Тиришса-да ҳаёт-ла ҳеч
Чўлоқ бўлмас ҳамқадам.
Ёшлиқда не орзу этсанг
Етасан қариган дам.

* * *

Үз-үзини мақташ асли хатодир,
Ким эзгу иш агар эта олади.
Гарчи пинҳон тутмоққа эмас қодир,
Эзгу иши эзгу бўлиб қолади.

Сиз нодонлар уни айламанг мазаҳ,
Майли доно хаёл этсин ўзини.
Асли у ҳам сиз каби ахмоқ,
Тинглайверсин таъмсиз мақтov сўзини.

* * *

Сенингча оғиздан қулоққа
Етган гап ҳақиқий? Офарин!
Эҳтимол маъқулдир ахмоққа
Бирорлар етказган гап, тайин.

Вале сен тафаккур айлагил:
Кишанини бузмоққа куч даркор,
Ишончни бузмоққа куч даркор,
Рад сўзни дилингга жойлагил.

* * *

Фарангман дер, мен инглиз,
Италянман, менман немис!
Бир-биридан қолишмагай
Ёнманликдан бўлар tengsiz.

Эҳтиромга лекин ҳозир
На у лойиқ, на бу арзир.
Умр ўтказар шуҳратталаб,
Худбинлиги кимга манзур.

Агар бугун бул қабоҳат
Ўрнин олса лутф, марҳамат,
Эртага сўнг юракларни
Қоплагайдир холис ният.

Хисоб талаб келажақдир,
Зулмат ичра қолажақдир –
Кибр-ұаводан қутулмаган
Бадномликни олажақдир.

* * *

Үқисалар агар Қуръондан оят,
Атардилар шу он сура номини.
Ҳар мусулмон әхтиром этиб ғоят
Пок тутарди доимо имонини.

Хозир эса янги дарвишлар вайсаб
Чалкаш сүзлаб ҳақ сүзни айлар вайрон.
Адаштирап бандаларни, во ажаб!
Халоскор сен ўзинг, муқаддас Қуръон!

Пайғамбар сўзи:

Ғазабланса ҳар шахс мабодо,
Муҳаммадга баҳт қодир Худо –
Бериб, уни асрагани-чун.
Арқон боғлаб ходага узун –
Оссин ўзин, пок бўлиб қалби
Тарқалади шу он ғазаби.

Темур сўзи:

Кибру ҳаво хуружими бу?
Ёлғонга банд сиз, аҳди тақво!
Билмайсиз, қурт бўлардим, ёху!
Яратса гар қурт этиб Аллоҳ.

ҲИКМАТНОМА

Токи бўлсин мувозанат унда пайдо,
Қўйиб чиқдим китоб ичра туморларни,
Ким илоҳий игна билан уни тикса
Дардан халос қилгай албат bemorlarни.

* * *

Ўздан кетма,
Кеча олган неъматингни
Хозирги кун ё тунингдан
Талаб этма.

* * *

Кимки машъум кунда туғилди, инон,
Ёвуз ишлар унга маъқул бегумон.

* * *

Осонмиди бу иш, айтади илло,
Қай зот этган бўлса уни ихтиро.

* * *

Денгиз тўлқин отади фақат
Замин уни тутолмас ҳеч вақт.

* * *

Дилда ҳадик, қўрқув нечун?
Ҳаёт қисқа, кун-чи узун.
Кенг ерними қўмсайди жон,
Ё осмонни? Кимга аён?
Кўксимни тарк этмоқ истар,
Юрак қочиб кетмоқ истар.
Топа олар дилим ором?
Сийнамга жо бўлсанг мудом.
Ташвишлару ғамларни ҳам
Унутади унда, эркам!
Ғамгинми дил ва ё хурсанд
Чиқолмайди дарвозадан.

* * *

Тақдир имтиҳон этса, гунг бўл одамзод,
Фойда бермас айламак минг доду фарёд.

* * *

Қуёш ҳали нур сочмоқда, айла шитоб эй, мард!
Тунда эса этолмай иш рангу рўйинг бўлар зард.

* * *

Нени яратмоқчисан, яралган бу дунёда,
Парвардигор яратган сену мендан зиёда.
Куръантга тушибдими яшамоқ деган қисмат,
Йўлни бошлабсан, давом айла уни марҳамат.
Руҳий мувозанатинг буза олмасин асло,
Бу манзилда нағаму ва на шодлик, илоҳо.

* * *

Гар аламзада юрак,
Ноумид бўлса, бешак –
Даволай олар кам-кам
Дўст сўзи мисли малҳам.

* * *

«Хонангизга баҳт кирган фурсат
Ранжитдигиз этмай марҳамат.»
Лекин у Қиз чекмабди озор,
Сизни йўқлаб келмишдир тақрор.

* * *

Менга тақрор теккани ҳар жойда нақд,
Давлатим Вақтдир, далам ҳосили Вақт.

* * *

Муҳаббатдан эзгулик пайдо,
Қонда кезар бу хислат, ҳар гал
Неварангга қўпроқ ўтар у
Камроқ ўтса ўғлингта агар.

* * *

Шундай демиш донишмандлар сарвари,
Улур қалбли дилшүнос ул Аңварий:
«Яшай олгай ҳар жойда, ҳар вақтда соз
Кимки ростгүй, оқылу муросасоз!»

* * *

Дўстларданми шикоятинг,
Ё душманга маломатинг.
Алар учун бўлса алҳол
Борлигингни ўзи малол.

* * *

Аҳмоқларга берма эътибор,
Улар сўзлаб ўзин этар фош:
«Қиёматда донолар зинҳор
Камтар бўлиб кўтарарлар бош..»

* * *

Эътироф эт, экан улканроқ
Шарқ шоири гарбликдан, бироқ
Тенг эканмиз бир ҳисда фақат
Бир хил экан биздаги нафрат.

* * *

Ҳар ким хоҳлар юксакда бўлсин,
Дунё шудай яралганмикин?
Бир-бирига мунчалик қўпол –
Булар ўзи хоҳлабми ҳар ким?

* * *

Шафқат эт бизларга Худойим,
Ёмонга тавфиқ бер илоҳим.

* * *

Ҳасад шишиб ёрилсин,
Очликдан ўзин есин.

* * *

Сен қўрс бўлсанг мабодо,
Дарров ҳурмат этарлар,
Чўчқасидан бошқасини
Лочин-ла ов этарлар.

* * *

Бидъат эрур попларнинг сўзи,
Йўлдан ураг ҳар нафас.
Адашганни манзилга асло
Эгри йўл ҳеч элтолмас.

* * *

Қаҳрамонга беролгай баҳо
Кимки эрур жасур ҳамда мард.
Танимоқ-чун одамни аммо
Ҳаёт ёзу қишин ўташ шарт.

* * *

Муҳаббатдан эзгулик пайдо,
Агар таъма ишқقا бўлса эш,
Сенинг кунинг ўтар-ку, аммо
Фарзандингга тегмайди улуш.

* * *

Хазина, Имону Фикринг эт пинҳон,
Ўғрилаб кетмасин ғаламис осон.

* * *

Дунёда юради не сабаб,
Яхши ҳамда Ёмон ёнма ён?
Ёшлар эски сўзни такрорлаб
Янги сўз деб, ўйлар ҳар қачон.

* * *

Вақтингни айлама сарф
Бехуда баҳсга, ўртоқ.
Нодон-ла жанжаллашса
Доно ҳам бўлар ахмок.

* * *

Хақиқат бу қадар олис, ажабо,
Заминнинг қатига яширин нечун?
Бирор кас тушунмас уни, мабодо
Тушунса, келарди яқинроқ мамнун.
Ва унга етмоқ ҳам бўларди раво
Севимли бўларди у ҳамма учун.

* * *

Жаҳд айла, койит жонни,
Мард эзгу иш қиласи.
Дарёга ташла нонни,
Ким еса, у билади.

* * *

Ўргимчакни ўлдириб, шу дам
Фоят ғамгин бўлдим, ажабо,
Унга ҳаёт берган-ку, Худо
Ҳақди мендай яшашга у ҳам.

* * *

Тун зулмат бандида, нур-чи Худодан,
Бўлсайдик баҳраманд биз ҳам зиёдан.

* * *

Атрофингда турли-туман жамоа жам,
Худо берган зиёфатда ўтирас дўсту душман.

* * *

Мени хасис атар ноинсоф,
Ҳамённи чўз, мен айлай исроф.

* * *

Кўрсатгум атрофни очиқ,
Лекин аввал юксакликка чиқ.

* * *

Офат йўқ жим турган маҳали,
Тилидандир ҳар ким ажали.

* * *

Бўлса икки ошпазинг
Оч қолишинг муқаррап,
Қолар уй супурилмай
Кўп бўлса хизматкор агар.

* * *

Тақсим этмиш дарду шифони,
Сен Оллоҳга шукр эт жовид.
Ўз дардини мисли табиб
Билса бемор, бўлар ноумид.

* * *

Нодон ҳар ҳодисани ўзича шарҳлашга шай,
Ҳар ҳодиса сабабин билгум, деган авом-да!
Оллоҳга итоатдур Ислом деган сўз асли,
Исломда яшаб ҳамма, ўлажакмиз Исломда.

* * *

Дунёга келган маҳал,
Уй қурдик. Биз ўтган дам
Ўзгаси қуарар илдам,
Уй-чи, ҳамон нотугал.

* * *

Кириб, неки мен-чун муқаддас
Поймол этмоқ бўлсанг хонамга,
Кирмоқни сен қилмагил ҳавас,
Йўлатмайман ҳеч оstonамга.

* * *

Кичик уйга, аё дўст
Айла қаноат.
Каттасини қўрмоққа
Етмайди фурсат.

* * *

Яшириндим – ҳаёт афсона,
Маю қүшиқ менга ҳамроҳ.
Аё дўстим, ғамдан бегона
Бўлиб яша, биздай бепарво.

* * *

«Луқмон-хунук», – дединг, бас,
Луқмон сўзи – дур.
Ширинлик қамишдамас,
Шакарда эрур.

* * *

Шарқ – буюқдур, шубҳалар абас,
Денгиз кечиб бормоқ шарт экан.
Ким Ҳофизни билмасу севмас,
Тушунмайди Калдеронни ҳам.

* * *

«Олтину лаъл билан безамоқ,
Қўлни асли нега кераг-а?»
Фақат чап қўл безанар, бироқ
Ўнг қўл муҳтож эмас безакка.

* * *

Исо эшаги ҳатто
Маккага борса ҳамки,
Ўзгарди дейиш хато,
Ўзгармас асло ҳангি.

* * *

Бехато кас йўқ эрур, бироқ,
Сенинг хатонг ўзгага сабоқ.
Қайғурмасдан ташлагин қадам,
Ҳар хатодан ўрганаρ одам.

* * *

«Сенга неклик этдилар ҳар гал,
Жавобини қайтармадинг сен.»
Юрагимда турибди тугал
Некликларни унутмайман мен.

Марҳам

Илтимослар бўлди беҳисоб
Сен кўпини айладинг ижро.
Нек одам-чи, айлагин жавоб
Кўп нарсани тилармиди ё?

Вазир:

Нек одамнинг талаби бўлак,
Этсам барча истагин бажо
У кўмилиб йўқ бўлар бешак.

* * *

Қизиқ экан дунёда, фақат,
Хатога эришса Ҳақиқат.
Ҳақиқатхон гўзал мисли гул
Бу ишлари валекин маъқул,
Жаноб Хато эргашган фурсат
Ҳақиқатхон айлайди нафрат.

* * *

Биласизми нени англадим?
Сўз тизмоққа кўплар моҳирлар,
Шеъриятни вайрон этар ким?
Бешак, Шоирлар.

ТЕМУРНОМА

Зулайхога

Атиргуллар сенга манзур
Хүш ҳид берган замондан.
Сен учун бахш айлаб хузур
Кечгай жону жаҳондан.

Сен учун қасд қилиб жонга
Тутқуналиктан вовайло!
Бармоғингдай атирдонга
Дунё атир каби жо.

Этмоқ учун сени шодмон
Бахтга дилингни восил,
Куйлаб-куйлаб бўлар қурбон
Булбули ошуфтадил.

Фамга ботма фарёдлардан,
Минглаб жонлар доди ҳам,
Қулатолмай ўтди, ердан
Темур тахтини, эркам.

Тушимда осмон ойга
Ўз бағрини очар эди,
Кўз очганимда эса
Куёш нур сочар эди.

ЗУЛАЙХОНОМА

Таклиф

Умр ўтказма вақтни қувиб,
Кун кетидан чопиш хато.
Эрта эмас, бугун, дилбар,
Этди қувонч бизга ато.
Дунё топдим, билсанг агар

Бор дунёдан буткул кечиб.
Бир ўзингни севиб, дилбар,
Эрта-эрта, бугун-бугун.
Не ўтди, не бўлар пайдо,
Сен этмагил бунга парво.
Омон бўлсанг шу бас менга,
Қувонч, баҳт ҳамнафас менга.

* * *

Зулайҳо Юсуфга эди маҳлиё
Сабаби аён,
Ҳам гўзал эди у ҳамда навқирон,
Зулайҳо ҳам зебо, содикдир аҳдга
Алар бир-бирини буркади баҳтга.
Сен эй, ёш гўзалим, кўзи дурахшон,
Бир мени севасан, кўзларинг шоҳид,
Ва мени буркайсан сўнг баҳтга жовид.
Мадҳингда ёзганим қўшиқлар – пешкаш,
То абад Зулайҳо ўзинг, париваш!

* * *

Сен атадинг ўзни Зулайҳо,
Севмоингга йўқ мени шубҳам.
Хотам деган номни мен аммо
Танлаб олдим ўзимга, эркам.
Такаббурлик эмас бу бари:
Георг исмин олгани билан
Ул муқаддас Георг рицари
Бўлолгайми ном билан одам?
Сахийманми Хотамдай? Инъом
Этгай мендай қашшоқ нени ҳам?
Хотами Той каби беармон
Шоир бўлиб яшасам бегам.
Лекин икки зотдай бокарам.
Тухфа этмоқ, олмоқ асли Баҳт
Хузур етгай севгидан ҳар дам.
Бир-бирига талпинса, севса
Жаннат шудур ошиқча, эркам.

Хотам:

Тасодиф ўғрини яратмас, ажаб
Тасодиф ашаддий ўғридир ахир.
Ишқим гавҳарини юракка асраб –
Юрардим, олди у чок этиб бағрим.
Сўнг сенга тутди-ю айлади пешкаш,
Тасодиф барини тутди йўлингга.
Гадою бенаво бўлдим, париваш,
Ҳаётим, давлатим қолди қўлингда.
Хайрият, гавҳари чашмингда аён,
Мендай бир ошиққа меҳру муруват
Бағрингда кўринди ғаройиб жаҳон –
Мени шод этгувчи баҳтиёр қисмат.

Зулайҳо:

Ишқинг гавҳарини ўғирлаб, ажаб,
Келтирди тасодиф, бўлдим баҳтиёр,
Юрибман ишқингни дилимда асраб,
Энди тасодифни койимоқ бекор.
Шартмиди тасодиф ўғрилаши, гар
Ўз хоҳишинг билан қиласанг инъом.
Ўғирлаб олардим, айлагин бовар,
Баригир бебаҳо гавҳарни осон.
Ишқинг гавҳари-чун қиласан тортик,
Ёшлигим, ҳаётим, қарорим олгин.
Сенинг гавҳарингдан булар кўп ортиқ
Хушбахтга не даркор, боримни олгин.
Бенаво гадоман демагин зинҷор,
Ишқи бор юраклар навосиз бўлмас.
Бағримда сен бугун тополдинг қарор,
Давлату баҳт шудир, бошқаси абас.

Севишган дил адашмас чиндан,
Зулмат уни этолмас тутқун.
Үрганарди севмоқни мендан
Тирилса гар Лайли-ю Мажнун.

* * *

Эркалатиб турибман сени,
Кулогимда илохий оҳанг.
Ажаб, булбул қўйлади нени?
Атиргулда қайдан ҳиду ранг?

Зулайҳо:

Қайиқ сузар эди тузук,
Бу не сир, ҳайрон қолдим.
Сенинг совғанг – олтин узук,
Фрот ичра йўқолди.
Тунда кўрдим бу ҳолни мен,
Кўк қизарив келган он.
Башоратгўй шоир-ку сен,
Туш таъбирин эт аён!

Ҳотам:

Туш таъбирин аёни этмоқ
Қийин эмас, ложарам,
Ташлаганди, сўйлаб эдим –
Венеция Дожи ғам –
Узугини денгизга, хўш,
Денгиз сақлар-ку омон.
Минглаб қўшиқ хайрли туш
Менга айлади инъом.
Мен кезгандим аллақачон
Ҳиндистондан то Дамашқ.
Элтажакдир мени карвон
Ўзга юртга этма рашик.
Лекин доим кўмсар юрак
Айвон ёни дарахтзор.
Руҳим тани этади тарк
Сўнгги бўсанг билан ёр.

Гинго Билоба

Келтирдилар чорбоғимга
Машриқдан дарахт, аммо

Бул дарахтнинг япроғида
Пинҳондир сирли маъно.

Табиатнинг сеҳримикин
Барги нечун қўшалоқ?
Икки бўлак баргни ёки
Битта этганми мутлоқ.

Муаммони ечар ҳар ким
Шеърим ўқигани дам:
Сезяпсанми менинг ўзим
Битта, лек икки одам.

Зулайҳо:

Кўп тўқдинг гўзал қўшиқлар,
Хўп ўқиди уни ошиқлар.
Хуснихатинг жуда ҳам машҳур,
Олтин билан безанганди рақам
Ҳар нуқтаси ажойиб, кўркам.
Хузурбахшдир ва айлар асир
Ҳар бир янги қўшиқ, янги ишқ –
Сабабчиси эмасми шоир?

Ҳотам:

Ҳа, дилкаш кўз, тишлари дурдан,
Киприги ўқ, лаби лаъл ҳурдан,
Зулфи илон – мени банд этган,
Соҳир бўйин, момиқ сийнаси,
Юрагимда муҳаббат саси,
Ҳар дилбар ҳам гўзал сарвтан,
Лекин барча санамда якка
Сенинг сиймонг кўрганман, эркам.

Зулайҳо:

Кўкка қуёш чиқди, шу заҳот
Кирди унинг бағрига ҳилол.
Ажратолгай уларни қай зот?
Никоҳми бу? Недир? Ажиб ҳол!

Хотам:

Дунёда жуфт яратиб Султон
Барча олий хилқатни, атай –
Ботирларни танлаб күк томон
Парвоз қылмоқ учун чорлагай.
Сайёралар васли ҳам, дилбар,
Мену сенга монанддир ахир.
Үхшатгандинг мени офтобга
Эй, гүзал ой қучоғимга кир.

Кел, маҳбубам, салла ўраб бер
Нафис қўлинг била менга.
Эрон шоҳи Аббос ҳам меҳр –
Ила лаъл қадаган унга .

Ярашганди салла жаҳонгир
Искандарга бўлиб маъқула,
Дастор боғланг саркарда, амир
Дея фармон берганди ул.

Қимматбаҳо лаъл билан дастор
Безатилса аталади тож!
Уни кийса бизнинг ҳукмдор
Бўлгай шону шуҳрати ривож.

Бошимга қўй оппоқ дасторни,
Кел, маҳбубам! Фароғатдадир –
Ким бағрига ололса ёрни,
Тожу тахтга не ҳожатдадур.

Кўп нарсага қўнгил мойил
Озига ҳам қаноат –
Қиддим, шунинг учун хушҳол
Яшадим топиб роҳат.

Майхонада базм этсам
Хоҳ кулбада мен якка,
Хаёл доим сен билан банд
Рұх боғлиқ сен малакка.

Темур ҳукми, салтанати
Сенга аслида жоиз.
Лаъл Бадахшон мамлакати,
Феруза берсин денгиз.

Шириң-шакар, қуруқ мева
Серкүёш ул Бухоро,
Самарқанд – дафтар тўла
Қўшиқ тортиқ қилсин то.

Ормузд ҳакда сенга ёзсан
Ўқир эдинг пайдар-пай.
Барча савдо йўллари ҳам
Сен учун хизматга шай.

Ҳиндистонниг ипагига
Сени ўрамоқ учун,
Брахманлар юрти меҳнат
Этаётир туну кун.

Ер остини титиб қиши, ёз
Кўмир, тош кесиб ҳарчанд,
Шайдоларинг топиб олмос
Сени этмоқчи хурсанд.

Олиб чиққай денгиздан дур
Фавос сенга, қийнаб жон.
Бахш этмоқ-чун сенга ҳузур
Шоирлар битар Девон.

Басрадан-ми, ё ўзга юрт
Зиравор, тутатқилар,
Карвон билан барака, кут
Йўллаб сени шод қиласар.

* * *

Самарқанд, Балх, Бухорони
Сенинг ҳусну – жамолингга,
Инъом этмоқ, ё этмаслик
Келмабди хаёлимга.

Берарларми шаҳаншоҳлар
Мулку кишвар? Гумондур.
Улар – доно, бою довар
Лекин ишқда нодондур.

Журъат этмас шоҳ бу корга.
Юрт инъом этгай илло,
Фақат сендай гўзал ёрга–
Мендай сахий бир гадо!

* * *

Ажиб ҳусниҳат билан
Безаб жўнатганим дам,
Ул қофозларни ўқиб
Кулиб қўйдинг, маликам.
Унда мақтанган эдим
Сенинг севгинг билан мен.
Кечирдинг, хайриятки,
Мендай мақтанчоқни сен.
Бу баҳтлар омад эрур
Бундан ҳасадхўрларга
Алам етмасун нечун?
Дўстларга эса қувонч –
Бахш айлар ифор каби,
Умр қувончи гўзалдир,
Шудир ошиқ матлаби.
Эҳтиросли ишқингни
Мисли копток мен томон
Иргитяпсан ҳар нафас,
Иргитяпсан, Зулайҳом!
Мен ҳам севги коптогин
Отяпман унга такрор.

Бу дақиқалар гүзал,
Бундайин бахт кимда бор?
Ва лекин кимлар сени
Мендан айирди, қаранг,
Неча йиллар айирди
Гоҳ армани, гоҳ фаранг.
Вайрон бўлган ишқ қасрин
Мен қайта этдим бино.
Унда ҳузур-ҳаловат
Биз-чун бошланар танҳо.
Қўлингда турли-туман
Ип бор, у билан шодон
Иқболни тўқияпсан –
Бахт или билан чаққон.
Шеър гавҳардур, ипга тиз.
Кўксингни безасин дур.
Аллоҳ оби раҳмати
Эрур у, дилга манзур.

* * *

Муҳаббатга муҳаббат бўлса,
Кўзлар кўзга, сўзлар сўз билан
Қовушса-ю, бўсага бўса,
Нафас нафас билан, маҳбубам.
Шундай ўтар бахти туну кун!
Қўшиғимдан келмагайдир ҳеч
Шу сабаб қайфу, ғамли ун.
Юсуф ҳам рашк этмасин нечун
Менинг бахтим кўриб эрта-кеч .

Зулайҳо:

Қулми, озод ё ситамгар
Англадилар ҳикматни:
Бахтдир инсон тутолса гар
Дахлсиз шахсиятни.

Умр деган ўтар, не ғам,
Үтма ўзинг бенаво.
Нени қўлдан бой берсанг ҳам
Ўзни бой берма аммо.

Ҳотам:

Минг оғарин! Менда фақат
Ўзга фикр, ўзга савдо:
Заминдаги бор саодат
Сенда жамдур Зулайҳо.
Васлинг менга насиб этса,
Ўзга баҳт даркор эмас.
Юз ўгириб мендан кетсанг
Бўлажакман хору хас.

Мен – Ҳотамтой – сўзим адо
Қилмай туриб, хайрият,
Билиб қолдим – қандай сиймо
Бўлсам, дилинг этгум забт.

Сўзларимга гувоҳ Раббий!
Сени куйлагум жонон,
Фирдавсий ё Мутанабий
Ёхуд бўлиб бир султон.

Ҳотам:

Бозордаги заргар дўконин
Қуршагандек рангин чироқлар,
Қизлар кекса шоирни куршаб
Бермоқчисиз қандай сўроқлар?

Қизлар:

Зулайҳони куйладинг такрор,
Бунга қандай биз берайлик тан?
Ўзинг эмас, қўшифинг ошкор –
Ёндиради бизни рашик билан.

У бўлсайди хунук, бедаво
Гўзал деб мақтардинг ўзига.
Ўқиганмиз Ботина зебо
Кўринганди Жамил кўзига.

Лекин биз ҳам чиройда кам йўқ,
Тасвирилашга айлагил ҳиммат,
Мақтасанг гар арzon, кўнглинг тўқ –
Бўлсин, сенга тўлармиз қиммат.

Хотам:

Майли, келгин яқинроқ сабзранг –
Қиз, васфингни этай bemalol.
Турмаклабсан сочингни аранг
Бошинг масжид гумбази мисол.

Сен, мана қиз, эй, нозик бадан
Хуш қилиргинг ярашар, лекин
Мунча сенинг қоматинг баланд
У қадми, ё минорамикин?

Сен, кўз сузиб ўтирган эй, қиз!
Бир кўз у ёқ, бир кўз бу ёққа –
Термулади. Қочмоғим жоиз –
Сендайлардан далами, тоққа.

Чап кўзгинанг юлдуздай порлар,
Макру ҳийла ундан олмиш жой.
Етказади дилга озорлар
Үнг кўзинг-чи, ҳалолликка бой.

Ошиқларни бири ярадор –
Этар доим, бири шифобахш.
Бир ўзингда икки хил кўз бор
Сендайлардан ким этмайди рашк?

Мана сизга мадҳия, мақтов,
Севганимга исбот бу бари.
Гапларимда йўқ макру алдов
Ўзгача лек мен севган пари.

Қизлар:

То бўлмаса шоир содик қул
Айланарми ишқ султонига?
Севган қизинг куйларми маъқул
Лаб тегизиб ишқнинг жомига.

Кўшиқлари дилкашми ва ё
Бизлар айтган қўшиқдан марғуб?
Шундай бўлса агар мабодо
Нечун пинҳон куйлар у маҳбуб?

Ҳотам:

Қанча чуқур бўлса, шу қадар
Чашма суви тиниқ бўлади.
Дилдаги ҳис-туйғу ҳар сафар
Фаройиб бир қўшиқ бўлади.

Сизнинг қўшиқ гарчи ҳузурбахш,
Фарқи бордир, англайди ҳар ким:
Сиз ўз ҳақда куйлайсиз дилкаш,
У мен ҳақда куйлайди доим.

Қизлар:

Демак ёринг бу ерлик эмас,
У самовий хислатга эга.
У ҳур экан, бўлди, билдик, бас!
Унга ҳавас этмайлик нега?

Ҳотам:

Зулфинг мени банд айламиш
Оразинг теграсида,
Ул жигарранг илон эмиш
Битмай бўлмас қасида.

Дилда эса сабр ила
Яна гуллади баҳор.
Замин ости тафтга тўла
Эриб битди туман, қор.

Чўққиларни тонг нуридай
Ёндириб сен иситдинг.
Хотам баҳор ҳовурида
Ер оташин ҳис этди.

Соқий, май қуй! Куйиб ишқда
Кулга айланди танам.
Унутилган кулни кўриб
«Мен куйдирган!» дер санам.

Зулайҳо:

Нега сени унутайин
Икки ўт ёнмай нетар?
Сенинг кучли эҳтиросинг
Ёш дилга завқ бахш этар.

Шоирим сен ишқ баҳосин
Бера оласан тўла:
Ишқдир ҳаёт ибтидоси,
Рух тириқдир ишқ ила.

* * *

Лаъли лабингдан бўса эт инъом,
Хиралик этсам сўқмагил асло.
Дору-ю даво излар-да ҳар он
Дардга ҳар кимса бўлса мубтало.

* * *

Бир-бирингдан мисли Фарбу Шарқ
Йироқ бўлсанг, ғамга бўлма ғарқ,
Ошиқ учун сарбон не даркор?
Муҳаббатинг бамисли қанот
Бир нафаслик йўл эрур Бағдод.

* * *

Омонат бу дунёда ҳар ким
Недир билан овунар ҳар дам.
Менга овунч – ёниқ кўзларинг,
Ҳамда дилинг гупури, санам.

* * *

Ҳису ҳаяжонга кўмилдим, бироқ,
Висол онида хижолат ўзим:
Оразинг кўрсам – кар бўлар қулоқ,
Сен сўзлаган дам кўрмайди кўзим.

* * *

Ёди дилда, ўзи йироқда,
Ташриф этар билдирмай қийноқ.
Саси нуқта қўяр фироқقا,
Мана, келди, дилбарим қувноқ.

* * *

Йироқ кетса ёруғ кун
Қалбинг бўлмасин бўм-бўш.
Ҳали шеър ёзмоқ мумкин,
Май этмасанг ҳамки нўш.

Зудайҳо китоби

Бу китобни олтину дур билан, хуллас,
Безамоқчи бўлдим, жонни айлаб фидо!
Варогини қисқартириб асло бўлмас,
Мажнунларнинг сўзи қачон бўлган адо.

* * *

Дарахтнинг новдалари
Кўряпсан, дилбар.
Мевалар тугмиш бари
Маржондай магар.

Фұралар ҳали ўзни
Билмайди, бирок
Уларни парваришилар
Бутоқ – арғимчоқ.

Қуёш нурини әмиб
Пишади улар,
Пүчорини тарк этиб
Нурга талпинар.

Югурап тор кулбадан
Қуёшга пешвоз.
Шундай шеърим, гулбадан,
Айлайди парвоз.

Зулайқо:

Шўх чашма оқар эди,
Исмим сарлавҳасин сен
Сувга ёзиб қўйдинг, мен
Унга-да боқар эдим,
Сени сўроқдар эдим,
Ёзган-ку бармоқларинг.

Хиёбонни оралаб
Оққан сувда ҳам аммо
Ўшал ҳарф бўлар пайдо,
Тепада сенсан, ё Раб!
Сендан айрилмас кўнгил,
Муҳаббатим боқий бўл!

Ҳотам:

Сарвларга жон бағишилар сув,
Севги майин қўйгил, муғбача!
Дунёга-да келиб кетишим
Зулайҳодан Зулайҳогача.

Зулайҳо:

Менга бўлмиш висолинг насиб,
Ғазал, бўсанг – лазизу ажиб.
Лекин дилинг сиқиб, этмиш ғаш
Қандай хаёл, қай туйфу яккаш?

Ҳотам:

Ҳар қилифинг мақтовга лойик,
Жон Зулайҳо, лекин мен –ошиқ
Ҳайратдамен, авваллар нега
Кўшифингни куйлардинг менга?

Энли эса, дилим ороми,
Хофиз, Саъдий, Низомий, Жомий
Байтларини куйлайсан такрор,
Бундан мен рашк этяпман, дилдор.

Ул зотларни мен ҳам албатта
Ўрганганиман нуқтама-нуқта.
Янгиланиб наволарини
Куйга солдим садоларини.

Айт-чи, кеча турилган қўшиқ
Учун кимдан қарздордир ошиқ?
Сен қўшиқлар тўқибсан, хуллас,
Унда борми бегона нафас?

Билки сен бор ҳар баётимда,
Парвоз этиб ишқ қанотида
Яша доим эй, ширин сухан,
Иттифоқда ошифинг билан.

Зулайҳо:

Ҳотамим, сен бўлганда йироқ
Юрагимни ўртади фироқ.
Куйлаб эдим қўшиқлар ҳар он
Бу қўшиқлар сеники, инон.
Зулайҳонинг шеъри бегона
Бўлармиди сенга, ягонам?!

* * *

Кофияни, дерлар, кашф этиш Баҳромгүр,
Дилдаги муҳаббат – мисрада жаранг
Маҳбуби Диlorом ҳам унга бўлмиш жўр,
Кофия ва оҳанг билан дафъатан.

Маҳбубам, ишқингда жон бўлганда пайваст,
Сўзларинг менга шеър айлади инъом.
Баҳромгүр Сосонийга йўқ менда ҳавас,
Султонмен, кашфимдир қофия-калом.

Ўзинг ҳадя этган ишқ қўшигин масрур,
Юракни тўлдириб куйлаганим ҳам,
Бахтли ҳаётинг акс-садоси эрур,
Назарба-назар, қадамба-қадам!

Йироқдасан, шеърларим учиб толмагай,
Садоси йўқолур, сенга етар сўз.
Юлдуз нурин ҳижоб тўса олмагай,
Коинот севгиси каломда маҳфуз.

Акс-садо

Ўхшатса гар этади жаранг –
Шоир ўзни шоҳ, ё қуёшга.
Лекин тунда унинг ҳоли танг
Мунгли хаёл ўрмалар бошга.

Кўкнинг мовий тоқи ўралмиш
Фамгин булат билан, юлдузим,
Юракдаги дардим кўзда ёш
Бўлиб оқар, рангпардир юзим.

Тун қўйнига ташлама танҳо
Кўздан ҳар дам оқизиб ёшим,
Ойдин куним танҳо ўзингсан,
Оҳ, моҳлиқом, ёруғ қуёшим.

Зулайҳо:

Ёримдан сен топиб дарак
Етказасан, намчил насим,
Фироқ дардин унга бешак,
Сенга шундан бор ҳавасим.

Қанотларинг шарпасидан
Дилда согинч бўлар бедор.
Кўзида ёш боғу роғлар
Кутар сени зор-интизор.

Сенинг нафис нафасингдан
Фам оташи сўнар эди,
Васл умиди бўлмаса гар
Мен аламдан ўлар эдим.

Севгилимнинг ёнига чоп,
Қийналганим айтма зинҳор,
Дардларимни айла пинҳон,
Токи ташвиш чекмасин ёр.

Фақат айла шуни баён
Оддий тиlda сўзлаб озод,
У бор-ки мен тирикдурман,
Унинг ишқи – мен-чун ҳаёт.

Қайта топишиш

Васлинг бўлмиш насиб бугун
Наҳот моҳи тобоним?
Фироқ туни эди узун,
Фироқдан оғрир жоним.
Титратмоқда ўтган ситам
Вужудимни, булажаб!
Ўнгми ё туш? Бағримдасан
О, қувончим, шакарлаб!
Оlamдан йўқ эди нишон
Истади Парвардигор,

Олам бино бўлди осон
Тартиб билан бояқбор.
Амр этди У: «Бўл!» Шу заҳот
Бошланди-да ҳаракат.
Олам шаклин одди, ўтмай –
Бир «Оҳ!» демоқча фурсат.
Зулмат қўрқиб қочди дарҳол
Нурга кўмилди жаҳон,
Унсурлар ҳам жонли мисол
Курашиб, айлар туғён.
Гўё улар этаётир
Бир-бири-ла торто – торт.
Таги туби ноаён бу –
Коинотда умрбод.
Борлиқ бекас, ҳам гунгу кар
Худо бор эди танҳо.
Кўк тоқига айлади амр
Тонг бўлди шу он пайдо.
Кўкка сакраб турфа хил ранг
Осмон безанган фурсат,
Ранглардаги сеҳру жаранг
Пайдо этди муҳаббат.

Ажаб қудрат! Бир-бирини –
Тинмай излаб, дафъатан
Қовушади бир-бири-ла
Бир тан бўлар икки тан.
Севги тўла нигоҳларга
Чегара йўқ, йўқ ташвиш,
Энди Тангри амри билан
Инсон бошлагайдир иш.

Худди шундай сеҳрли тонг
Бағрингда бўлдим ҳозир,
Юлдузларнинг жарангидан
Туташди бизнинг тақдир.
Қодир Аллоҳ: «Бўл!» – деб яна
Амр этса иккинчи бор,

Ажратолмас бизни энди
Мингта рақиби маккор!

Тўлин ой чиққан кеча

Бекам, не деб пичирлайсиз,
Тилингизда не талаблар?
Аста-аста шивирлайсиз
Майга теккан каби лаблар.
Жоду этмоққами шайсиз,
Сўзингизми айлар нола?
«Менга бўса эт ҳавола!»

Чўғдай порлар бутоқда гул,
Юлдузларнинг рақси пастда,
Зумрад каби ҳар битта гул
Минг хил рангда ҳар нафасда –
Товланар, сиз сезмай нуқул
Банд эрурсиз бир наво-ла:
«Менга бўса эт ҳавола!»

Ошифингиз событ аҳди,
Фироқларга этди тоқат,
Ул бебаҳтнинг шудир бахти.
Учрашасиз ушбу соат –
Фойибона, висол пайти
Айтилган ой тўлган палла:
«Менга бўса эт ҳавола!»

Махфий битик

Файрат этинг элчилар,
Аниқлангиз тиник,
Нуфузли битикларни
Тайёрланг аниқ.

Оlam махфий битикка
Тўла, сиз шоҳид.

Барчасин ўқимоқقا
Топурсиз калит.

Лекин менга дилбарим
Жўнатди бир хат,
Ундаги маҳфий битик
Ажойиб санъат,

Мисрасидан уфурар
Севги түғёни,
Висолдан берар дарак
Дил ҳаяжони.

Унда минглаб гуллардан
Ранглар олаганми?
Фаришталар навоси
Тутди оламни.

Кўкни тутмиш пат қалам
Садоси беравж.
Кўшиқлари жаранглар
Денгиздай пурмавж.

Тилагинг алар учун
Кўп маъноли сир,
Лекин нишонга тегмиш
Камондаги тир.

Мен нени этдим ошкор
Бир сенга аён,
Ўзгалар билмас зинҳор
Сирни ҳеч қачон.

Инъикос

Ойинага қарадим, унда
Аксим бўлди дарҳол намоён.
Кўша бўлиб кўринди шунда
Кўксимдаги шоҳ берган нишон.
Манманлиқдан қараганим йўқ,
Бундай туйфу дилга бегона.
Мен кўшиққа аслида ошиқ,
Кўшиқ эрур мурод ягона.
Ойнага бўлсам юзма-юз,
Тул эркакнинг хонаси аён –
Кўринару, узолмайман кўз,
Ул хонадон менга қадрдон.

Дарҳол юзим бурсам, шу заҳот
Йўқолади тасвир ва лекин
Кўшиқларим қоқару қанот
Келар менинг ёнимга секин.

Кўшиқларим бўлар нафисроқ,
Кўшиқ тўқиши – бу менга омад.
Токи танқид этувчиларга
Улар берсин кунлик даромад.
Турли сиймонг мисраларда жо,
Сени, дилбар, мақтайман мудом.
Гулчамбардай сени безайди
Олтин ҳарф-ла битилган калом.

Зулайҳо:

Кўшиғингдан айладим ҳис
Дилбарим, деган заҳот.
Фақат бир мен ҳақда ёлғиз
Экан сен тизган баёт.

Үнүтмасман висол ониң
Бўлсанг ҳамки йироқда,
Ишқ лаззатин тотган жонинг
Мени эслар фироқда.

Аё, дўстим! Назар айла –
Юракка, ойина у.
Бўсаларинг мухр янглиғ
Кўксимда турибди-ку.

Ширин Фазал ва Ҳақиқат
Мени айлади асир.
Бизнинг оташин муҳаббат
Шеърнинг либоси ахир.

* * *

Ойинаи жаҳаннамо на даркор,
Искандарга бергил уни, чунки у –
Элларни-да қўшиб, мутеъ, хору зор
Ва саргардон айлаган эди мангур.

Баридан кеч, бегона ахир улар,
Сен мен учун қўшиқ куйла ҳар соат.
Билки, сени яхши кўраман, дилбар,
Билки, бир сен менга ҳукмдор фақат.

СОҚИЙНОМА

Зулайҳо:

Таъбинг нохуш, не сабаб, айла баён?

Хотам:

Биласанми Вужуд экандур зиндон,
Рұхни Вужуд ичига киригтанда
Билмасдики, тирсаги сиғмас анда.
Эрк истаб Рұх түрт ён бош урап гарчанд,
Лекин зиндон занжири айлайди банд.
Вале икки карат хатарли бу ҳол
Тутолмаса ўзни, яшамоқ маҳол.

* * *

Модомики Вужуд экандур зиндон,
Нечун зиндон мунча ташна, эт аён?
Рұх-ку аниңг ичида туриб қолгай,
Ақду хушни ўзида сақлаб олгай ;
Вале бир жом майи ноб ичган заҳот
Бошланади андин кейин отҳо-от!
Деворни Рұх этмоқчи майда-майда
Май шишиасин синдиригандек майзада.

* * *

Бу бир қабиҳ фоқиша,
Кекса, фирибгар жонон,
Дунёдир унинг номи
Мен ҳам алдандим осон.
Ўзгаларга этгандай
Ишончимни олди у,
Сүнгра олди орзумни
Чанг солмоқ бўлди, шунда –
Қочдим мен айлаб ҳазар
Хазинамни мангуга
Асрармоқ-чун бехатар.
Уни бўлиб берайин
Соқи-ю Зулайҳога.

Ҳар иккаласи олсин
Истаганча инъомдан.
Лекин мен-чи, бадавлат
Дилда ишқнинг қувончи,
Ишонч келар қайтадан,
Ишқингизнинг ишончи.
Куйилди жом ичра май,
Дам ранимат, минг шукур.
Бундан бошқа не керак,
Не керак бошқа ҳузур?!

Соқий:

Сени кўриб бозор – растада:
«Улуғ шоир!» – дейдилар, аммо
Сен куйласанг – тинглар вужудим,
Сукут этсанг – унда ҳам маъно.

Танҳо қолсам севгим аланга –
Олар, борми бўсангни сеҳри?
Сўз – ўткинчи, унга шул мақом,
Бўсададур мангалик муҳри.

Ўзгаларга куйлагин қўшиқ,
Ножоиздир бермоғим ўтит:
Соқий билан бўлганда лекин
Қўшиқ эмас, яхшидир сукут.

Ёз туни

Қуёш аста ботаётир,
Жилва этар мағрибда нур.
Бу гўзал ҳол, биласанми
Қанча фурсат давом этур?

Соқий:

Мен чодирдан ташқарида
Туриб қўкка солгум назар.
Чорлагайман сени, жаноб,
Тунда шуъла сўнмаса гар.

Чексизликка шайдодурсан,
Жаранглидур исмлари,
Бир-бирларин мадҳ этар
Мовий осмон жисмлари.

Энг ёруғ нур шундай куйлар:
«Менинг шуълам илоҳийдур,
Худо сизга этса тақдир
Мангуликка – сочасиз нур».

Тангри гўзал, унинг нури
Теккан ҳар жой эрур нурфош,
Қушларни у сақлар омон
Уясида бўлиб қўлдош.

Ўзга бир қуш сарв дарахти
Новдасида мудраб тураг,
Тонг шабнами тушгунича
Худо ҳофиз, тушлар кўраг.

МАСАЛНОМА

Денгиз ичра қўқдан тушмиш бир томчи,
Денгиз тошиб, тўлқин бош ураг ҳар ён,
Чиганоққа Худо айлади фармон:
«Эътиқодли, жасур томчини ют-чи!»
Худойимнинг қудратига шак йўқдир,
Томчи дурга айланди сабр билан.
Минг хил рангда ярқираб у сочади нур,
Сўнг шоҳ тожин ўзига этди ватан.

* * *

Тунда булбул этган наво
Етти Ҳаққа. Худо шу он
Олтин қафас этди инъом,
Вужудимиз экан аммо
Шундай қафас – ҳудуди бор.

Юриб бўлмас унда озод,
Шуни ўйлаб туриб, ҳайҳот,
Юрак ўксисб куйлар тақрор.

Мўъжизага ишонч

Кўлдан тушиб синганда жом
Лаънатладим наҳс онни,
Мен ноумид бўлиб шу он
Қарғадим шум Шайтонни.

Жом синифи узра йирглаб
Турганимда бағрим хун,
Ўзга жомни менга Худо
Яратиб берди бутун.

* * *

Чиганоқнинг дастидан қочиб
Келган гавҳар заргарга деди:
«Гўзаллигим билан нур сочиб
Турибман, сен бузасан энди.
Пармалашни кўзлабсан, ҳайҳот,
Вужудимни тешиб бузасан.
Икки пуллик мунчоқни наҳот
Мен билан бир ипга тизасан?»
«Заргар фойда топай деб шошар,
Узрим қабул айлагин, гавҳар!
Қимматсиз тош қиммати ошар
Сен-ла ипга тизилса агар.»

* * *

Кўриб товус патини Қуръон ичра,
Мен кўмилиб қолдим ҳаяжон ичра.
Хуш келибсан, муборак бўлсин жойинг,
Тушибсан кон ичра, очиб чиройинг.
Худомизнинг улкан қудрати гўё
Бўлган каби кичик юлдуз ичра жо
Сендаги ҳусн эрур ҳусни илоҳий,

Тушган ахир сенга Тангри нигоҳи,
Ҳавас этиб подшоҳлар ҳам шу сабаб
Сени тождай бошга кўттарар, ажаб!
Гўзалликда сен қушларнинг подшоҳи,
Камтарликни ўзингга этсанг пеша
Илоҳ сенга ҳамроҳ бўлгай ҳамиша.

* * *

Шоҳда икки ҳазиначи бор эди,
Бири олар, ўзгаси этар инъом.
Бири йиғса, ўзгаси хайр-садақа
Этар эди қашшоқларга беармон.
Ўшал сахий ўлиб қолди, во дариф!
Лекин унинг ўрнига бошқасин шоҳ
Тополмади излаган билан мутлоқ ;
Ҳазиналар тўлиб кетди баногоҳ.
«Бу не офат, фалокат эрур!» – деб шоҳ
Ўйлагунча токи бошини ушлаб
Олтинларни қайга қўймоқни билмай
Ҳамма қолди ҳайрат бармоғин тишлаб.
Бу воқеа асли зўр ҳикмат, бироқ –
Сахий одам жойи бўш қолгай мутлоқ.

* * *

«Қорнинг нечун қоп-қора, қозон?»
Сўраб қолди янги гул тувак.
«Ошхонадан йироқсан ҳар он
Лофинг шундан бермоқда дарак.
Кўлу юзинг гарчи покиза.
Кетингга бир боқсайдинг, шу дам –
Гапирмасдан, бўлардинг изза.»

* * *

Барча инсон кичик ё катта
Йигиради тун-кун албатта,
Ўз оламин ўргимчак мисол
Ва ўлтиргай у ерда хушҳол.
Ул ўргимчак уяни, ҳайҳот,

Тоза этмоқ бўлсанг, шу заҳот –
Қасрим буздинг, – деб айлар фарёд.

* * *

Абадийлик бахш этмоқ учун
Инжилга-да Исо пайғамбар,
Кўқдан тушиб айламиш тун-кун
Шогирдларга Ҳақ сўзин хабар.
Баён айлаб Худо сўзини
Исо кўкка айлади парвоз.
Шогирдлар-чи, эшитганини
Ўзларича этди ёза-ёз.

Хотираси аларнинг ҳар хил,
Ҳақ қаломин ҳар хил битарлар.
Насроний^лар қиёматгача
Аниқ сўзни билмай ўтарлар.

МАРҲАБО

Одам Ато жаннатул маъво
Ичра ухлар эди бемалол.
Яратди-ю Ҳавони Худо
Ва бағрига қўйди жон мисол.
Аларга бахш айлаб муҳаббат
«Марҳабо!» деб аларни сўиди.
Лабларида табассум фақат
Алар дарҳол чирмашди – қўйди.
Ҳайратангиз эмас бу ҳолат,
Бунинг бари илоҳий қудрат.
Севиб қолгунг, аён Аллоҳга
«Марҳабо!» деб берган фармойиш,
Бағрига кир, шу ахир хоҳиши.
Сен – Худонинг хоҳиши, малак,
Офатлардан асрайман бешак.

ФОРСИЙНОМА

Кекса оташпарат васияти

Менга фарздур васият этмоқ,
Сүнг адамга беармон кетмоқ.
Сиғингандим оташга ҳар он,
Мени сизлар этдингиз икром.
Олтин, зарга бурканиб агар
Шоқ ўтганин кўрсак муқаррар,
Яқинлари қуршовида у
Гавҳар каби порлайди мангу.
Қай бир дилда кўпгайдир ҳасад?
Гўё офтоб нурин беадад
Дарнавид тоғ узра сочгандек,
Бундан зулмат кўрқиб қочгандек.
Тонг маҳали кўкдаги зиё,
Қайси кўзни этмас маҳлиё?
Минг марталаб тушса-да кўзим
Ҳаяжонга тушганман ўзим.
Шоҳона тахт узра Худойим
Ўтирганин ҳис этиб доим.
Қайга тушса нигоҳи аён
Нурга тўлар, ўзгарар, инон.
Оташ ёнар – илоҳий қудрат
Кўзим басир, кўргин бу фурсат.
Бошим ерга қўймай нетарман,
Мен сийначок, сажда этарман.
Муқаддас бир васиятим бор,
Хотираға муҳрланг зинҳор:
«Машак қатли бетарк ибодат»
Бағридадир асли моҳият.

Чақалоқ-чи, чўмиб ҳузурга
Кўлин чўзган маҳали нурга,
Вужудини, Рухини дарҳол
Қуёшга фарқ айланг бемалол.

Марҳумларнинг руҳин айланг шод,
Неки чиркин, мурдор шу заҳот
Кўмиб ташланг заминга бир-бир,
Замин пинҳон тутмоққа қодир.

Дархтларни ўтқазинг қатор,
Қуёшдан нур эмолсин зинҳор.
Далангизни тутинг покиза,
Қуёш, олов – асли мўъжиза.

Ариқдаги сувни ҳам мудом
Пок тутингиз этмасдан ҳаром.
Зиндаруддай бўлсин мусафро,
У сув тоғдан оққандир илло.

Ариқларни қазингиз нишаб,
Токи оқсин суви шилдираб.
Кўпаймасин ариқда зинҳор
Қамиш, ёхуд ҳаром жонивор.

Қайдада еру сув эмас ифлос,
Куёш нури унда бекиёс.
Қайдада меҳнат шараф бўлса, бас,
Унда ҳаёт бокий, муқаддас.

Сиз риёзат чекиб шом-наҳор,
Ўзингизни поклангиз ҳар бор.
Сиз коҳиндай ўзни айланг баҳш,
Худо расмин тошга айланг нақш.

Оташ бўлса қувонар кўнгил,
Тун ёруғидир, вужудинг енгил.
Оташ айлар мазали бетин
Ҳайвон гўштин, мева шарбатин.

Үтин жамланг, ҳузур намоён,
Унда қүёш уруғи пинҳон.
Пахта экиб этинг вактхушлик,
Чунки ундан ясалар пилик.

Кўқдаги нур шуғласи бешак
Ҳар гиёҳда зуҳур этажак.
Ҳар тонг дилда бўлсин бир хоҳиш,
Худо таҳтин айлангиз олқиши.

Унда ҳаёт муҳри намоён,
Фаришталар кутади фармон.
Етти фалак узра бериё
Айтурлар Ҳақ номига сано.

Зиндарудни тарк айлаб, ёху!
Мен осмонга учаман, мангур.
Қуёш билан қовушиб аммо
Сизни этиб тураман дуо.

* * *

Қуёш нурин эмган ерни
Ардоқласа агар одам.
Ток ҳам сезар унинг меҳрин
Узум солар бўлиб кўркам.

Майга тўкар ток кўз ёшин,
Ким нўш этса уни пайдар-пай.
Баъзи ҳисни уйғотиб у
Баъзисини мавҳ айлагай.

Қуёш нури барча ишга
Қодир эрур, бу ҳол аён.
Ундан баҳра олганларни
У куйлатиб айлар шодмон.

ХУЛДНОМА

Жаннатдан сўзласа содиқ мусулмон,
Жаннатда кезгандай тасвирлар, бешак –
Ишонар не ваъда айлаган Қуръон
Бу эса мустаҳкам иймондан дарак.

«Бандалар гуноҳин афв айла Худо!» –
Деб машҳар кунида сўрар пайғамбар.
У бизга қалқондур машҳарда, илло
Бўлмасин дилларда шубҳа-ю кадар.

Абадий маконда янгича ҳаёт –
Тарзини билдириди, билиб бу сирни,
Мен яна навжаҳон бўлиб шу заҳот
Бўйнимга боғладим ушбу занжирни.

Бағримни тўлдириб, дилимга ором
Бахш айлаб турибди самовий лаззат.
Қўлимда кавсарнинг суви тўла жом
Рўпарамда эса абадий жаннат.

Тақвадор мардлар

/Бадр жангидан сўнг, юлдузли осмон остида /

Муҳаммад (с.а.в.) сўзлари:
Аза очиб айласин фарёд
Мурдаларнинг устида душман.
Бизлар учун бундай хислат ёт,
Чунки шаҳид дўстлар топар шан.

Етти осмон дарвозаси ланг
Очиқ шаҳид дўстларга ҳар он.
Улар руҳи шубҳасиз, қаранг,
Жаннат ичра бўлади меҳмон.

Бурок отга миниб күк томон
Чақмоқ каби учганда илдам,
Күрдим етти беҳиштни шу он,
Юрак тепа бошлади хуррам.

Сарвзорда Ақл дарахти
Мева солиб топмоқда камол.
Удир ҳаёт дарахти, бахти,
Соясидан чор тараф хушҳол.

Шарқдан ширин шамол елади,
Фаришталар қўшиғини у
Қанотида олиб келади,
Барин кўриб қувнайсан мангур.

Фаришталар боқар синчилаб
Қаҳрамонми? Қайда жароҳат?
Текширади улар очмай лаб
Кўрсатгандинг қандай каромат?

Ҳар жароҳат ҳисобда эрур,
Наслу насаб эса йўқолур.
Жароҳат – шон, шараф, гавҳар, дур,
Иймон каби фақат у қолур.

Сени ажиб хиёбон аро
Элтгай малак етаклаб дарҳол.
Узум суви дорудай шифо
Андин ичиб бўласан хушҳол.

Ва дафъатан яшаражаксан,
Барча бунда пок ва тўғри дил.
Гуруҳингни bekasi bўлар
Кимга кўнглинг бўлар гар мойил.

Сен энг гўзал малак васлига,
Суҳбатига бўласан восил.
Ҳasad ийқидир, қувноқ, аслига
Дил муродинг бўлади ҳосил.

Ҳар битта ҳур таклиф этади,
Үз базмига сени беминнат.
Қўлингдан кўп аёл тутади,
Лекин ғалва этмаслар ҳеч вақт.

Ўзга жойни этмайсан ҳавас,
Ҳеч кўнглингга урмас бу қизлар.
Бу бодадан бўлмагайсан маст,
Ҳамма шундай маконни излар.

* * *

Мен қисқача айладим баён,
Ҳар мусулмон этсин ифтихор.
Этажақдир жаннатни макон
Жангта кирган ҳар бир тақводор.

Жаннатий аёллар

Садоқатли тўрт аёл бор,
Беҳишт ичра кирар бешак,
Покдир алар ва тақводор,
Иймонига келтирманг шак.

Бири дилбар Зулайҳодур,
Юсуфини у чорлайди.
Анинг офтоб жамоли нур
Каби беҳиштда порлайди.

Иккинчиси Биби Марям
Она эрур Исога у.
Лек Исони хочга михлаб
Ўлдирмоқ бўлдилар, ёху!

Хадичаи Кубародир
Учинчи жаннатий аёл,
У туфайли Пайғамбарга
Боқди бахту шуҳрат, иқбол.

Тўртингиси Фотимадир,
Фариштадай анинг қалби.
Нодир қиз у, асл хотин,
Эзгулиқдир ҳар матлаби.

Ҳар тўртовин жаннатда биз
Кўриб қанча мадҳ этсак кам.
Хотиржаму ёшу қувноқ
Унда мангу яшар одам.

Ижозат

Хур:
Сен бамисли жаннатмакон?
Киришинг гумон ҳали.
Жаннатга мен ўзим пособон
Кўринишиング шубҳали.

Муслиммисан, сийратингни
Аён эт, ҳаққа ошиқ.
Курашингми, хизматингми
Беҳиштга эмиш лойик?

Магарамки, сен қаҳрамон,
Қаерингда жароҳат?
Айтгил, недан шухрату шон
Жаннатга сўнг ижозат.

Шоир:
Такаллуфсиз гаплар дединг,
Бенафдур йўлим тўсмак.
Мен ҳақиқий Ихсон эдим
Курашувчи – бу демак.

Кўксимга боқ, не учун қон,
Унда ненинг изи бор?
Ҳаёт макри, севги-ҳижрон,
Уни этмиш ярадор.

Куйлатганди этиб бовар
Мұҳабbatнинг қудрати.
Гарчи дунё ўтиб кетар,
Боқий дўстлик ҳиммати.

Чақнаб турдим гоҳ яшиндай
Жўр бўлиб оқилларга.
Токи севги оташидай
Кирсин номим дилларга.

Йифишириу итобингни
Кирит, топай бериб тан,
Абадийлик ҳисобини
Момик бармоқларингдан.

Акс-садо

Хурп:
Буйруққа мувофиқ
Асли мен дарвозабон,
Эсингдами, ошиқ,
Бизлар суҳбатлашган он.
Қаердандир келувди ажиб оҳанг
Жарангида намоёндир турфа ранг.
Борлиқда ҳоким наво
Кўринмади лекин уни чалган зот,
Тина бошлади садо.
Мен эсладим бу куй ўша-ўшадир,
Қўшифингта ўхшайдир.

Шоир:
Ёри жоним, қойилман!
Хотирангда қолибман мангу.
Замин узра янграган оҳанг
Асли акс-садоси бу.
Кенг осмонни қўшиқлар қучар
Пастда қолар баъзи куй алҳол,
Баъзи қўшиқ шиддат-ла учар

Пайғамбарнинг бедови мисол.
Жаннат дарвозаси оддидаги сас
Менинг оҳангларимдандир.
Ани тинглаб дугоналаринг бир-бир
Роҳатлансан ҳар нафас.
Кейин акс-садодай, хуллас
Пастга алар сочсин куйларни,
Яна ерни қучсин у.
Даф айласин дилдаги ғамни
У мисли илоҳий руҳ.

Янграйверсин-да мангү.
Шодмон этиб икки оламни.
Сен-чи, менга айлаб илтифот
Ёнгинангдан бергил жой.
Мудом севгинг менга мукофот,
Шу ер танланган сарой.
Ҳеч ким мендай сени севарми?
Мангү бирга бўлайлик икков,
Дарвозага бошқа бевани
Қўймоқ керакдир дарров.

Шоир:

Ҳайратангиз бўсаларинг, лабларинг
Ажиг сирни этмай тур, майли, ошкор.
Лекин айт-чи, ерда бўлганмидинг ёр,
Уда не эди номинг?
Менга таниш ишқинг, каломинг
Қасам ичиб исбот этаман, бешак –
Унда номинг Зулайҳо бўлган, малак.

Ҳур:

Чор унсурдан бизлар яратилганмиз,
Булар – обу оташ, тупроғу ҳаво.
Тупроқ иси бизга ёқмайди аммо
Шу сабабли тушмаймиз пастга мутлоқ.
Вале ташриф айласангиз биз томон,
Хизматдамиз бегумон.

Биласанми, тақвадорлар Пайғамбар
Тавсияси ила жаннати бўлиб
Келганида, аларга бўлдик чокар,
Қабул этдик барин қувончга тўлиб.
Эркаладик, силаб-сийпадик ҳар дам
Фаришталар ҳайратга тушди бундан.

Битта-битта келиб алар шу ёққа
Бизни этди ўзларига маъшуқа.
Кейин бизни ҳисоблаб бир хизматкор
Паст табақа дея бердилар озор.
Биз бўлсак-да мулоим, хушхулқ, ҳалим,
Ерга қочмоқ бўларди алар доим.

Биз – самовий зотлар учун ва лекин
Умуман ёт эди бу каби ахлоқ.
Фикримизни тингламас эди ҳеч ким
Бу ишга биз қарши бўлсак-да мутлоқ.
Пешвоз чиқдик, самовотда Пайғамбар
Буроқ отга миниб айлагандада сайр.
Аршдан қайтиб келганда Расулуллоҳ
Ёнимизда тўхтаб айлади нигоҳ.
Пайғамбарни ўртага олдик шу он,
Хушхулқ эди сарвари икки жаҳон.
Суҳбат этди биз билан анча фурсат,
Суханлари эди ғоят пурҳикмат.
Сўзларида пинҳон эди сир-асрор,
Чунки ерлик фикри бошқача экан,
Бизлар учун англамоқ эди душвор,
Маъшуқангиз бўлмоқ бизлар учун тан.

Шундай қилиб иззат-нафс бўлди барбод,
Лабни буриб қизлар қолдилар, ҳайҳот!
Ҳаётимиз абадий бўлмоғи ҳақ,
Бўлмоқ керак демак барига бефарқ.

Қайга тушса нигоҳимиз – қўрдик биз,
Қандай бўлса шундай даврон сурдик биз.

Биримиз оқ, биримиз сабзранг, малла,
Бизларни күр ноз-фироқ этган палла.

Гап сотибон ҳуда-бехуда, хуррам,
Үз уйимиз каби яшаймиз ҳар дам.
Саодатманд эрурмиз, бу жой аъло,
Не истасак, бари бўлар муҳайё.

Ҳазилни сен билмагайсанми илло
Сен жаннатий суратимга маҳлиё.
Бўса олмоқ, қучоқлашга уста сен,
Не бўларди Зулайҳо, бўлмасам мен?
Соҳибжамолмиди ўшал ойимқиз?
Демак, томчи сувдай ўхшаш эканмиз.

Шоир:

Қамаштирдинг кўзни, самовий хилқат!
Билмай қолдим қайда рўё, ҳақиқат.
Ошаётир лекин ҳайратим, олмон –
Забонида сўзлаяпсан, сўзинг шеър.
Олмонликнинг қалбин айлаб қўйдинг ром,
Хурларнинг-да тилида бор экан сеҳр.

Ҳур:

Чарчоқ билмай мисралар тизгин мудом,
Қалбинг нени амр айласа, ёз дадил!
Маъқул биздай жаннатийларга, инон,
Ҳақ сўз билан қўшиқ куйласанг одил.
Ҳайвонлар ҳам англа, олар мукофот.
Қўпол сўздан ҳурлар ранжимас, зотан –
Биз сезамиз дилингда не ҳиссиёт.
Унда чашма кўз очса, англаш керак
Жаннат ичра оқар ул чашма бешак.

Ҳур:

Эркаладинг бармоғимни тутиб боз,
Эслайсанми, неча асрдан буён
Бирга ҳаёт кечиряпмиз беармон?

Шоир:

Йўқ! Эслашга хоҳишим йўқ, сарвиноз!
Ҳар гал сени қучсам – янги бир лаззат,
Ўпичингда – бокиралик ва иффат.
Ҳар дақиқа мени қийнайди хаёл
Наҳот бир кун тутаб қолади висол?

Хур:

Мен айладим шунга эътибор
Хаёл сени элтади такрор
Аллоҳимнинг аршин кўрмоққа,
Оlam бўйлаб учасан якка.
Маъшуқангдан бегона бўлма асло,
Қўшиқлар тиз унга атаб доимо.
Дарвозадан ташқарида не оҳанг?
Бунда эса не куй этмоқда жаранг?
Зулайҳонинг шеърин куйла албатта,
Чунки қўшиқ, тўқимаслар жаннатда.

Эъзозланган аёлларга

Жаннатдан жой белгилангандир.
Англа, тўрт ҳайвонга ҳам.
Унда алар яшайди мангу
Тақводордай хотиржам.

Бири Исо улови эрур,
Ажиб хислатли эшак.
Пайғамбарга хизмати манзур,
Жаннатга кира бешак.

Бу ҳадисга Бўри риоя
Айлади эрта-ю кеч:
«Бадавлатдан қўй олгин,
Камбағалга тегма ҳеч».

Шу сабаб у жаннатий эрур.
Булардан сўнг тортиб саф,
Вафодор ит кирап жаннатга,
Ул итдур Асҳоби Каҳф.

Абу Ҳурайранинг мушуги
Беҳиштдан топар паноҳ.
Чунки уни сийпалаганди
Муҳаммад Расулulloҳ.

Энг олий мақом

Сабоқ бермоқ учун жадал –
Этган ҳар кимса фақат,
Дил тубида етиб аввал
Сўнгра сўзламоғи шарт.

Олий мақом хусусида
Сўралгандা, тутилиб –
Қолмаса гар, кетажакдир
Икки дунё кутилиб.

Баъзилар-чи, қабр ичра ҳам
Дер, қулагийлик этиб бер.
Абадийлик ичра ҳар дам
Ердагидай яшай дер.

Вале жаннат ичида Рӯҳ
Этганида фароғат,
Турфа гулу мева – шукуҳ,
Гўзаллар этар хизмат.

Эски, янги дўстларини
Бунда кўрмоқ истар у,
Таассуротин билдиromoқчи
Олмон тилида мангу.

Лекин бизга нотанишdir
Фаришталар шеваси,
Қандай турлаб, туслайдилар
Сүзни, келар ҳавасинг.

Улар билан имо этиб
Күз-ла сўзламоқ мумкин,
Ҳайратингни изҳорига
Товуш не даркор лекин.

Кетар арши аъло томон
Сўздан товуш ажралиб,
Унда абад бўлар меҳмон,
Мангуликка айланиб.

Жаннатда ҳам бешта ҳисни
Беражақдир Худойим,
Лекин менга бештасини
Бир этиб берар доим.

Абадийлик узра кезиб
Чарчамагайманammo,
Аллоҳ сўзи поку мақбул,
Аллоҳ сўзида бақо.

Шиддат билан кезсам ҳамки
Чексизлиқда йўқ ҳудуд.
Абадий ишқ ичра сингиб
Эриб кетаман бехуд.

Асқоби Каҳф (Етти уйқудагилар)

Саройни тарк этмоқ бўлди
Султон севган олти ўғлон.
Бунга сабаб: «Худоман!» деб
Султон ўзни этди эълон.
Атрофида пашша кезар,
Бир пашшани йўқотолмай
Сарой ўзни ожиз сезар.
Пашша учар, пашша қўнар,
Бўлмас асло уни тутиб,
Юборганди гўё Худо
Бу пашшани элчи этиб.

«Хўш, – дейишди ул ўғлонлар,
Бунда ҳикмат бордир тайин.
Бир пашшага етмас кучи
«Худоман!» деб сўзлар тафн.
Биздай яр, ичар. Шуми –
Қуёш, ойни яратган зот?
Аллоҳ якка яратувчи.
Қочищдадир энди нажот!»
Улар фикрин тўғри топиб
Йўлда ҳамроҳ бўлди чўпон.
Ўғлонларни асрари у
Форга кирди сўнг еттовлон.
«Сафингизга мени қўшинг!»
Деб келди ярадор бир ит,
Форга ани кирилдилар
Ухламоққа этиб умид.

Уларнинг бу шаккоклиги
Шоҳга аён бўлгани кез:
«Беркитингиз, – дебди, – маҳкам
Форни фишту ганж билан тез.
Осмоқ, ўтга ташламоқдан –
Кўра ушбу жазо жоиз».

Фор ичида қолганларга
Мангу уйқу бермиш Худо,
Гоҳ чап томон, гоҳ ўнг томон
Қўйиб аларни доимо
Бир фаришта хабардорлик
Этиб турар, токи алар
Вужудлари тоза турсин.
Куёш доим сочсин деб нур
Тешик этиб қўймиш горни.
Унда тоза ҳаво ҳар дам
Етти ўғлон ухлар жовид,
Ҳаво тоза, ширин ухлар
Яралари тузалиб ит.
Йил кетидан йиллар ўтар,
Уйғонишиди алар бир кун
Султон қурган девор қулаб
Тамлихо-чи, деди мамнун:
«Этай майли мен таваккал,
Олтин танга чўнтакда бор,
Озиқ-овқат олиб келай,
Билдирмасдан шоҳга зинҳор».

Исо алайҳиссаломга
Неча йилдан бери шаҳар
Қавм ҳисобланар эди,
Тамлихо бундан бехабар.

Шаҳар ичра кирди йигит,
Миноралар ортда қолди.
Нонвойга пул чўзди дарҳол
Нонвой аюҳаннос солди:
«Даққиёнус хазинасин
Топибсан-да, гапир, шайтон!
Олтин танганд мәълум этди,
Ярмин менга айла инъом!»
Жанжал катта бўлиб шоҳга –
Хабар етди, шоҳ ҳам ҳайрон.

Тамлихо зуд исбот этар
Үз ўтмишин сабот билан.
«Мана бунда мен қурган уй,
Бу устуннинг тагини сан
Қазиб кўр, мен яширган пул!»
Гапида йўқ эди ёлғон,
Авлодлар ҳам келди бир-бир,
Ақраболар бўлди ҳайрон.
Бу Тамлихо – катта бобо
Наҳотки шу ёш ўғлондир?
Фарзандлари ҳақида у
Хикоялар тинглар нодир.

Тизилганда бўлди исбот
Ақраболар жасур, ботир.
Тамлихонинг жасорати
Қондан қонга ўтган ахир.
Зурриёти бўлди аниқ,
Бу сир элни ҳайрон этди.
Сўнг фордаги дўстларидан
Хабар олмоқ учун кетди.

Султону халқ әргашдилар,
Чиқмай шоҳу халққа пешвоз
Ва лекин у бўлди ғойиб,
На из қолди, на бир овоз.
Фор эшиги бўлди маҳкам,
Ҳазрати Жабраил филҳол
Элтиб жаннат ичра қўйди
Саккизини ҳам бемалол.
Аллоҳ шундай бўлишини
Буюрганди бе қилу қол.

Хайрди тун

Парвоз этиб қүшиқдарим
Халқ дилини айланг макон!
Жаннат ичра ул Жабраил
Рухимга куч этгай инъом.
Мен навқирон бўлиб қайта
Қояларни чўкич билан
Ушатмоққа бўлгум қодир.
Юрак завқу шавққа пайванд.
Барча замон мардларини
Тўплаб жаннат ичра аҳил,
Кайфу сафо, ҳузур айлаб,
Сухбат этгум, марди оқил.
Худуди йўқ беҳишт аро
Боқийлик бор. Гўзаллик жам.
Унда яйраб сайр этасан
Вафодор ёр, эй маликам!

МУНДАРИЖА

Гётенинг заковат хазинаси	5
Клаус Зееҳафер. ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ ГЁТЕ - ШОИР, ТАБИАТШУНОС, ДАВЛАТ АРБОБИ	
Гётенинг ёшлиги (1749–1771)	12
Ижодкордан – вазирга (1771 – 1786)	15
Италияга саёҳат (1786–1788)	19
Беҳаловат йиллар (1788–1805)	21
Ҳаёт давом этади (1805 – 1823)	23
Умрининг сўнгги йиллари (1823 – 1832)	26
Йоҳанн Вольфганг Гёте. ХИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ	29
Таржимон ҳақида икки оғиз	160
ФАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ	
МУҒАННИЙНОМА	162
Ҳижрат	162
Эркинлик	163
Тилсимлар	164
Тўрт марҳамат	165
Иқрор	165
Аносир	166
Ташриф	167
Беадаблик	168
Қўполлик ва одоб	168
Борлиқда ҳаёт	169
Саодатбахш азият	170
ҲОФИЗНОМА	171
Тахалус	171
Арзу дод	172
Фатво	173
Беҳудудлик	173
Пайравлик	174
Ниҳон сир	175
Ишорат	175
Ҳофизга	175
ИШҚНОМА	178
Вафо тимсоллари	178
Яна вафо тимсоллари тўғрисида	178
Ишқ китоби	179
Огоҳлантириш	180

Хаёлотга чўмиб	180
Офат	181
Қаноат	182
Мужда	182
Садоқат	183
Сир	183
ТАФРИҚНОМА	184
Беш хислат	184
Шоҳ Шуҗоъ ва унга ўхшаганларга багишлиов	189
Олий илтифот	189
Фирдавсий сўзи	190
Жалолиддин Румий сўзи	190
Зулайҳо сўзи	190
РАНЖНОМА	191
Сайёҳнинг руҳий хотиржамлиги	196
Пайғамбар сўзи:	198
Темур сўзи:	198
ҲИКМАТНОМА	199
Марҳам	206
ТЕМУРНОМА	207
Зулайҳога	207
ЗУЛАЙҲОНОМА	207
Зулайҳо китоби	220
Акс-садо	223
Қайта топишиш	224
Тўлин ой чиққан кеча	226
Махфий битик	226
Инъикос	228
СОҚИЙНОМА	230
Ёз туни	231
МАСАЛНОМА	232
Мўъжизага ишонч	233
Марҳабо	235
ФОРСИЙНОМА	236
Кекса оташпараст васияти	236
ХУЛДНОМА	239
Тақвадор мардлар	239
Жаннатий аёллар	241
Ижозат	242
Акс-садо	243
Эъзозланган аёлларга	247
Энг олий мақом	248
Асҳоби Каҳф (Етти уйқудагилар)	250
Хайрли тун	253

ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаххиж
Зокир ЗАМОНОВ

Бадиий муҳаррир
Уйгун СОЛИХОВ

Компьютерда сақифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 4.03.2011 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Гарнитура «Bookman Сүт+Uzb». Офсет қороз.
Босма тобоги 8,0. Шартли босма тобоги 13,44.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 93.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
Лицензия рақами: AI № 081
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 273-62-71; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; web-сайтимиз: www.ibook.uz
e-mail: yangiasr@ibook.uz; yangiasravlod@mail.ru